что приводит к индукции осмотического и ионного стресса. Растительные клетки используют первичный активный транспорт, опосредованный  $H^+$ -АТФазами, и вторичный транспорт, опосредованный каналами и ко-транспортерами, для поддержания характерно высоких концентраций  $K^+$  и низких концентраций  $Na^+$  в цитозоле. В связи с этим, понимание механизма, с помощью которого хлопок поддерживает ионный гомеостаз при различных солевых стрессах, имеет большое значение для сельского хозяйства, поскольку засоление почвы является причиной больших потерь урожая хлопка во всем мире.

Объектом исследования служили солеустойчивые и солечувствительные сорта хлопчатника *Gossypium hirsutum* L. Эксперименты проводили на растениях, выращенных в условиях фитотрона. Опытные растения в течение 21 дня обрабатывали раствором NaCl: 50, 100, 150 и 200 мМ. Концентрации ионов (P, K, Na, Ca, Mg, Fe, Mn, Zn и Mo) в листьях хлопчатника измеряли методом атомно-абсорбционной спектроскопии. Содержание общего азота определяли по методу Кьельдаля с использованием реактива Несслера. Иерархический кластерный анализ и корреляционный анализ проводили на <http://www.metaboanalyst.ca/>.

Чтобы продемонстрировать влияние солевого стресса на распределение элементов в растениях хлопчатника, мы проанализировали концентрации Na, N, P, K, Ca, Mg, Fe, Mn, Zn и Mo в листьях хлопчатника при солевом стрессе. В целом концентрация  $Na^+$  в тканях значительно увеличивалась с увеличением засоления почвы. По сравнению с контролем концентрация  $Na^+$  в листьях солеустойчивого сорта Порлок-4 увеличивалась в меньшей степени, чем у солечувствительного сорта Кокер-312. Для других элементов наблюдались следующие зависимости концентрации от степени солевого стресса. При солевом стрессе у сорта Порлок-4 концентрация N значительно снижалась, а у сорта Кокер-312 увеличивалась. Концентрации K и P достоверно возрастали у сорта



Порлок-4 и уменьшались у Кокер-312. Концентрации других элементов (Mg, Fe, Zn, Ca, Mn) увеличивались у обоих сортов, причем изменение концентрации в листьях сорта Порлок-4 было больше, чем у Кокер-312.

Солевой стресс в основном вызывается избыточным количеством ионов  $\text{Na}^+$ , поэтому важно понимать взаимосвязь между ионами  $\text{Na}^+$  и другими элементами. Поэтому была проанализирована корреляция между  $\text{Na}^+$  и другими элементами в листьях, стеблях и корнях при солевом стрессе. При солевом стрессе в листьях сорта Порлок-4  $\text{Na}^+$  имел отрицательную корреляцию только с N, а у сорта Кокер-312 имел отрицательную корреляцию с K, Mg и P в G1.

Таким образом, накопление  $\text{Na}^+$  в клетках приводит к нарушению ионного гомеостаза. Однако полученные результаты свидетельствуют, что сорт Порлок-4 обладает более эффективной способностью регулировать поглощение и транспорт  $\text{Na}^+$  и  $\text{K}^+$ . Кроме того, полученные результаты позволяют предположить, что в условиях солевого стресса сорт Порлок-4 имел более сильную транспортную способность минеральных элементов, чем сорт Кокер-312.

## **ANOR (*PUNICA GRANATUM* L.) O'SIMLIGIDA DNK MARKERLARI YORDAMIDA O'TKAZILGAN GENETIK TADQIQOTLAR VA ULARNING TAHLILI**

Bolkiev A.A., Usmonov D.E., Raxmanov B.K., Abdugarimov Sh.S., Ubaydullaeva  
X.A., Buriev Z.T.

Genomika va bioinformatika markazi  
abduvakhidbolkiev@mail.ru

Anor (*Punica granatum* L.) dunyodagi eng qadimiy istemol qilinadigan mevali ekinlardan biri bo'lib, Eronda paydo bo'lgan deb taxmin qilinadi. U asosan Janubi-Sharqiy Osiyo, Eron, Xitoy, Yaponiya, G'arbiy Hindiston, AQSh (Kaliforniya), Tropic Amerika va Hindistonning qurg'oqchil mintaqalarida yetishtiriladi (Holland and Bar-



Ya'akov., 2014). O'simlik taksonomik tasnifga ko'ra, *Lythraceae* oilasiga kiritilgan bo'lib, *Punica* jinsini ( $2n=16$ ) uchta turga *Punica protopunica*, *Punica nana* va *Punica granatum* L. ajratilgan va ulardan *Punica granatum* L. mevasi uchun yetishtiriladi (Moriguchi va boshq., 1987, Graham va Graham., 2014, Berger va boshq., 2016).

Anor yuqori xilma-xillikka ega mevali daraxt turidir. Turlarni morfologik belgilar bilan aniqlash mumkin emas. Ammo genetik usullar turli navlarni tez va aniq tavsiflash va sertifikatlashda yordam berishi mumkin. Polimeraza zanjiri reaksiyasi (PCR) ga asoslangan ba'zi usullar DNK fragmentlari uzunligi bo'yicha klonlar va navlarni farqlash uchun xizmat qilishi mumkin (Melgarejo va boshq., 2009).

*Tasodifiy kuchaytirilgan polimorf DNK (RAPD)*. Bu markerlar ixtiyoriy nukleotidlar ketma-ketligining bitta primeri bilan genomik DNKning tasodifiy segmentlarini PCR amplifikatsiyasidan olingan DNK fragmentlari. RAPD markerlari yordamida anor navlarining genetik jihatdan farqlari tadqiq qilingan (Sarkhosh va boshq., 2006, Ercisli va boshq., 2007, Sheidai va boshq., 2007).

*Kuchaytirilgan fragment uzunligi polimorfizmi (AFLP)*. Genomik DNK dan ma'lumot olishda cheklovchi (restriksion) fermentlardan foydalanadi, so'ngra adapterlarni restriksion fragmentlarining yopishqoq uchlariga bog'laydi. Restriksion fragmentlarining kichik to'plami keyinchalik amplifikatsiya uchun tanlanadi. Bu markerlar PCRga asoslangan bo'lib, anor navlari populyatsiyalarida genetik xilma-xillik mavjudli aniqlangan (Yuan va boshq., 2007, Jbir va boshq., 2008).

*Mikrosatellit polimorfizmi yoki oddiy ketma-ketlikni takrorlash (SSR)*. Mikrosatellit markerlar takrorlanuvchi DNK trakti (uchastka) bo'lib, unda ma'lum DNK motivlari (uzunligi birdan olti yoki undan ortiq asos juftligigacha o'zgarib turadi) odatda 5-50 marta takrorlanadi. Mikrosatellitlar organizm genomidagi minglab joylarda uchraydi. Ular DNKning boshqa sohalariga qaraganda yuqori mutatsiya xususiyatiga ega (Richard va boshq., 2008). Anorda SSR markerlar genetik xilma-



xillikni o'rganish va populyatsiya tuzilishi va assotsiatsiya tahlillarini aniqlashda keng qo'llanilgan (Curro va boshq., 2010, Pirseyedi va boshq., 2010, Singh va boshq., 2015, Patil va boshq., 2020b, c).

*Bitta (yagona) nukleotid polimorfizmi (SNP)*. Bu markerlar genomning ma'lum bir joyida bitta nukleotidning hujayra populyatsiyasi (germline) almashinuvi bo'lib, yetarlicha katta fraksiyada mavjud. Yagona nukleotidli polimorfizmlar genlarning kodlash ketma-ketligiga, genlarning kodlanmagan hududlariga yoki intergenik hududlarga joylashishi mumkin (Spencer va boshq., 2012). Anorda bir qancha genetik belgilar SNP markerlari yordamida tadqiq qilingan (Ophir va boshq., 2014, Harel-Beja va boshq., 2015, Holland va boshq., 2019).

Bugungi kunda Genomika va bioinformatika markazi, "Strukturaviy va funktsional genomika" laboratoriyasida anorning mahalliy navlari butun dunyo olimlari tamonidan anor navlari populyatsiyalarining genetik xilma-xilligini aniqlashda keng foydalanilgan 200 dan ortiq mikrosatellit (SSR) markerlari yordamida genetik jihatdan tadqiq qilinmoqda. Olingan tadqiqot natijalari asosida maxalliy anor navlarining molekulyar-genetik passporti ishlab chiqiladi va nav identifikatsiyasi amalga oshiriladi.





## II. ГЕНЕТИКА РАСТЕНИЙ И ЖИВОТНЫХ

### ***G. HERBACEUM* L. VA *G. NELSONII* FRYX. TURLARI ISHTIROKIDA KASALLIKLARGA CHIDAMLILIK SELEKSIYASI UCHUN YANGI SINTETIK ALLOTETRAPLOID DONORLAR OLISH**

Arslanova S.K., Ernazarova Z.A., Darmanov M.M., Kushanov F.N.

O‘zR FA Genetika va o‘simliklar eksperimental biologiyasi institut,  
arslanovasevara87@gmail.com

*Gossypium* ssp ning yovvoyi turlari madaniy g‘o‘za navlarni takomillashtirish uchun muhim belgilar manbai hisoblanadi. Ko‘plab olib borilgan tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, *G. herbaceum* L. va *G. nelsonii* Fryx. madaniy g‘o‘za navlariga nisbatan kasalliklarga chidamlilik xususiyatlari yuqori. Ayniqsa, *G. nelsonii* Fryx. tolasining cho‘ziluvchanligi va pishiqligi yuqori, bakterial kuyish, *Verticillium dahliae*, shira, o‘rgimchak kana, yuqori harorat hamda qurg‘oqchilik kabi biotik va abiotik ta’sirlarga bardoshli tur hisoblanadi. Biroq, xromosomalar ploidiyasi va biologik izolyatsiya ushbu diploid turlarini *G. hirsutum* L tetraploid turi bilan duragaylashni qiyinlashtiradi.

Biz tadqiqotimizda yangi donorlarni olish uchun yovvoyi g‘o‘za turlarida uzoq geografik shakllarni duragaylash asosida yangi allodiploid g‘o‘za genotiplari ( $A_1G_3$ ) olindi. *G. nelsonii* va madaniy-tropik shakl *G. herbaceum* sub.sp *frutescens* o‘zaro chatishtirilishi natijasida jami 36 ta duragaylangan gullardan 2 dona ko‘sak olindi. Ushbu kombinatsiyada duragay ko‘saklar tugilishi juda past bo‘lib, 5,6% ni, to‘liq urug‘lar tugilishi esa mos ravishda 26,1-26,7% ni tashkil etdi. Ta’kidlash kerakki, bu kombinatsiyaning retsiprok duragaylarida duragay ko‘saklar tugilishi juda past ya’ni, 109 ta duragaylangan gullardan 2 dona duragay ko‘saklar olingan bo‘lsada (1,8%), duragay ko‘saklardagi to‘liq urug‘lar tugilishining o‘rtacha ko‘rsatkichi yuqori –  $62,6 \pm 7,5$ , belgi limiti 55,2-70,0 %, variatsiya koeffisienti xam mos ravishda, 16,7% bo‘lishi kuzatildi. Shuningdek *G. nelsonii* bilan *G. herbaceum* subsp. *pseudoarbareum* f. *harga* ruderal shaklini o‘zaro chatishtirish natijasida jami 6 ta duragaylangan



gullardan 2 dona duragay ko'sak olindi. Duragay ko'saklar tugilish foizi 33,3% ni, ulardagi to'liq urug'lar tugilishi 77,0-78,3% ni, belgining o'rtacha ko'rsatkichi  $77,8 \pm 0,7$  bo'lib, variatsiya koeffitsienti mos ravishda 1,2% ni tashkil etdi.

Ushbu olingan  $F_1$  diploid g'o'za duragay avlodini keyingi tadqiqotimizda kolxitsin bilan ishlov berish orqali apikal meristemalari xromosomalarning ikki baravar ko'payishini amalga oshirib, allotetraploid ( $A_1A_1G_3G_3$ )  $S_1$  g'o'za o'simliklari olinadi. So'ng ularda morfologik va molekulyar belgilar o'rganiladi va sitologik identifikatsiya orqali tetraploidligini tasdiqlanadi. Ushbu yangi  $S_1$  allotetraploid g'o'za genotiplari yangi navlar yaratish uchun qimmatli xo'jalik belgilariga ega bo'lgan donor sifatida taqdim etiladi.

## МОЛЕКУЛЯРНЫЕ МАРКЕРЫ В ГЕНЕТИЧЕСКОМ АНАЛИЗЕ БЕККРОССНЫХ ГИБРИДОВ С ЧУЖЕРОДНЫМ ЗАМЕЩЕНИЕМ ХРОМОСОМ *G. HIRSUTUM* L./*G. BARBADENSE* L.

Санамьян М.Ф., Бобохужаев Ш.У.

Национальный университет Узбекистана им. М. Улугбека  
sanam\_marina@rambler.ru

**ГЎЗАНИНГ *G. HIRSUTUM* L. *G. hirsutum* L. с чужеродным замещением хромосом вида *G. barbadense* L. способствуют расширению генетического разнообразия, посредством переноса новых аллелей полезных генов. Как известно, на протяжении ряда лет в США проводились исследования по созданию таких линий с использованием трех тетраплоидных видов. Однако, эти исследования, позволили получить хромосом-замещенные линии с участием вида *G. barbadense* только по тем хромосомам, по которым имелись нехватки отдельных хромосом или их плеч в американской цитогенетической коллекции (Saha et al., 2004; Stelly et al. 2005). Кроме того, выяснилось, что пять хромосом-замещенных линий (**CS-B05sh, CS-B06, CS-B07, CS-B12sh и CS-B15sh**) не**



получили молекулярно-генетического подтверждения из-за отсутствия интрогрессии специфических хромосом или отдельных локусов (Saha et al., 2015; Ullou et al., 2016; Gutierrez et al., 2009, Fang et al., 2022). Разработанная нами (Sanatyan et al., 2022) новая схема получения линий с интрогрессией отдельных хромосом с помощью двойного скрининга гибридов с помощью цитогенетических и молекулярно-генетических маркеров, SSR-анализ которых проводили на стадии гибридных проростков (4-5 настоящих листьев) до их пересадки в грунт теплицы, позволила ускорить беккроссирование и выявить новые особенности интрогрессии индивидуальных хромосом.

Так, исследование беккроссных растений  $F_1BC_1(\text{Mo} \times F_1(\text{Mo} \times \text{Pima 3-79}))$ , полученных от скрещиваний 10 моносомных линий хлопчатника *G.hirsutum* L. с гибридами  $F_1$ , обнаружило различия между вариантами, где изучение трех вариантов с участием моносомных линий (Mo11, Mo19 и Mo93) с нехваткой хромосомы 2 указало на отсутствие гибридных проростков с присутствием полиморфных аллелей от вида *G.barbadense*, в варианте ( $F_1BC_1\text{Mo11} \times F_1766_3$ ), тогда как в другом варианте ( $F_1BC_1\text{Mo19} \times F_1769_4$ ) обнаружилось одно беккроссное растение (8<sub>8</sub>) с присутствием полиморфных аллелей (JESPR179, BNL3971, BNL834, TMB0471) от вида *G.barbadense*, а анализ варианта  $F_1BC_1(\text{Mo93} \times F_1516_4)$  позволил выявить девять беккроссных растений с полиморфными аллелями от вида *G.barbadense*, тогда как аллели линии Л-458 вида *G.hirsutum* отсутствовали, что указало на локализацию хромосом-специфичных SSR-маркеров и подтвердило присутствие замещения хромосомы 2 у изученных гибридов.

Молекулярно-генетический анализ беккроссных вариантов с участием пяти моносомных линий (Mo7, Mo31, Mo66, Mo72, Mo89) с нехваткой хромосомы 4 также выявил моносомные гибриды с присутствием полиморфных



аллелей только от вида *G.barbadense*, тогда как аллели линии Л-458 вида *G.hirsutum* отсутствовали, что указало на локализацию хромосом-специфичных SSR-маркеров BNL2572, TMB0809, Gh117, Gh107 и присутствие замещений хромосомы 4.

Анализ варианта ( $F_1BC_1(Mo67 \times F_1308_1)$ ) с нехваткой хромосомы 6 не обнаружил гибридных проростков, которые характеризовались бы присутствием полиморфных аллелей от вида *G.barbadense*, а в варианте  $F_1BC_1(Mo95 \times F_1106_5)$  с предполагаемым замещением хромосомы 6, выявился только один моносомный проросток ( $19_5$ ) с присутствием полиморфных аллелей вида *G.barbadense*, тогда как три гибрида ( $19_6, 20_1, 20_3$ ), характеризовались присутствием полиморфных аллелей только от линии Л-458 вида *G.hirsutum*, что указало на элиминации чужеродной хромосомы у этих гибридов и на отсутствие замещения хромосомы 6 у этих трех беккроссных проростков.

Таким образом, обнаружены различия по профилю хромосом-специфичных SSR-маркеров, которые указали на преимущественную интрогрессию хромосомы 2 и 4  $A_t$  - субгенома хлопчатника и присутствие замещений этих хромосом, тогда как хромосома 6 характеризовалась элиминацией у части гибридов  $F_1BC_1$ .

## **ЃЎЗАНИНГ *G.HIRSUTUM* L. АЙРИМ ГОМОЗИГОТА ТРАНСЛОКАЦИОН ЛИНИЯЛАРНИ ХРОМОСОМАЛАРИНИ ТЕСТЕР ТЎПЛАМЛИ ЛИНИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ**

Санамьян М.Ф., Лапасова М.Х., Бобохужаев Ш.У.

МирзоУлуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
bobohujayev@mail.ru

Ѓўзада биринчи мартаба М.В.Браун (1980) АҚШ да дурагай ва нурлантирилган материалларни ўрганиш асосида ўзанинг транслокацион



линиялар тўпламини яратган. Ҳозирда ғўзанинг ногомологик 26 хромосомасидан 25 таси ягона цитогенетик инструмент сифатида идентификацияланиб, бундан 26 чи хромосома мустасно, чунки бу йиллар мобайнида тадқиқотлар давомида 26 чи хромосомага жалбланувчи транслокациялар учрамаган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида янги цитогенетик коллекция яратилган бўлиб, ушбу коллекцияда *G.hirsutum* L. нинг 33 та гомозигота транслокацион линиялари мавжуд. (Sanamyan et al., 2014). АҚШда яратилган тестер тўпламли транслокацион линиялар ёрдамида Ўзбекистондаги ноёб Цитогенетик коллекциянинг моносомик, монотелодисомик ва транслокацион линияларини идентификация қилиш долзарб ҳисобланади.

Нап ва бошқалар (2022) томонидан буғдой-жавдар транслокациясида хромосомаларни идентификация қилиш учун молекуляр-цитогенетик усуллардан фойдаланилган. Тадқиқотда аниқланишича жавдарнинг 6R хромосомасида ун шудринг касаллигига чидамли бўлган ген жойлашган. Октаплоидли тритикале ва буғдой навларини чапиштириш йўли билан YТ2 буғдой-жавдар линияси олинган. T1RS-1BL транслокацияси GISH ва FISH ёрдамида таҳлил қилинганда YТ2 линиясида қўшимча сифатида 6R дисомик хромосома борлиги аниқланди. Ушбу хромосома жавдардан буғдой хромосомалари алмашилиши натижасида келганлиги аниқланди.

Ғўзанинг кичик хромосомали туфайли айрим хромосомаларини идентификация қилиш муаммоси ҳозир кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. ЎЗМУнинг цитогенетик коллекциясида бешта гомозиготали транслокация линияларини (Tr5, Tr8, Tr9, Tr15, Tr16) хромосомаси рақамланган тестер тўпламли линиялар билан (Тн9, Тн16, Тн26, Тн28, Тн11, мос равишда) цитогенетик таҳлил ўтказилди. Ушбу тестер тўпламли линиялар ёрдамида (Тн9, Тн16 и Тн26) қайта тузилган гомологик хромосомалар  $A_t$  -субгеномнинг 6



хромосомасига тегишли, иккита транслокация линиялари яъни Tr5 и Tr8 топилган.

Гомозиготали транслокацион Tr15 линиянинг бешта тестер тўпламли транслокацион (Tn21 (**4-19**), Tn22 (**4-15**) Tn23 (**5-9**), Tn24 (**5-12**) ва Tn36 (**9-17**) линияларнинг дурагайларида хромосомалар конъюгациясини таҳлилига кўра фақат иккита чатиштирувида вариантида F<sub>1</sub> (Tr15 x Tn22 ва Tr15 x Tn24) дурагай ўсимликларда “критик хужайраларда” 22 бивалент ва иккита квадριвалент аниқланди. Бу шундан далолат берадики ҳар хил ногомологик хромосомалараро транслокация рўй берган. Бундан ташқари, битта вариантда F<sub>1</sub>(Tr15×Tn36) дурагай ўсимликларда “критик хужайраларда” яъни мейозни метафаза-1 боскичида 23 бивалент ва битта гексавалент аниқланди ва бу еса транслокацион Tn36 линияси хромосомаси алмашинувга **9-17** хромосомаларини жалб этган ҳолда ва бу Tr15 транслокацион линиясидаги транслокацияда хромосома алмашинувида AD субгеномнинг **9-17** хромосомалари иштирок этган.

Ушбу линияни Санамьян ва бошқалар (2022) томонидан цитогенетик скрининг қилиш натижасида Tr15 x Tn28 чатиштириш натижасида 23 бивалент ва битта гексавалент аниқланган тестер сифатида қатнашган транслокант линияларнинг **6-14** хромосомалар жалб этган.

Шундай қилиб, ўтказилган цитогенетик таҳлиллар натижасида ЎзМУнинг Цитогенетик коллекциясининг иккита транслокацион Tr15 линияларни транслокацион гомологик хромосомаси аниқланди **6, 9, 14** ва **17** хромосомалар бўйича транслокация жалб қилинган бўлиши мумкин.



## **“GENE PYRAMIDING” ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ОЛИНГАН ҒЎЗА ГЕНОТИПЛАРИНИНГ МОРФОБИОЛОГИК БЕЛГИЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

Бойқобилов У.А., Хусенов Н.Н., Номаматов И.С., Норбеков Ж.К., Мамамов  
А.Х., Рахматова Н.Р., Буриев З.Т.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази  
umidjanboyqobilov248@gmail.com

Пахтачилик саноати ҳозирги кунда шўрланиш, қурғоқчилик, юқори харорат, зараркунанда ҳашарот ва вилт касалликлари каби бир қанча экологик омиллар сабабли жуда катта зарар кўрмоқда. Тупроқнинг шўрланиши нафақат мамлакатимизда балки бутун дунё пахта етиштирадиган давлатларда ҳам жуда кўп зарар кўрмоқда. Бугунги кунда, Ўзбекистоннинг ғўза экиладиган майдонларни 45% шўрланган бўлиб, бундай шароитда ғўзада юқори ҳосилдор селекцион нав ва линиялари олиш олимлар олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Генларни пирамидалаш технологияси (gene pyramiding) бу МАС технологиясининг муҳим йўналишларидан биридир. Бунда, исталган генотипнинг геномида бир вақтни ўзида бир нечта қимматли генларни жамлаш ва янги, ҳар томонлама мақбул навлар яратиш стратегияси кўзда тутилади.

Тадқиқотда шўрли тупроқ шароитида экилга Султон, Андижон-35 ғўза навлари, L-141 ва Saenr-Pena тизмалари ва улар асосида олинган  $BC_3F_4$  [(F<sub>1</sub>Андижон-35 х L-141) х (F<sub>1</sub>Андижон-35 х Saenr-Pena) х Андижон-35] популяция тизмалари морфологик белгилардан ўсимлик бўйининг узунлиги, оғирлиги, илдиз узунлиги ва оғирлиги каби кўрсаткичлари шўрхоқлик таъсирида баҳолаб ўрганилди.

Тадқиқот натижасида, шўрланиш муҳитида ўсимлик бўйининг узунлиги, оғирлиги, илдиз узунлиги ва оғирлиги юқори кўрсаткични Султон ғўза нави, L-



141 ва Saenr-Pena линиялари бўлса, паст кўрсаткич эса Андижон-35 ғўза навида кузатилди.  $BC_3F_4$  [(F<sub>1</sub>Андижон-35 х L-141) х (F<sub>1</sub>Андижон-35 х Saenr-Pena) х Андижон-35] авлод дурагай комбинацияси оилалари орасида юқори кўрсаткични 4-, 9-, 10-, 11-, 15-, 19-, 22-, 23-, 24-, 27-, 28-, 31- ва 32-оилаларида қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткични 5-, 17-, 18-, 20- ва 35-оилаларида кузатилди.

Тадқиқотда шўрланиш муҳитида юқори чидамлилик намоён этган  $BC_3F_4$  [(F<sub>1</sub>Андижон-35 х L-141) х (F<sub>1</sub>Андижон-35 х Saenr-Pena) х Андижон-35] популяция тизмаларида шўрланишга чидамлилик QTLлари ва тола сифат кўрсаткичлари билан ассоциацияланган QTL локуслари мавжудлиги аниқланди.

Кейинги тадқиқотларда ушбу тизмаларнинг агрономик ва тола сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва энг сараларини нав даражасига етказиш кўзда тутилган.

#### **(AD)<sub>4</sub> GENOMI ISHTIROKIDA OLINGAN MURAKKAB DURAGAYDAGI AYRIM MORFOBIOLOGIK KO‘RSATKICHLAR TAXLILI**

Iskandarov A.A., Xamroxo‘jayev A. R., Qudratova M. Q., Rafiyeva F. U

Genetika va o‘simliklar eksperimental biologiyasi instituti  
abdulloxiskandarov4@gmail.com

Ma’lumki, bugungi kunda, oziq-ovqat muammosi, aholini ko‘payishi, ekiladigan yer maydonlarini esa kamayishi hamda ekologiyani buzilishi yaratilayotgan qishloq xo‘jalik ekinlarining yangi navlariga bo‘lgan talablarini kuchaytirmoqda. Bu esa seleksiya jarayonini uzluksiz davom etishini taminlaydi. O‘zining muhimligidan kelib chiqqan holda g‘o‘za o‘simligi navlariga bo‘lgan talab yildan-yilga oshib borayotganligi munosabati bilan seleksioner olimlar oldiga ham yangidan-yangi vazifalar qo‘yilmoqda. Ushbu tarmoqning rivojlanishida navlarning nafaqat xo‘jalik xususiyatlari (tezpisharligi, tola chikimi, tola uzunligi, sanoat talabiga javob berishi), balki har xil kasallik zararkunandalarga chidamliligi, ekstremal sharoitlarga





moslashishi yoki bardoshli bo'lishi ham muhim ahamiyatga ega. Navlarda bunday xususiyatlarni jamlash uchun g'o'zaning turli mamlakatlardan olingan, o'zlarida ko'plab foydali belgilarni saqlab kelayotgan yovvoyi, yarim yovvoyi shakllarini o'rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Tadqiqotlarimizda foydalanilgan *G.mustelinum Miers ex Watt* turi qimmatli xo'jalik belgi va xususiyatlarga ega bo'lib, tolasining pishiq va ipaksimon mayinligi, tarkibida terpenoid va aldegid kabi moddalarning ko'pligi tufayli so'ruvchi hasharotlar (*Aphis gossypii* Glov., *Tetrahychic urticae*) va boshqa stress omillarga chidamliligi bilan ajralib turadi. Ushbu tahlilda biz jalb qilingan populyatsiyalar va ularning duragay avlodlari uchun asosiy morfobiologik va qimmatli xo'jalik belgilari natijalarini ko'rsatishni maqsad qilganmiz.

**F<sub>1</sub> (*G.mustelinum* x Surxon-9) x (Beshqahramon x *G.mustelinum*)** kombinatsiyasi. **Poyasi** - tik o'suvchi, barglari o'rtacha zichlikda joylashgan, asosiy poyaning bo'yi 100,0-130,0 sm, o'rtacha antotsian qizarishga ega. Kasallanmagan, yig'iq. Bo'g'inlarning umumiy soni 17-21 ta, shoxlanishi simpodial, cheklanmagan, 1-simpodial hosil shoxi (*hs*) 4-6-bo'g'inda, simpodial shoxlar (*s*) 13-17 ta, monopodial shoxlar soni (*m*) 1-2 ta. 1-2-3- tipga mansub (4-rasm). **Bargi** - o'rtacha kattalikda. to'q yashil, 3 bo'lmali, tuklangan, o'rtacha antotsian qizarishga ega. Bargining umumiy uzunligi 21,0 sm, barg bandi esa 9,5 sm. Barg yaprog'ining bo'yi 12,5 sm, eni esa 13,0 sm ni tashkil etadi. Bargining orqa tomonida 3 ta nektardoni mavjud. Nektardoni rangsiz bo'lib, namlangan. **Gul** - o'rtacha kattalikda, umumiy uzunligi 6 sm, gul bandini uzunligi 1 sm. Ostgulkosachasi och yashil rangda, gossipol bezchalari bilan siyrak qoplangan, tishchalarining soni 5 ta, chuqur qirqilgan. Uzunligi 3,5 x 1,3 sm, ostida 3 ta nektardoni bor, namlangan. Ustgulkosachabargi 3 ta, uzunligi 5,0 x 3,0 sm, 17 ta tishchasi bor. Tishchalari chuqur qirqilgan kuchsiz antotsian qizarishga ega. Gultojibarglari 5 ta uzunligi 5,5 x 4,7 sm, och sariq rangda, tubida antotsian dog'lari yo'q. Urug'chining umumiy uzunligi 3,3 sm, tumshuqchasi 4 ta buralmagan,



tumshuqcha changdondan 0,5 mm ichkarida joylashgan. Changdon o'rtacha zichlikda joylashgan. **Ko'sagi** - o'rtacha kattalikda. Tuxumsimon shaklda. Sirti yashil va silliq bo'lib, gossipol bezchalari bilan qoplangan. 4-5 chanoqli. Bitta ko'sakdagi paxta vazni 6,6 g, tola uzunligi 38,3 sm, tola chiqimi 36,8 %, 1000 dona chigit vazni esa 135,0 g ko'rsatgichga ega bo'ldi. Bitta ko'sakdagi paxta vazni, tola uzunligi, tola chiqimi, 1000 dona chigit vazni kabi qimmatli xo'jalik belgilarining irsiylanish ko'rsatkichi mos ravishda  $hp = 2$ ;  $hp = 3,4$ ;  $hp = 0,7$ ;  $hp = 2,2$  ni tashkil etib barcha belgilarni ijobiy dominantlik asosida irsiylanganligini kuzatdik.

Olib borgan murakkab duragaylash borasidagi izlanishlarimizda uchta genotipga mansub namunalar belgilari bitta avlodga birlashtirish maqsad qilingan va natijada bitta ko'sakdagi paxta vazni, tola uzunligi, tola chiqimi, 1000 dona chigit vazni kabi qimmatli xo'jalik belgilarining irsiylanish ko'rsatkichi ijobiy dominant bo'lgan shakllar olindi.

## **FITOVAK VA UZGUMI STIMULYATORLARINING RAVNAQ-1 G'O'ZA NAVI MORFOBIOLOGIK BELGILARIGA TA'SIRI**

Kucharova I.A, Darmanov M.M

Genomika va bioinformatika markazi,  
navruzakucharova@gmail.com

Qishloq xo'jaligida katta ahamiyatga ega bo'lgan paxta hosilini oshirish, paxta yetishtirish agrotexnologiyalarini rivojlantirish bo'yicha mamlakatimizda ko'plab ilmiy izlanishlar amalga oshirilmoqda. Hozirgi kunda aholi sonining ko'payishi hamda oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talabning ortishi, paxtachilikda ham biotik va abiotik stress omillarga chidamliligini oshiruvchi, yuqori hosil va sifatli tola yetishtirishda stimulyatorlarni qo'llagan holda agrotexnologiyalarni ishlab chiqish dolzarb masalalardan hisoblanadi.



Respublikamiz sharoitida g'o'za parvarishida turli stimulyatorlarni qo'llab, g'o'zaning o'sishi va rivojlanishini muvofiqlashtirish, hosil to'plashini jadallashtirish, ko'saklar ochilishini tezlashtirish, paxta hosili va tola sifatini oshirishda yangi preparatlarni sinovdan o'tkazish va eng samarali biopreparatlarni aniqlash bo'yicha ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda.

Xususan, tadqiqotlarimizda dala sharoitida Ravnaq-1 g'o'za navida Fitovak va Uzgumi stimulyatorlarini qo'llab ilmiy izlanishlar olib borildi. Tadqiqotda urug'lik chigitga ekish oldidan Fitovak stimulyatorini 300 ml/t, shonalash davrida 200 ml/ga va gullash davrida 400 ml/ga me'yorda va Uzgumi stimulyatorini urug'lik chigitga ekish oldidan 0,7 l/t, shonalash davrida 0,3 l/ga va gullash davrida 0,4 l/ga me'yorda qo'llanilib tadqiqotlar olib borildi.

Fitovak stimulyatori chigitga ekish oldidan 300 ml/t me'yorda qo'llanilganda, unuvchanlik 88,4 % ni, Uzgumi stimulyatori chigitga ekish oldidan 0,7 l/t me'yorda qo'llanilganda, unuvchanlik 91,7 % ni, nazorat variantida esa 71,7 % ni tashkil etdi. Shuningdek Fitovak stimulyatori shonalash davrida 200 ml/ga me'yorda qo'llanilganda, shonalar soni 13 iyundan 25 iyungacha o'rtacha hisobda 1,5 tadan 11,3 tagacha, Uzgumi stimulyatori shonalash davrida 0,3 l/ga me'yorda qo'llanilganda, shonalar soni 1,6 tadan 12,2 tagacha, nazorat variantida esa 1,5 tadan 7,9 tagacha hosil bo'ldi.

Fitovak stimulyatori gullash davrida 400 ml/ga me'yorda qo'llanilganda, dastlabki gullash fazasida gullar soni 29 iyundan 7 iyulgacha o'rtacha hisobda 1,4 gacha, Uzgumi stimulyatori gullash davrida 0,4 l/ga me'yorda qo'llanilganda gullar soni 1,5 gacha, nazorat variantida esa 1,1 gacha hosil bo'ldi.

Xulosa qilib aytganda Toshkent viloyatining tipik bo'z tuproqlari sharoitida g'o'zaning Ravnaq-1 navida Fitovak va Uzgumi stimulyatorlari qo'llanilishi natijasida nazorat variantiga nisbatan g'o'za nihollarining unuvchanlik foizi, o'sish- rivojlanishi



(g'o'za nihollarining bo'yi, shonalar soni va gullar sonining ortishi va hok.) va hosil elementlari hamda hosildorlikka ta'siri sezilarli darajada ortganligi kuzatildi.

## **СПОРТЧИЛАРНИНГ ИНДИВИДУАЛ ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИГА КЎРА РАЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШ МЕНЮСИНИ АЛОҲИДА ТУЗИШ.**

Курганов С.К.<sup>1-3</sup>. Пулатов О.Р.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти, Тошкент.

<sup>2</sup>Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий амалий маркази, Тошкент.

<sup>3</sup>Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази, Тошкент.  
sardorbioinformatik@mail.ru

Ташқи омиллар қаторига биринчи ва асосий факторлар мажмуаси айнан спортчилардаги диеталогик ҳамда фармакологик коррекциялашда аввало уларнинг ирсиятига боғлиқ бўлган индивидуал генетик хусусиятларини аниқлаган холда рационал овқатланиш менюсини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд бўлади. Одатда рационал овқатланиш менюси углеводлар, оқсиллар ва ёғларнинг коллория улишларининг тақсимотига қараб тузилади. Айнан шу сабабли ҳам овқатланишдаги углевод, оқсил ва ёғларга бўлган ҳар бир индивидуал организмнинг генетик хусусиятларини аниқлаш зарурияти бўлади.

Спортчиларда рационал овқатланиш менюси, яъни оқсиллар, углеводлар ва ёғларнинг улар организмда сўрилиш даражасини аниқлаш. Шу билан бирга, ҳар бир индивидуал организмнинг генетик хусусиятларига кўра, улар учун қай бир витаминларнинг етишмаслигини аниқлаш.

Тадқиқотлар учун 2020-2023 йиллар давомида Осиё ва Олимпия ўйинларига ҳамда жаҳон ва Осиё чемпионатларига тайёргарлик кўраётган спортчилар ҳамда уларнинг ёрдамчи спарринг шерикларининг индивидуал генетик ва фенотопик имкониятларини ўрганиб чиқиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзолари бўлган элит спортчиларидан 1000 нафарлардан биологик намуналар



олинган. ДНК экстракцияси QIAamp DNA Blood Kits 250 (QIAGEN Inc., Valencia, CA., АҚШ) тўплами ёрдамида амалга оширилди. ДНК намуналаридан VDR *FokI* T>C, VDR *BsmI* G>A; ADRB2 Gln(C)27Glu(G); ADRB2 Arg16Gly, ADBR3 Trp64Arg, FABP2 Ala54Thr, MTHFR Ala222Val; MTHFR Glu429Ala, MTR Asp919Gly ва MTRR Ile22Met аллелларидан иборат бўлган генотип полиморфизмни аниқлаш учун ишлаб чиқарувчи ООО НПФ «Литех» (Москва, Россия)нинг флюоресцент зондли аллел специфик праймерли тўплamlари танланди.

Тадқиқотларда текширилган 1000 нафар спортчиларда генотип полиморфизмларининг умумлаштирилган тахлил тадқиқотлари махсус NUTRIGENETICS (организмда оқсиллар, углеводлар ва ёғлар тақсимотини аниқлаш) + Vitamins&Minerals электрон дастурлар ёрдамида ўтказилди. Электрон дастур таъминоти ҳар бир спортчи(ўртача 70 кг оғирликдаги) учун 1800 ккал/кун улушига тўғри келади.

Тахлил тадқиқотларида текширилган шахс(спортчи)ларнинг углеводлар, оқсиллар ва ёғларга кунлик эҳтиёжи нормада 60-20-20% ташкил этади. Интенсив машғулотларда 50-25-25% ли рационал овқатланиш менюси ишлаб чиқилди. Рационал овқатланиш менюси [http://www.freedieting.com /tools /calorie\\_calculator.htm](http://www.freedieting.com/tools/calorie_calculator.htm) ва <http://www.calorizator.ru/analyzer/calories> электрон дастур таъминоти ёрдамида амалга оширилди.

Спортчилар организмни диетологик ҳамда фармакологик жиҳатдан коррекциялаш шу қадар муҳим бўлган механизмки, ўтказилган тадқиқотларимиз ҳам амалда бу қоидани тўғри эканлигини исботлаб берди. Спортчиларда мусобақадан кейин ва оғир жисмоний машғулотлар вақтида спортчи организмнинг қайта тикланиши муҳим аҳамият касб этиб, у ҳар бир спортчи учун индивидуал ёндашувни талаб этади. Айнан рационал овқатланишда шу каби



экзоген таъсирларни инобатга олиш зарур. калория улушларининг тақсимотига кўра, ҳар бир спортчи организми учун оқсиллар, углеводлар ва ёғлар, шунингдек, витаминлар миқдорининг кунлик эҳтиёжи (менюси)ни ишлаб чиқиш муҳимдир. Генетик тадқиқот натижалари асосида парҳез ҳамда ҳар бир индивидуал организмнинг генетик хусусиятларига кўра, улар учун қай бир витаминларнинг етишмаслигини тавсиялар ишлаб чиқилди ва бу тавсияларни эътиборга олган ҳолда ҳар бир спортчи учун алоҳида овқатланиш менюлари тузилди.

## **ҲОМИЛАСИ ТУШИШ ҲАВФИ ТАШҲИСЛИ БЕМОРЛАРИДА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ТЕКШИРУВ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ АХАМИЯТИ.**

**Курганов С.К.** <sup>1-3</sup>.

<sup>1</sup>Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти

<sup>2</sup>Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий амалий маркази

<sup>3</sup>Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази  
sardorbioinformatik@mail.ru

Инсон ДНКсидаги ўзгаришлар, ундаги генлар ва ушбу генларнинг ишлашидаги индивидуал фарқланишлар (алоҳида ёки бир-бири билан ўзаро алоқада), атроф-муҳит таъсири, шунингдек ҳаётий турмуш тарзи касалликларнинг ривожланишига ёки олдини олишга ёрдам беради. Жумладан битта ёки бир нечта генларнинг бузилиши, хромосома мувозанати, атроф-муҳит таъсири остида генларнинг фаоллиги (эпигенетика) ва мураккаб турдаги тартибсизликлар (мультифакториал касалликлар), генетик касалликлар натижасида ҳамда салбий ташқи омиллар таъсири остида ривожланадиган касалликлар келтириб чиқаради. Генетик касалликлари ривожланиши асосида дастлаб модда алмашинуви касалликларини келтириб чиқаради. Улар



углеводлар, липидлар, пуринлар ва примидинлар, билирубинлар, металлар алмашинувидаги номутоносибликлар касалликларни ривожланишига сабаб бўлади. Касалликларнинг клиник намоён бўлиши, оғирлиги ва ривожланиш тезлиги организм генотипига – ген-модификаторлари, генлар дозаси, мутант геннинг таъсир даври, касал беморнинг ёшига, ташқи муҳит шароитлари, овқатланиш, стресслар, қаттиқ чарчаш ва бошқа таъсир этувчи омилларга боғлиқдир.

Мультифакторли касалликларни ривожланиши учун сабабчи бўладиган генетик маркерларни ҳомиласи тушиш ҳавфи диагнози ташҳиси билан даволанишни бошлаган 1000 нафар аёл беморлар аъзоларида текшириш.

2018-2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ТОШКЕНТ ШАҲАР ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИ клиник бўлимларидан ҳомиласи тушиш ҳавфи диагнози ташҳиси билан даволанишни бошлаган 1000 нафар аёл беморлардан биологик намуналар олинган. Намуналар қон гемостази изланишлари учун мўлжалланган 3% ЭДТА (этилендиаминтетрауксусли кислота)ли вакуум пробиркаларга венадан қон намунаси сифатида олиниб, ДНК экстракцияси учун ишлатилди.

Барча биологик қон намуналаридан ДНК/РНК экстракцияси Рибо-преп (Интерлабсервис, Россия) тўплами ёрдамида амалга оширилди.

ДНК намуналаридан F2 G2021A, F5 Arg506Gln, F7 Arg 353 Gln, F13A1 Val 35 Leu, FGB G-455A, ITGA2 C807T, ITGB3 Leu 59 Pro, PAI-1 5G-675-4G, VDR BsmI G>A; HIF1A C1772T; ADRB2 Gln(C)27Glu(G); ADRB2 Arg16Gly, ADBR3 Trp64Arg, FABP2 Ala54Thr, MTHFR Ala222Val; MTHFR Glu429Ala, MTR Asp919Gly ва MTRR Ile22Met аллелларидан иборат бўлган генотип полиморфизмни аниқлаш учун ишлаб чиқарувчи ООО НПФ «Литех» (Москва, Россия)нинг флюоресцент зондли аллел специфик праймерли тўпламлари



танланди. Шу билан бирга, аёл беморларнинг биокимёвий ва иммунфермент таҳлил кўрсаткичлари текширилган. Тадқиқот таҳлилларида қуйидаги, хусусан, F2 2021A-7%, F5 506Gln-9%, F7 353Gln-14%, F13A1 35Leu-45%, FGB 455A-49%, ITGA2 807T-52%, ITGB3 59Pro-43%, PAI-1 675-4G-78%, VDR BsmI >A-46%; HIF1A 1772T-39%; ADRB2 27Glu(G)45%; ADRB2 16Gly-52%, ADBR3 64Arg-37%, FABP2 54Thr-38%, MTHFR 222Val-47%; MTHFR 429Ala-28, MTR 919Gly-41% ва MTRR 22Met-36%. эҳтимолликларда ҳавф туғдирувчи аллел генотиплари аниқланган. Ўртача диагностик ҳавф туғдирувчи генларнинг гаплотипик таҳлил эҳтимоли 10% га тенг бўлган бўлса, ўртача прогностик ҳавф туғдирувчи генларнинг гаплотипик таҳлил эҳтимоллиги 43% эканлиги аниқланди.

### **QURG‘OQCHILIK STRESSIDA G‘O‘ZA O‘SIMLIGINING BARGLARIDAGI XLOROFILL MIQDORI**

Mamajonov A.B., Safarov K.S., Darmanov M.M., Narmatov S.E., Bozorov I.E.,  
Nurmirezayev I.A., Buriev Z.T.

Genomika va bioinformatika markazi  
akramjon2327@gmail.com

G‘o‘za o‘simligi butun dunyo bo‘ylab qurg‘oqchil va yarim qurg‘oqchil mintaqalarda ko‘p ekiladigan muhim ekin turi hisoblanadi. Tashqi muhitning noqulay omillariga o‘simliklarning chidamliligini o‘rganishda xlorofill miqdorini aniqlash ahamiyatli hisoblanadi. Chunki, o‘simliklarning umumiy mahsuldorligini ta‘minlash asosan xlorofill miqdori bilan bog‘liq.

Tadqiqotlarni olib borish uchun tadqiqot obyekti sifatida g‘o‘zaning *G. hirsutum* turiga mansub Porloq-4 va Ravnaq-1 g‘o‘za navlaridan foydalanib, dala sharoitida, shu navlarning barglaridagi xlorofill miqdorini o‘rganishga harakat qildik.





Tadqiqotlar uchta biologik takrorda amalga oshirildi. Urug'larni, har bir takror 10 metrli qatorga, 90x25x1 sxemada ekilib, har bir navdan jami 120 tadan o'simlik o'rganildi.

Xlorofill miqdori *SPAD 502 Plus Chlorophyll Meter* (Yaponiyada ishlab chiqarilgan) qurilmasi yordamida aniqlandi. G'o'zadagi xlorofill miqdori bargning 2x3 mm<sup>2</sup> sathida o'lchandi. Xlorofill miqdorini o'lchashda, g'o'za o'simligining vegetatsiya davrini 4 ta fazasida (shonalash, gullash, ko'sak va pishish) amalga oshirildi.

Tajribamiz davomida Porloq-4 va Ravnaq-1 g'o'za navlarining bargidagi umumiy xlorofill miqdori vegetatsiya davrlarida (shonalash, gullash va ko'saklash), qurg'oqchilik muhitidagi namunalar nazoratga nisbatan yuqori ko'rsatkichni namoyon etdi. Ya'ni xlorofill miqdori navlarning rivojlanish bosqichlariga bog'liq holda har xil bo'lishi kuzatildi. Umumiy xlorofill miqdori ikki xil namlik sharoitida ham shonalashdan gullashgacha oshib bordi. Ko'saklash bosqichida esa ushbu ko'rsatkich qiymati biroz kamayganligi qayd etildi. Tuproq qurg'oqchiligi, ya'ni 30% tuproq namligi sharoitida o'stirilgan barcha g'o'za navlarida 70% li namlikdagi navlarga qaraganda xlorofill miqdorining kamayishi kuzatildi.

Xlorofill miqdorini aniqlash bo'yicha olingan natijalardan shunday xulosaga kelishimiz mumkinki, qurg'oqchilikka chidamli o'simliklarda hujayra turgor holatini tezda o'zgartirmaydi va natijada turgor holatidagi hujayralarda xlorofil-oqsil-lipid birikmalari yuqori darajada bo'ladi. Barglardagi pigmentlar yig'indisi tuproqdagi suv tanqisligining ta'sirida kamaydi. Suv tanqisligi sharoitida xlorofillar miqdorining o'zgarishi navlarning qurg'oqchilikka nisbatan chidamliligini belgilaydigan xususiyatlardan biri ekanligini ifodalaydi.



## ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.

Мелиев С.К., Бозоров Т., Исоқулов С.М., Чинниқулов Б.

O'zR FA Genetika va o'simliklar eksperimental biologiyasi instituti  
igebr\_anruz@mail.ru

Қишлоқ хўжалигида навларни ҳосилдорлигини оширишда тупроқ иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда мос навларни танлаш, янги юқори сифатли ва шу билан бирга барқарор, табиий омилларга мослашган, экологик пластиклиги ва технологик хусусиятлари юқори бўлган навларни жорий этишни талаб этади.

Тадқиқот йиллари 2017 йил ГТК – гидротермик коэффициент 1,4, 2018 йил - 2,8 ва 2019 йил 0,69 га тенг бўлди. Тадқиқот давомида энг қулай шароит биринчи ва учунчи йилларда кузатилди. Биринчи йили ташқи муҳит индекси қиймати  $I_j=1,43$  га тенг бўлиб, умумий ҳосилдорлик 68,4 ц/га ташкил этган. Иккинчи йил нисбатан салбий қиймат кузатилиб  $I_j=-2,8$  тенг бўлди. Умумий ҳосилдорлик 64,8 ц/га гача пасайганлиги аниқланган. Учинчи йили нисбатан қулай шароит кузатилиб  $I_j=0,69$  га ва умумий ҳосилдорлик 67,7 ц/га га тенг бўлди. Ушбу стрессли метрологик шароитлар ўрганилётган намуналарнинг мослашувчанлигини аниқлашга имкон яратади. Тадқиқотларнинг биринчи йилида андоза Краснодарская - 99 (63,0 ц/га) навидан ва ўртача ҳосилдорликдан юқори ҳосил берган К-20, К-21, К-32, К-49, К-56, К-60, К-64 ва К-81 намуналарда ҳосилдорлик 70,0 ц/га дан юқори бўлган. Тадқиқотнинг иккинчи йилида гидротермик коэффициент даражаси нисбатан пасайганлиги ва бу билан ўрганилаётган намуналарнинг умумий ҳосилдорлиги 64,8 ц/га гача пасайишига олиб келган. Биринчи йил юқори ҳосил берган намуналардан фақатгина К-64 (78,5 ц/га) намунасининг ҳосилдорлиги пасаймаганлиги ва ўзининг ҳосилдорлик бўйича юқори генетик потенциаллик хусусиятига эга эканлиги аниқланган. К-7 (77,0 ц/га), К-13 (77,0 ц/га), К - 41 (71,6 ц/га), К - 46 (73,5 ц/га), К – 64 (77,0 ц/га),



К – 80 (71,0 ц/га) ва К-82 (72,5 ц/га) намуналари нисбатан ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига ўрта чидамли эканлиги қайд этилган. Тадқиқотнинг учинчи йилида барқарор қулай шароит кузатилиб К – 8 (76,3 ц/га), К – 13 (74,7 ц/га), К-20 (74,3 ц/га), К-21 (69,3 ц/га), К-32 (72,0 ц/га), К-46 (69,7 ц/га), К-56 (72,0 ц/га), К-64 (78,0 ц/га) ва К-89 (71,3 ц/га) намуналари учинчи йил ижобий натижа кўрсатган. Аммо ушбу намуналар йиллар бўйича номутоносиб салбий натижа кузатилганлиги сабаб бўлган. Ушбу намуналар қулай шароит бўлгандагина юқори ҳосил олиш имкони мавжудлиги қайд этилган. Уч йил давомида ҳосилдорликнинг барқарорлиги ва чидамлилиги бўйича К-100, К-74 ва К-64 намунаси стресс шароитларда чидамли ва ҳосилдорлик бўйича ўзгарувчанлиги паст эканлиги ва К-7, К-13, К-46 ва К-89 намуналари ўртача чидамли эканлиги қайд этилган. Уч йиллик тадқиқотлар давомида намуналарнинг экологик пластиклигини ( $b_i$ ) ва барқарорлик коэффиценти ( $S_d^2$ ) кўрсаткичлари ўрганилди. Намуналарнинг ҳосилдорлиги ташқи муҳит таъсири остида турли хил мослашувчанлик хусусиятларини кўрсатди. К-64 ( $b_i = 0,5$ ,  $S_d^2 = 1,8$ ), К-74 ( $b_i = 0,7$ ,  $S_d^2 = 1,9$ ) ва К-100 ( $b_i = 0,4$ ,  $S_d^2 = 0,9$ ) намуналарнинг ўзгарувчанлиги нисбатан паст ва стресс шароитларга чидамли эканлиги аниқланди. Барқарорлик кўрсаткичи  $1 < S_d^2$  катта бўлган К-8 ( $b_i = 5,6$ ,  $S_d^2 = 10,5$ ), К-13 ( $b_i = 2,7$ ,  $S_d^2 = 27,7$ ), К-20 ( $b_i = 5,8$ ,  $S_d^2 = 120,0$ ), К-21 ( $b_i = 3,4$ ,  $S_d^2 = 34,7$ ) ва К-41 ( $b_i = 4,0$ ,  $S_d^2 = 10,1$ ) намуналарни экологик пластиклик ва барқарорлик даражаси жуда юқори бўлганлиги кузатилган. Ушбу намуналар қулай шароит яратилганда юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин, аксинча бўлса, ҳосилдорлиги тушиб кетиб стресс шароитларга чидамсиз ҳисобланади. Яъни ушбу намуналар фақатгина қулай муҳитда яхши ҳосил бериши кузатилган.

Намуналарнинг экологик пластиклигини ( $b_i$ ) ва барқарорлик коэффиценти ( $S_d^2$ ) кўрсаткичлари бўйича К-64 ( $b_i=0,5$ ,  $S_d^2 =1,8$ ), К-74 ( $b_i=0,7$ ,  $S_d^2 =1,9$ ) ва К-100



( $b_i=0,4$ ,  $S_d^2=0,9$ ) намуналарнинг ўзгарувчанлиги нисбатан паст ва стресс шароитларга чидамли эканлиги аниқланган.

## **G'O'ZA BARGIDAGI NISBIY SUV MIQDORINI O'RGANISH ORQALI QURG'OQCHILIKKA CHIDAMLILIGINI BAHOLASH.**

Muxammadaliyev R.I. <sup>[1,2]</sup>, Makamov A.X. <sup>[2]</sup>, Abdullayeva Z.A. <sup>[1,2]</sup>, Xusenov N.N. <sup>[2]</sup>, Boboyev S.G'. <sup>[1]</sup>.

1. Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti

2. O'zR FA Genomika va bioinformatika markazi

mrvashanbe95@gmail.com

Qurg'oqchilik o'simliklarning o'sishi va hosildorligiga keskin ta'sir qiluvchi abiotik stresslardan biridir. G'o'zada qurg'oqchilik darajasini oldindan bashorat qilib bo'lmaydi, chunki u bir qancha omillarga bog'liq, masalan, yomg'irning paydo bo'lishi va tarqalishi, radiatsiya intensivligi, tuproqning namlikni saqlash qobiliyati, yillik yomg'irning kamligi va sug'orish suvining etishmasligi. G'o'za o'simligida qurg'oqchilikka fiziologik, morfologik, biokimyoviy hamda molekulyar darajada o'rganish olimlar oldida turgan asosiy vazifalardan biri sanaladi. G'o'zada ildiz uzunligi, bo'yining balandligi, ho'l va quruq biomassa, nisbiy suv miqdori (NSM) xlorofill va prolin tarkibi, fotosintez tezligi va qurg'oqchilikka javob beradigan genlarning ifodasi o'simliklarning qurg'oqchilik stressiga javob berishning ishonchli ko'rsatkichlari hisoblanadi.

Ushbu tadqiqotimizda *Gossypium hirsutum* L. turining 20 dona turli xil ekotipga mansub (Namangan-77, KK-1796, 1000, C-9006, KK-1086, Catamarka-811, C-9008, L-N1, L-141, Napicala-19, O-030, C-4769, L-45, Zangi-Ota, Seaner Pena-85, C-2025, KK-602, SAD-35-11, C-417) nav va liniyalaridan foydalanib, qurg'oqchilik stressi tahlil qilindi. Tadqiqot namunalari o'lchmi 15×20×18 (2 lt) sm.li tuvaklarda 9 biologik qaytariqda ekilib, unib chiqqan nihollar 3-chinbarg hosil chiqquncha barcha genotiplar 200 ml suv bilan har 36 soatda bir marotaba sug'orildi va bu jarayon 20 sutka davom



etdi. So'ngra esa normal sharoit 100 foizli (200 ml) sug'orish rejimi, suv tanqiligi sharoiti 0.75 foizli (150 ml) sug'orish rejimi, suv tanqisligi sharoiti 0.5 foizli (100 ml) sug'orish rejimida 10 kun davomida sug'orildi. Keyin barglardagi nisbiy suv miqdorini (BNSM) aniqlab, qurg'oqchilik sharoitiga chidamliligini baholadik. Tadqiqotda ho'l barglar har bir liniyadan uch nusxada olindi, ho'l vaznini (HV) aniqlash maqsadida tarozida tortildi, so'ngra darhol xona haroratida 24 soat davomida distillangan suvga qo'yildi. So'ng barg namunalari suv bilan to'liq to'yingan holatdagi og'irliklarni (TV) o'lchab olindi va namunalar pechda 80 °C da 24 soat davomida quritildi hamda quruq vazni (QV) tarozida tortib massasi aniqlandi.

Tadqiqot natijasi shuni ko'rsatdiki normal sug'orish 200 ml rejimida Namangan-77, KK-1796, 1000, C-9006, KK-1086, L-N1, Zangi-Ota, C-2025, KK-602 genotiplarning BNSM 80-89 foiz oralig'ida yuqori ko'rsatkichlar aniqlandi. Qolgan genotiplar BNSM esa 71-78 foiz oralig'ida bo'lgan. Suv tanqisligi 150 ml sug'orish rejimida Namangan-77, KK-1796, 1000, C-9006, KK-1086, Catamarka-811, C-9008, L-N1, L-141, C-4769, L-45, Seaner Pena-85, C-2025, SAD-35-11, C-417 genotiplar BNSM 70-86 foiz oralig'ida yuqori natija berdi. Qolgan genotiplar esa 65-69 foiz oralig'ida bo'lgan. Suv tanqisligi 100 ml sug'orish rejimida Namangan-77, L-N1, L-141, Hapicala-19, L-45, Seaner Pena-85, C-2025, KK-602, SAD-35-11, C-417 genotiplarning BNSM 70-75 foiz oralig'ida yuqori natija berdi. Qolgan genotiplar esa 50-69 foiz oralig'ida bo'lgan.

Ushbu tadqiqotda qurg'oqchilikda yuqori chidamlilikni namoyon etgan genotiplar donor sifatida belgilab olindi va ular asosida olingan ril populatsiyalarni keyingi qurg'oqchilik muhiti tadqiqotlarida sinash belgilab olindi.



## **EXPLORING THE LINK BETWEEN ALLELIC VARIATIONS IN HIGH-MOLECULAR-WEIGHT GLUTENIN'S AND SPRING WHEAT GRAIN QUALITY (*TRITICUM AESTIVUM L.*)**

Najodov B.B.<sup>1</sup>, Rubets V.S.<sup>1</sup>, Pylnev V.V.<sup>1</sup>, Gruzdev I.V.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Russian State Agrarian University - Moscow Timiryazev Agricultural Academy

<sup>2</sup>The All-Russia Research Institute of Agricultural Biotechnology  
boburnajodov@gmail.com

Spring wheat is an essential crop that plays a vital role in feeding millions of people worldwide. As a primary food source, the quality of spring wheat grain is of great importance, and its quality is influenced by various genetic and environmental factors. One of the key factors in determining the quality of spring wheat grain is the allelic variations in high-molecular-weight glutenin.

The study conducted aimed to explore the link between allelic variations in high-molecular-weight glutenin's and the quality of spring wheat grain. The results of the study showed that the allelic state of high-molecular-weight glutenin's significantly influences the gluten strength, dough elasticity, and other essential quality parameters of spring wheat grains.

In this study, we conducted the identification of high-molecular-weight glutenin subunits using various varieties and lines of spring wheat. These samples were chosen as no significant indicators that could indirectly affect baking quality had been previously established. We tested 12 varieties and lines of spring wheat, which included Lada (control), Bombona Lisy xvost 57, Laska, Arabella, Granova, Chinese Spring, Mandarina, Kanyuk, No.23, No.35, and No.59. The samples were baked in a laboratory setting for further analysis.

The objective of the study was to detect the high-molecular-weight glutenin subunits in different types and strains of spring wheat that lacked established indicators indirectly



impacting baking quality. The samples under investigation were subjected to laboratory baking tests, and

Extraction of high-molecular-weight glutenin subunits followed a modified protocol. Each sample was examined by analyzing five to fifty grains. Proteins were electrophoretically separated on polyacrylamide gel plates (20×18.3×0.1 cm) with the presence of sodium dodecyl sulfate (SDS-PAGE) (Laemmle, 1970) using a PROTEAN® II xi vertical electrophoresis chamber from Bio-Rad. Electrode buffer used was Tris-glycine. Electrophoresis was carried out for 19.5 hours at 16 mA, with the following parameters: concentration - T=5% (concentrating)/C=2.67% (separating) and T=12.8% (concentrating)/C=0.99% (separating). The gels were fixed in acetic alcohol and stained with Coomassie Brilliant Blue R-250. The high-molecular-weight glutenin's were identified based on their molecular weight and relative mobility in the polyacrylamide gel under the influence of the electric field, compared to the high-molecular-weight glutenin's of spring wheat varieties Chinese Spring with AxN/Bx7+By8/Dx2+Dy12 composition and Lada with Ax1/Bx7+By9/Dx5+Dy10 composition. The nomenclature of high-molecular-weight glutenin's of wheat and rye origin was followed, as described

При изучении сравнительной масличности семян было обнаружено, что данный параметр у трансформированных линий хлопчатника RNAi\_FRS10 и pSyn-FoSTUA статистически достоверно не отличался от аналогичного показателя у контрольной линии Кокер-312. При исследовании качественного состава масла в семенах хлопчатника различных линий было обнаружено, что основными ЖК во всех исследованных образцах были пальмитиновая кислота (16: 0), олеиновая (18: 1) и линолевая (18: 2). На эти три ЖК приходится более 90% общего содержания ЖК в семенах хлопчатника. При этом ЖК состав у геннокаутных сортов практически не отличался от такового у контрольной линии Кокер-312.

В ходе исследования общего содержания белков и белкового азота в семенах хлопчатника различных линий показано, что все 3 линии значительно не отличались по общему содержанию белков и белкового азота. Только у линии RNAi\_FRS10 наблюдалось незначительное снижение уровня общего белка, что может быть обусловлено подавлением экспрессии гена FRS10, что, в свою очередь, приводит к снижению синтеза соответствующего белка. При исследовании фракционного состава белков семян интрагенных линий хлопчатника (RNAi\_FRS10 и pSyn-FoSTUA) в сравнении с исходной линией Кокер-312 было выявлено, что основными фракциями являются водорастворимые фракции (альбумины) по сравнению с соле-, щёлоче- и спирторастворимыми фракциями (глутенины и проламины). Кроме того, при



проведении сравнительного анализа фракционного состава (белковый профиль по фракциям) у интрагенных линий хлопчатника (RNAi\_FRS10 и pSyn-FoSTUA) обнаружили практически идентичное содержание глобулинов, глютелинов и протаминов. Фракция спирторастворимых белков является минимально представленной для всех исследуемых образцов семян хлопчатника.

Таким образом, полученные результаты, позволяют судить, что введение в геном хлопчатника генетических конструкций RNAi\_FRS10 и pSyn-FoSTUA не оказало значимого влияния на биосинтез основных макроэлементов и, следовательно, не снизило питательной ценности семян хлопчатника.

### **ТУРЛИ СУВ РЕЖИМИ ШАРОИТЛАРИДА *G.BARBADENSE* L. ТУРИГА МАНСУБ ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ F<sub>1</sub> ДУРАГАЙЛАРИДА БАРГЛАРДАГИ УМУМИЙ СУВ МИҚДОРИ БЕЛГИСИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ**

Набиев С.М., Юлдашов Ў.Ҳ. Чоршанбиев Н.Э.  
ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
igebr@academy.uz

Ўзбекистон республикасида муҳитнинг биотик ва абиотик стресс омилларига чидамли бўлган ингичка толали ғўза майдони йилдан-йилга кенгайиб бораётгани бу тур бўйича тадқиқотлар олиб борилишини талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотларимиз объекти сифатида *G.barbadense* L. турига мансуб ингичка толали ғўзанинг янги Т-1, Т-5440, Т-2006, Т-10, Т-167, Т-5445, Т-450 ва Т-663 тизмалари, андоза Сурхон-14 нави, уларнинг F<sub>1</sub> дурагайлари хизмат қилди.

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори (БУСМ) нинг энг юқори кўрсаткичлари Т-5440 ва Т-5445 тизмаларида (мос равишда 85,5% ва 81,1%), энг паст кўрсаткич эса Т-167 тизмасида (76,4%) аниқланди. F<sub>1</sub> дурагайларида белгининг энг юқори



кўрсаткичлари Т-663 х Т-167 (83,1%), Т-450 х Т-5440 (82,3%) ва Т-450 х Т-5445 (81,6%) комбинацияларида, энг паст кўрсаткичлар эса Т-5445 х Т-450, Т-450 х Сурхон-14 ва Т-167 х Т-450 комбинацияларида (мос равишда 78,1%, 78,4% ва 78,6%) қайд этилди.

БУСМ белгиси оптимал сув режимида 24 та  $F_1$  дурагайларининг 7 тасида ижобий ўта доминантлик, 8 тасида салбий ўта доминантлик, 1 тасида ижобий тўлиқ доминантлик ва 1 тасида салбий тўлиқ доминантлик, 5 тасида юқори кўрсаткичли шаклнинг тўлиқсиз доминантлиги, 1 тасида паст кўрсаткичли шаклнинг тўлиқсиз доминантлиги, 1 тасида эса оралик, яъни юқори ёки паст кўрсаткичли ота-она шаклларининг доминантлиги бўлмаган ҳолатларда ирсийланди. Шундай қилиб, БУСМ белгиси оптимал сув режимида асосан, ижобий ва салбий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди. Паст даражадаги ижобий гетерозис Т-663 х Т-167 комбинациясида (103,7%), салбий гетерозис эса Т-5445 х Т-450 комбинациясида (97,6%) қайд этилди.

Сув танқислигида барча ўрганилган ота-она шакллари ва дурагайлар генотипларида барглардаги умумий сув миқдори турли даражада камайди. Бунда ота-она шакллари гуруҳида белгининг энг юқори кўрсаткичлари Т-450, Т-2006, Т-10 ва Т-663 тизмаларида (мос равишда 76,3%; 75,0%; 74,9%; 74,5%), энг паст кўрсаткич эса Сурхон-14 навида (67,1%) қайд этилди.  $F_1$  дурагайларида БУСМ белгисининг энг юқори кўрсаткичлари Т-167 х Т-1 (79,6%), Т-2006 х Сурхон-14 (79,1%) ва Т-450 х Т-167 (79,0%) комбинацияларида, энг паст кўрсаткич (69,6%) эса Т-663 х Т-450 дурагайида аниқланди.

Доминантлик коэффициенти ( $h_p$ ) кўрсаткичларининг таҳлилига кўра, сув танқислиги шароитида БУСМ белгиси 24 та  $F_1$  дурагайларининг 13 тасида ижобий ўта доминантлик, 1 тасида салбий ўта доминантлик, 3 тасида юқори кўрсаткичли шаклнинг тўлиқ доминантлиги, 7 тасида юқори кўрсаткичли



шаклининг тўлиқсиз доминантлиги ҳолатларида ирсийланди. Бу эса БУСМ белгисининг сув танқислигида  $F_1$  дурагайларида асосан, ижобий ўта доминантлик ва юқори кўрсаткичли ота ёки она шаклининг тўлиқсиз доминантлиги ҳолатларида ирсийланганини кўрсатади. Ижобий гетерозис самараси 103,5% дан (Т-450 х Т-167, Т-167 х Т-663) то 110,9% гачани (Т-167 х Т-1) ташкил қилди. Салбий гетерозис Т-663 х Т-450 комбинациясида (93,4%) қайд этилди.

Мослашувчанлик коэффициенти (Кмос.) кўрсаткичларига кўра, БУСМ белгиси бўйича сув танқислигига нисбатан кучли таъсирчанлик Сурхон-14 нави, Т-5445 ва Т-5440 тизмаларида, кучсиз таъсирчанлик эса Т-2006, Т-450 ва Т-10 тизмаларида,  $F_1$  дурагайлари гуруҳида кучли таъсирчанлик Т-663 х Т-450 ва Т-663 х Т-167 комбинацияларида, кучсиз таъсирчанлик эса кўплаб  $F_1$  дурагайларида қайд этилди.

Олган натижаларимиз ингичка толали ғўза нав ва тизмаларини ўзаро чатиштиришдан олинган  $F_1$  дурагайларида сув танқислигига ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори бўйича мослашишлари ота-она шаклларида юқорироқ бўлганидан далолат беради.

### **ТУРЛИ СУВ РЕЖИМИ ШАРОИТЛАРИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ $F_1$ ДУРАГАЙЛАРИДА БАРГЛАРДАГИ ТРАНСПИРАЦИЯ ЖАДАЛЛИГИ БЕЛГИСИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ**

Набиев С.М., Матниязова Ҳ.Х., Чоршанбиев Н.Э.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
igebr@academy.uz

Тадқиқотларимизда ингичка толали ғўза нав ва тизмалари, уларнинг  $F_1$  ўсимликлари оптимал сув режими (суғориш схемаси 1-2-1) ва сув танқислиги (суғориш схемаси 1-1-0) фонларида етиштирилди. Сув билан оптимал



таъминланганлик шароитида, яъни назорат вариантыда ота-она генотиплари гуруҳида ўсимлик баргларидаги транспирация жадаллиги ( $\text{mgH}_2\text{O}/1\text{г. хўл барг} \times 1$  соат) Т-10 ва Т-167 тизмаларида энг юқори бўлиб, мос равишда 385,17 мг ва 379,48 мг ни, белгининг энг паст кўрсаткичи эса Т-1 тизмасида қайд этилиб, 256,13 мг ни ташкил этди.

F<sub>1</sub> дурагайлари гуруҳида Т-663 х Т-5445, Т-663 х Т-167 ва Т-663 х Т-450 комбинациялари ўсимликлари энг юқори транспирация жадаллигига (мос равишда 397,84 мг, 387,49 мг ва 385,12 мг), Т-10 х Т-167 комбинацияси ўсимликлари эса энг паст транспирация жадаллигига (250,51мг) эга бўлдилар. Қолган F<sub>1</sub> дурагайларида баргларидаги транспирация жадаллиги ушбу икки чекка гуруҳлар кўрсаткичлари оралиғида бўлди. Транспирация жадаллиги белгиси оптимал сув режимида 24 та F<sub>1</sub> дурагайлариининг 4 тасида ижобий ўта доминантлик, 11 тасида салбий ўта доминантлик, 3 тасида юқори кўрсаткичли шаклнинг тўлиқсиз доминантлиги ва 6 тасида салбий тўлиқсиз доминантлик ҳолатларида ирсийланди.

Оптимал сув режимидагига нисбатан сув танқислиги шароитида барча ота-она ва F<sub>1</sub> дурагайлари генотиплари ўсимликларининг баргларидаги транспирация жадаллиги турли даражада камайди. Сув стресси фонида ота-она шакллари гуруҳида транспирация жадаллигининг юқори кўрсаткичлари Т-450 ва Т-2006 тизмаларида қайд этилиб, ўртача кўрсаткич мос равишда 279,74 мг ва 270,21 мг ни, энг паст кўрсаткич эса Т-663 тизмасида бўлиб, 111,49 мг ни ташкил этди. Таъкидлаш лозимки, андоза Сурхон-14 нави ҳам ўсимлик баргларидаги транспирация жадаллигининг нисбатан паст кўрсаткичига (171,19 мг) га эга бўлди. Сув танқислиги фонида F<sub>1</sub> дурагайлари гуруҳида баргларидаги транспирация жадаллигининг нисбатан юқори кўрсаткичлари Т-663 х Т-5445 (376,03 мг), Т-450 х Т-167 (345,40 мг) ва Т-167 х Т-10 (337,12 мг)



комбинацияларида, энг паст кўрсаткичлар эса Т-167 х Т-1 (144,23 мг), Т-10 х Т-5445 (191,18мг), Т-663 х Т-167 (200,55 мг) ва Т-663 х Т-450 (208,70 мг) дурагайларида қайд этилди. Сув стресси шароитида ушбу белги 24 та F<sub>1</sub> комбинацияларидан 15 тасида ижобий ўта доминантлик, 3 тасида салбий ўта доминантлик, 6 тасида юқори кўрсаткичли шаклнинг тўлиқсиз доминантлиги ҳолатларида ирсийланганини кўрсатди. Шундай қилиб, турли сув режими шароитларида транспирация жадаллиги белгиси асосан, ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди. Бироқ, оптимал сув режимида ушбу белгининг ирсийланишида асосан, салбий ўта доминантлик кузатилган бўлса, тупроқ қурғоқчилиги фонида эса, аксинча, асосан, ижобий ўта доминантлик устунлик қилди. Бу эса ўсимликларнинг сув билан таъминланганлик шароитларига боғлиқ равишда доминантлик коэффиценти (hp) нинг йўналиши ва даражаси ҳам ўзгаришини кўрсатади. Транспирация жадаллиги белгисининг кўрсаткичлари сув танқислигида ота-она шакллари гуруҳида 13,0% дан (Т-450) то 69,9% гача (Т-663), F<sub>1</sub> дурагайлари гуруҳида эса 1,2% дан (Т-450 х Т-5445) то 50,4% гача (Т-167 х Т-1) камайди. Бу стресс фонида белги кўрсаткичлари Т-663 х Т-167, Т-663 х Т-450 комбинацияларида ҳам кескин камайгани (мос равишда 48,2% ва 45,8% га) аниқланди. Сув танқислигида ушбу белги бўйича кучсиз таъсирчанлик Т-450 х Т-663 (-2,7%), Сурхон-14 х Т-450 (-4,8%), Т-663 х Т-5445 (-5,5%), Т-450 х Сурхон-14 (-5,6%), Т-450 х Т-167 (-5,8%) ва Т-450 х Т-5440 (-6,9%) комбинацияларида ҳам қайд этилди.

Шундай қилиб, ўрганилган янги ингичка толали ғўза тизмалари гуруҳида транспирация жадаллиги бўйича сув танқислигига кучли таъсирчанлик Т-663 дан ташқари, Сурхон-14 нави (-53,7%) ва Т-167 тизмасида (-40,2%), нисбатан кучсиз таъсирчанлик эса Т-450 дан ташқари, Т-2006 (-15,6%) ва Т-1 тизмаларида (-19,0%) ҳам қайд этилди.





## **СУВ БИЛАН ТУРЛИЧА ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ШАРОИТЛАРИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ F<sub>1</sub> ДУРАГАЙЛАРИДА БАРГЛАРНИНГ СУВ УШЛАШ ХУСУСИЯТИ БЕЛГИСИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ**

Набиев С.М., Чоршанбиев Н.Э., Юлдашов Ў.Ҳ

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
igebr@academy.uz

Тадқиқот объекти сифатида ингичка толали ғўзанинг янги Т-1, Т-5440, Т-2006, Т-10, Т-167, Т-5445, Т-450, Т-663 тизмалари, андоза Сурхон-14 нави ва уларнинг F<sub>1</sub> дурагайларидан, дала тадқиқотларида 1-2-1 ва 1-1-0 суғориш схемаларидан фойдаланилди. Тадқиқотнинг ҳар иккала фониди ўрганилаётган материал рендомизация усули билан учта қайтариқда, ҳар бир қайтариқда икки қатордан, ҳар бир қаторда 15 тадан уяга 90x20x1 схемасида экилди. Ҳар иккала фонди ўстирилган ота-она ва дурагай генотипларининг гуллаш даврида оптимал сув режими фониди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-72% ни, сув танқислиги фониди эса 48-50 % ни ташкил қилганда бир вақтнинг ўзида ўсимлик сув алмашинувининг муҳим физиологик кўрсаткичи - баргларнинг сув ушлаш хусусияти аниқланди.

Баргларнинг сув ушлаш хусусияти (БСУХ) бўйича олинган рақамли кўрсаткичнинг юқори бўлиши БСУХнинг паст эканлигини ва аксинча, кўрсаткичнинг паст бўлиши БСУХнинг юқорилигини ифодалайди. Чунки, бу кўрсаткич 2 ёки 4 соатдан сўнг барглардаги бошланғич сув миқдорига нисбатан неча фоиз сув буғланишга сарфланганлигини кўрсатади.

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида нисбатан юқори БСУХ Т-10 тизмасида (20,5%), паст БСУХ эса Т-167 тизмасида (44,7%) қайд этилди. F<sub>1</sub> дурагайлари гуруҳида юқори БСУХ Т-10 х Т-167 (22,9%) ва Т-2006 х Сурхон-14 (24,8%) комбинацияларида, БСУХнинг нисбатан паст бўлиши эса Т-5445 х Т-450 (41,9%), Т-450 х Т-5440 (39,4%) ва Сурхон-14 х Т-450 (38,7%) комбинацияларида



қайд этилди. Доминантлик коэффициенти ( $h^2$ ) кўрсаткичлари бўйича БСУХ белгиси 24 та  $F_1$  комбинацияларидан 13 тасида ижобий ўта доминантлик, 4 тасида салбий ўта доминантлик, 1 тасида юқори кўрсаткичли шаклнинг тўлиқсиз доминантлиги, 5 тасида паст кўрсаткичли шаклнинг тўлиқсиз доминантлиги, 1 тасида эса ота ёки она тизма доминант бўлмаган оралик ҳолатларда ирсийланди. Шундай қилиб, БСУХ белгиси  $F_1$  дурагайларида асосан ўта доминантлик (13 таси ижобий, 4 таси салбий) ҳолатида ирсийланди.

Сув танқислигида ота-она шакллари гуруҳида БСУХ нинг энг юқори кўрсаткичлари Сурхон-14 нави ва Т-1 тизмасида (мос равишда 18,4% ва 20,1%), энг паст кўрсаткичлари эса Т-2006, Т-5440 ва Т-10 тизмаларида (мос равишда 26,1%, 25,3% ва 25,1%) қайд этилди. Юқори БСУХ  $F_1$  нинг Т-2006 х Сурхон-14 ва Т-167 х Т-1 комбинацияларида (17,5% дан) ҳамда Т-10 х Т-5445 ва Т-5440 х Т-450 дурагайларида (мос равишда 18,4% ва 18,7%), энг паст БСУХ эса Т-5445 х Т-663 (31,9%) ва Т-663 х Т-5445 (30,5%) комбинацияларида бўлди.

Ушбу стресс фонида БСУХ нинг ирсийланиши 24 та  $F_1$  комбинациясидан 10 тасида ижобий ўта доминантлик, 11 тасида салбий ўта доминантлик, 2 тасида ижобий тўлиқсиз доминантлик ва 1 тасида салбий тўлиқсиз доминантлик ҳолатларида ирсийланди. Шундай қилиб, БСУХ белгиси сув танқислигида асосан, салбий ва ижобий ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланди. Стресс шароитида салбий ўта доминантлик қайд этилган  $F_1$  комбинациялари сони кескин (оптимал фондаги 4 тадан сув танқислигида 11 тагача) кўпайди. 7 та  $F_1$  комбинациясида ижобий гетерозис қайд этилиб, унинг даражаси 113,0% дан (Т-167 х Т-10) то 135,2% (Т-5445 х Т-663) гачани ташкил этди. Салбий гетерозис 4 та  $F_1$  комбинацияларида, яъни, Т-10 х Т-5445 (79,3%), Т-5445 х Т-10 (85,8%), Т-10 х Т-167 (86,4%) ва Т-5440 х Т-167 (86,9%) ларда аниқланди. Мослашувчанлик қобилияти (К мос.) кўрсаткичларига кўра, БСУХ сув танқислиги шароитида ота-



она шакллар гуруҳида 2,0% дан то 50,6% гача,  $F_1$  гуруҳида эса 4,5% дан то 45,8% гача ошди. Ота –она шакллари гуруҳида сув танқислигида БСУХ белгиси бўйича кучли таъсирчанлик Т-167 ва Сурхон-14 навида, кучсиз таъсирчанлик эса Т-1, Т-10 ва Т-5445 тизмаларида,  $F_1$  дурагайлари гуруҳида кучли таъсирчанлик Т-167 х Т-1, Т-5440 х Т-450, Т-5440 х Т-167, Сурхон-14 х Т-450 комбинацияларида, кучсиз таъсирчанлик эса Т-5445 х Т-663, Т-450 х Т-1 комбинацияларида эканлиги аниқланди.

## **ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАДА УРУҒЛАР ШАКЛЛАНИШИ ВА ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИЛИШИДА СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ШАРОИТЛАРИНИНГ $F_2$ ДУРАГАЙЛАРИДАГИ МАҲСУЛДОРЛИК БЕЛГИСИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИК КЎЛАМИГА ТАЪСИРИ**

Чоршанбиев Н.Э., Набиев С.М., Юлдашов Ў.Х.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
igebr@academy.uz

Тадқиқотларимизда сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида ингичка толали ғўза  $F_1$  дурагайларининг  $F_2$  авлодида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ўзгарувчанлик кўлами ва сув танқислигида юқори маҳсулдорликка эга генотиплар ажралиб чиқиши хусусиятлари ўрганилди. Тажрибамиз қуйидаги 3 та вариантда олиб борилди:

I –вариант -  $F_1$  дурагайлари сув билан оптимал таъминланганлик шароити (оптимал фон) да етиштирилган ва уларнинг  $F_2$  авлоди шу фонга экилган;

II – вариант -  $F_1$  дурагайлари оптимал фонда етиштирилган ва уларнинг  $F_2$  авлоди сув танқислиги (моделлаштирилган қурғоқчилик) фонига экилган;

III – вариант -  $F_1$  дурагайлари сув танқислиги фонига етиштирилган ва уларнинг  $F_2$  авлоди шу фонга экилган.

I-вариантда ингичка толали ғўза дурагайларининг ота-она шаклларида



Ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ўзгарувчанлик кўлами 2 дан 5 тагача синфни ўз ичига олди. Бунда, ўсимлик маҳсулдорлигининг кўрсаткичлари 41,0-60,0 г. бўлган ўсимликлар Т-167, Т-450, Т-5440 ва Т-663 тизмаларида юқори фоизда эканлиги аниқланди. Т-450 тизмасида эса ўсимлик маҳсулдорлиги 71-80 г. бўлган ўсимликлар 12% гачани ташкил этди.  $F_2$  дурагайларида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ўзгарувчанлиги 4 дан 13 тагача та синфни ўз ичига олди. Бунда, Т-5445хТ-10 ва Т-450 х Т-5445 ингичка толали дурагайларида ўсимлик маҳсулдорлиги 81-90 г. бўлган ўсимликлар 10% дан 18% гача эканлиги аниқланди. Ушбу комбинациялар ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича селекция учун қимматли ашё бўлиши мумкин.

2-вариантда ингичка толали ота-она шаклларида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ўзгарувчанлиги 3 дан 7 тагача синфни ўз ичига олди. Т-10, Т-5440 ва Т-663 тизмаларида ўсимлик маҳсулдорлиги 81-90 г. бўлган ўсимликлар 6,67 % дан 12,50 % гача эканлиги қайд этилди.

$F_2$  дурагайларида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ўзгарувчанлиги 4 дан 11 тагача синфни ўз ичига олди. Ўсимлик маҳсулдорлиги 81-90 г. гача бўлган ўсимликлар 4,0 % дан 27,7 % гача бўлди. Т-663хТ-450 ва Т-10хТ-5445 комбинацияларида ўсимлик маҳсулдорлиги 100-110 г. бўлган ўсимликлар 9,1-16,7 % гача бўлди. Ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси  $F_2$  дурагайларида асосан 41-60 г. кўрсаткичларда кўпроқ аниқланди. Т-5445хТ-663, Т-5445хТ-450, Т-167хТ-5440 ва Т-450хТ-1 дурагайларида эса 111-120 г. кўрсаткичлар ҳам қайд этилди. Ушбу комбинациялар ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича қурғоқчиликка чидамлилиқ селекцияси учун катта аҳамиятга эгадир.

Ингичка толали ота-она шаклларида 3-вариантда ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ўзгарувчанлиги 5 дан 10 тагача синфни ўз ичига олди. Бунда, Т-5445, Т-450 ва Т-663 тизмаларида ўсимлик маҳсулдорлиги 81-90 г. бўлган



Ўсимликлар 4,8 % дан 18,2 % гача бўлди. Т-663 тизмасида эса ўсимлик маҳсулдорлиги 91-100 г. бўлган ўсимликлар 9,1 % гачани ташкил этди. F<sub>2</sub> дурагайларида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ўзгарувчанлиги 5 дан 10 тагача синфни ўз ичига олди.

Ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича дурагайларда асосан 41-60 г. гача кўрсаткичли ўсимликлар кўпроқ эканлиги аниқланди. Сурхон-14хТ-450 ва Т-167х Т-450 дурагайларида ўсимлик маҳсулдорлиги 91-100 г. бўлган ўсимликлар 3, 3 % дан 4,5 % гачани ташкил этди. Ушбу комбинациялар ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича қурғоқчилик селекция учун қимматли ашё бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тажрибамизда Сурхон-14 нави иштирокидаги дурагайларда ўсимлик маҳсулдорлиги паст кўрсаткичда бўлганлиги қайд этилди. Т-450, Т-663 ва Т-5445 тизмалари иштирок этган дурагайларда ўсимлик маҳсулдорлиги асосан юқори кўрсаткичларда бўлиши, бу белги бўйича ўзгарувчанлик кўлами F<sub>2</sub> дурагайларининг тўғри ва тескари, яъни реципрок комбинацияларида турлича эканлиги аниқланди. Бу эса ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ирсий назоратида нафақат ядровий генлар, балки цитоплазматик генлар ҳам иштирок этишини кўрсатади.

### **СУВ БИЛАН ОПТИМАЛ ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ВА СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТЛАРИДА ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

Шавқиев Ж.Ш<sup>1,2</sup>, Азимов А.А<sup>1</sup>, Макамов А. Х<sup>2</sup>, Мамарўзиев А.А<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

<sup>2</sup> Геномика ва биоинформатика маркази

Жаҳонда асосий қишлоқ хўжалик экинларидан бири бўлган ғўзанинг замон талабига мос навларини яратишда анъанавий генетик-селекцион



усулларни физиологик тадқиқотлар билан уйғунлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада асосий пахта майдонини эгаллаган ўрта толали ғўза навлари билан бир қаторда, уларга нисбатан тола технологик кўрсаткичлари ва муҳитнинг стресс омилларига чидамлиги юқори бўлган ғўза генофонди манбаларини қўллаш, сув танқислигига маданий ғўза турларининг навлари, тизмалари ва дурагайлариининг морфобиологик белгилари бўйича реакцияларини аниқлаш, чидамли генотипларни ажратиб олиш ва селекция ишларига жалб этиш бу қимматбаҳо техник экинининг қурғоқчиликка чидамли навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Дала тажрибалари ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Тошкент вилояти, Занги ота туманида жойлашган минтақавий экспериментал базасининг тажриба дала майдонида 2020-2022 йилларда олиб борилди.

Тажриба ва назорат вариантларининг чигитлари сув режими бўйича фарқланадиган 2 та фонга, яъни сув билан оптимал таъминланганлик фонига (1-2-1 суғориш схемаси, чигит суви билан ҳисобланганда сарфланган жами сув ҳажми 4800-5000 м<sup>3</sup>/га), сув танқислиги фонига (суғориш схемаси 1-1-0, чигит суви билан ҳисобланганда сарфланган жами сув ҳажми 2800-3100 м<sup>3</sup>/га) экилди. Бунда моделлаштирилган қурғоқчилик, яъни сув танқислиги фони ўсимликлар вегетациясининг ялпи гуллаш даврида суғориш сонини камайтириш ва гуллашдан кейин суғориш ўтказмаслик ҳисобига ташкил қилинди. Агротехник тадбирлар ҳар иккала фонда бир хил олиб борилди.

Тадқиқот объекти сифатида ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб, ирсий жиҳатдан келиб чиқиши турлича бўлган Ишонч, Навбахор-2, Тошкент-6 ва С-6524 навлари фойдаланилди.



Дала шароитида сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги фонларида ўсимликларнинг гуллаш даврида физиологик кўрсаткичлардан бўлган ўсимлик баргларидаги хлорофилл “а”, хлорофилл “б”, умумий хлорофилл, каротиноидлар миқдори, биокимёвий кўрсаткичлардан-ўсимлик баргларидаги малонилдиалдегид , ва пролин аминокислотасининг миқдори аниқланди.

Тажрибамизда ғўза навлари ўсимликларининг баргларидаги пролин аминокислотасининг миқдори ўрганилди. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида барча ўрганилган навларда пролин миқдори турли даражада ошди. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида пролиннинг миқдори С-6524 навида энг юқори (68,1 мкг/г), Навбахор-2 навида эса энг кам (39,4 мкг/г) бўлди. Сув стресси шароитида Ишонч навида пролин миқдори энг юқори (75,2 мкг/г), Тошкент-6 навида эса энг кам (69,4 мкг/г) эканлиги аниқланди (1-жадвал). Илмий манбаларда курғоқчиликка чидамли ўсимликларда пролин миқдори чидамсиз ўсимликларга нисбатан сув танқислиги шароитида ошиши қайд этилган. Бизнинг тажрибамизда ҳам бу ҳолат ўз тасдиғини топиб, сув танқислиги шароитида Ишонч ва Навбахор-2 навларининг баргларида С-6524 ва Тошкент-6 навларига нисбатан кўпроқ миқдорда пролин аминокислотаси синтезланиши аниқланди.

Олган натижаларимизнинг дисперсиявий таҳлили Ишонч, Навбахор-2, С-6524 ва Тошкент-6 навлари ўсимликлари баргларидаги хлорофилл “а”, хлорофилл “б”, умумий хлорофилл ва каротиноидлар миқдорлари бўйича ҳам турли сув режими шароитларида ишончли фарқланишларини кўрсатди. Бунда, сув билан оптимал таъминланганлик шароитида умумий хлорофиллнинг энг юқори кўрсаткичи С-6524 навида (2,3 мг/г), энг кам миқдори эса Ишонч навида



(2,0 мг/г) қайд этилди. Сув танқислиги шароитида умумий хлорофиллнинг энг паст кўрсаткичи Тошкент-6 навида (1,8 мг/г), энг юқори кўрсаткичлари эса Ишонч ва Навбаҳор-2 навларида (мос равишда 2,2 мг/г ва 2,2 мг/г) аниқланди. Ишонч ва Навбаҳор-2 ғўза навларида сув билан оптимал таъминланганлик шароитидагига нисбатан сув танқислиги шароитида умумий хлорофилл миқдори кўрсаткичлари бир-бирига яқин бўлса, С-6524 ва Тошкент-6 ғўза навларида эса камайгани аниқланди. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида хлорофилл “а” нинг энг юқори миқдори Навбаҳор-2 навида (1,57 мг/г), энг паст миқдори эса Ишонч навида (1,34 мг/г) қайд этилди. Сув танқислиги шароитида хлорофилл “а” миқдорининг энг паст кўрсаткичи Тошкент-6 навида (1,31 мг/г), энг юқори кўрсаткичлари эса Ишонч ва Навбаҳор-2 навларида (мос равишда 1,61 мг/г ва 1,69 мг/г) бўлди. Ишонч ва Навбаҳор-2 ғўза навларида сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида хлорофилл “а”нинг миқдори ошган бўлса, С-6524 ва Тошкент-6 ғўза навларида эса аксинча, камайди.

Тадқиқотларимизда ўрганилган ғўза навларида оптимал сув режимидагига нисбатан сув танқислиги шароитида ўсимлик баргларидаги хлорофилл “б” миқдорининг турли даражада камайиши аниқланди. Назорат фониди, яъни сув билан оптимал таъминланганлик шароитида хлорофилл “б” миқдорининг энг юқори кўрсаткичи С-6524 навида (0,74 мг/г), энг паст кўрсаткичи эса Навбаҳор-2 навида (0,54 мг/г) қайд этилди. Сув танқислигида хлорофилл “б” миқдорининг энг паст кўрсаткичи Тошкент-6 навида бўлиб, 0,47 мг/г ни, энг юқори кўрсаткичи эса Ишонч навида бўлиб, 0,60 мг/г ни ташкил этди. Сув танқислиги шароитида хлорофилл “а” ва хлорофилл “б” миқдорларининг камайиши фото-оксидланиш жараёнидаги оксидловчини эркин кислород радикали орқали ингибирланиши натижасида келиб чиққан





бўлиши мумкин. Назорат фонидагига нисбатан тажриба фонида, яъни сув танқислигида ўсимлик баргларидаги каротиноидлар миқдори турли даражада ошгани аниқланди. Оптимал сув режимида каротиноидларнинг энг юқори миқдори Навбахор-2 навида (0,34 мг/г), энг паст миқдори эса Тошкент-6 навида (0,27 мг/г) қайд этилди. Сув танқислиги шароитида каротиноидлар миқдорининг энг паст кўрсаткичи Тошкент-6 навида бўлиб, 0,31 мг/г ни, энг юқори кўрсаткичлари эса Ишонч ва Навбахор-2 навларида бўлиб, мос равишда 0,40 мг/г ва 0,41 мг/г ни ташкил этди. Сув танқислиги муҳитида баргларидаги каротиноидлар миқдори Ишонч ва Навбахор-2 навларида С-6524 ва Тошкент-6 навлариникидан кўпроқ эканлиги аниқланди. Тажрибаларида ғўза генотипларида хлорофилл ва каротиноидлар миқдори сув билан кам таъминланганлик муҳитида камайиши ҳамда қайта суғориш орқали хлорофилл ва каротиноидлар миқдори ошганлиги қайд этилган.

Тадқиқотларимиз натижаларининг дисперсиявий таҳлилига кўра, Ишонч, Навбахор-2, С-6524 ва Тошкент-6 ғўза навлари ўсимлик баргларидаги малонилдиальдегид миқдори бўйича турли сув режими шароитларида ишончли фарқландилар. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислигида тажрибамизда ўрганилган ғўза навларининг ўсимликларидаги малонилдиальдегиднинг миқдори турли даражада ошди. Назорат ва тажриба фонларида малонилдиальдегид миқдорининг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент-6 навида (мос равишда  $202,3 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг ва  $359,0 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг), энг паст кўрсаткичлари эса Навбахор-2 навида (мос равишда  $148,8 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг ва  $208,7 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг) қайд этилди. Сув танқислиги шароитида Ишонч ва Навбахор-2 ғўза навларида малонилдиальдегиднинг миқдори С-6524 ва Тошкент-6 ғўза навлариникидан кам бўлди.



Тажрибадан шуни айтиш мумкинки, сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ғўза навларининг физиологик–биокимёвий кўрсаткичларининг таҳлили асосида Ишонч ва Навбаҳор-2 ғўза навлари С-6524 ва Тошкент-6 ғўза навларига нисбатан сув танқислигига физиологик чидамли эканликлари аниқланди. Бу эса сув танқис минтақаларга ва сув тақчил йилларда Ишонч ва Навбаҳор-2 ғўза навларини экиш ва улардан ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилик селекциясида қимматли бошлангич ашё сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

## **СУВ БИЛАН ОПТИМАЛ ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ВА СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТЛАРИДА ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

Шавқиев Ж.Ш<sup>1,2</sup>, Азимов А.А<sup>1</sup>, Мақамов А. Х<sup>2</sup>, Мамарўзиев А.А<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

<sup>2</sup>Геномика ва биоинформатика маркази

Дала тажрибалари ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Тошкент вилояти, Занги ота туманида жойлашган минтақавий экспериментал базасининг тажриба дала майдонида 2020-2022 йилларда олиб борилди. Тажриба ва назорат вариантларининг чигитлари сув режими бўйича фарқланадиган 2 та фонга, яъни сув билан оптимал таъминланганлик фонига (1-2-1 суғориш схемаси, чигит суви билан ҳисобланганда сарфланган жами сув ҳажми 4800-5000 м<sup>3</sup>/га), сув танқислиги фонига (суғориш схемаси 1-1-0, чигит суви билан ҳисобланганда сарфланган жами сув ҳажми 2800-3100 м<sup>3</sup>/га) экилди. Бунда моделлаштирилган қурғоқчилик, яъни сув танқислиги фони ўсимликлар вегетациясининг ялпи гуллаш даврида



суғориш сонини камайтириш ва гуллашдан кейин суғориш ўтказмаслик ҳисобига ташкил қилинди. Агротехник тадбирлар ҳар иккала фонда бир хил олиб борилди.

Тадқиқот объекти сифатида ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб, ирсий жиҳатдан келиб чиқиши турлича бўлган Ишонч, Навбахор-2, Тошкент-6 ва С-6524 навлари фойдаланилди.

Қимматли-хўжалик белгиларидан - ўсимлик маҳсулдорлиги, битта ўсимликдаги кўсак сони, битта кўсакдаги пахта оғирлиги, битта ўсимликдаги чигит сони ва оғирлиги, тола чиқими, тола узунлиги, 1000 дона чигит оғирлиги умумий қабул қилинган усулларда аниқланди.

Тажрибамизда назорат, яъни сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ўсимлик маҳсулдорлиги кўрсаткичлари Ишонч, Навбахор-2, С-6524 ва Тошкент-6 навларида бир-бирига яқин бўлди. Сув танқислиги шароитида эса маҳсулдорлик Ишонч ва Навбахор-2 навларида юқори бўлиб, мос равишда ўртача 50,93 г. ва 50,03 г. ни, Тошкент-6 ва С-6524 навларида эса паст бўлиб, мос равишда ўртача 34,77 г. ва 35,46 г.ни ташкил этди. Тошкент-6 ва С-6524 навларида Ишонч ва Навбахор-2 навларига нисбатан сув танқислигида ўсимликдаги пахта ҳосили кескин камайгани аниқланди.

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида битта кўсакдаги пахта оғирлиги Ишонч, Навбахор-2, С-6524 ва Тошкент-6 навларида бир-бирига яқин бўлди. Сув танқислигида белгининг энг паст кўрсаткичлари С-6524 ва Тошкент-6 навларида (мос равишда ўртача 4,46 г. ва 4,60 г.), энг юқори кўрсаткичи эса Навбахор-2 навида (5,53 г) бўлди. Сув танқислиги ушбу белгининг кўрсаткичларига Навбахор-2 навида нисбатан Ишонч, С-6524 ва Тошкент-6 навларида кўпроқ салбий таъсир этганлиги аниқланди.

Назорат ва тажриба фонларида битта кўсакдаги чигит сонининг энг паст кўрсаткичи С-6524 навида (мос равишда 28,21 дона ва 24,38 дона) аниқланди.



Оптималь сув режимда ушбу белгининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент-6 навида бўлиб, ўртача 30,63 донани, сув

танқислигида эса Навбахор-2 навида қайд этилиб, ўртача 27,08 донани ташкил этди. Тупроқ қурғоқчилиги Ишонч ва Навбахор-2 навларига нисбатан С-6524 ва Тошкент-6 навларида битта кўсакдаги чигит сонининг кўпроқ камайишига олиб келди.

Сув билан оптималь таъминланганлик шароитида битта ўсимликдаги кўсак сони Ишонч, Навбахор-2, С-6524 ва Тошкент-6 навларида бир-бирига яқин бўлди. Сув танқислигида белгининг энг паст кўрсаткичлари С-6524 ва Тошкент-6 навларида (мос равишда 9,8 дона ва 8,5 дона), энг юқори кўрсаткичлари эса Ишонч ва Навбахор-2 навларида (мос равишда 12,7 дона ва 12,5 дона) қайд этилди. Сув танқислиги битта ўсимликдаги кўсак сони бўйича Ишонч ва Навбахор-2 навларига нисбатан С-6524 ва Тошкент-6 навларига кўпроқ салбий таъсир қилгани аниқланди.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг сув танқислигида ўсимлик маҳсулдорлиги, битта кўсакдаги пахта оғирлиги, чигит сони ва ўсимлик кўсак сонининг камайиши бўйича олган маълумотлари бизнинг тажрибамизда ҳам ўз тасдиғини топди.

Тажрибадан шуни айтиш мумкинки, сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ғўза навларининг морфо-хўжалик кўрсаткичларининг таҳлили асосида Ишонч ва Навбахор-2 ғўза навлари С-6524 ва Тошкент-6 ғўза навларига нисбатан сув танқислигига чидамли эканликлари аниқланди. Бу эса сув танқис минтақаларга ва сув тақчил йилларда Ишонч ва Навбахор-2 ғўза навларини экиш ва улардан ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилиқ селекциясида қимматли бошлангич ашё сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.



## **“РАВНАҚ-1” ҒЎЗА НАВИНИНГ БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИДА ТОЛА ЧИҚИМИ ВА УЗУНЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАШ**

Муҳаммадов Й.А., Маманазаров Ш.И., Хўжамбердиева Ш.М., Мирзоёқубов  
К.Э., Ачилов С.Г.

Геномика ва биоинформатика маркази  
yuldoshbekmukhammadov@mail.ru

Мамлакатимизда пахтачилик соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий вазифаларидан бири, бу пахта етиштириладиган майдонларни кўпайтирмасдан туриб, пахта хомашёсининг сифатини, ҳосилдорлигини ошириш, юқори сифатли уруғлик ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, тола сифати ва чиқимини ошириш ҳамда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим касб этмоқда.

Маълумки, ғўза асосан толаси учун етиштирилади, ҳамда яратилаётган ғўза навларининг юқори тола сифатига эга бўлиши долзарб ҳисобланади. Шунинг учун, аксарият олимларнинг илмий тадқиқотларида тола сифатини белгиловчи асосий технологик кўрсаткичларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳ.Марданов “Жарқўрғон” ғўза навининг тола чиқими ҳамда тола узунлиги кўрсаткичларини яхшилаш бўйича олиб борган тадқиқот натижаларига кўра тола чиқими ва узунлик белгилари бўйича экиш учун танлаб олинган оилаларнинг кўрсаткичлари навга хос, яъни тола узунлиги бўйича IV тип талабларига жавоб бериши ва юқори тола чиқими (ўртача 38,8 %) тенг бўлганлиги аниқланган.

Б.Мамарахимов ва бошқалар маълумотларига кўра нав ва оилага мансуб бўлган ўсимликлар қуйида келтирилган морфологик белгилар бўйича асосий поя ва баргининг тукланганлиги, баргининг шакли, ранги ва катталиги, тупининг шакли ва шохланиш тури, кўсакларининг шакли ҳамда катталиги билан белгиланади.



Ўрта толали ғўзанинг III типга мансуб “Равнақ-1” нави маркерларга асосланган селекция технологияси асосида Андижон-35 нави билан L-141 линиясини беккросс чатиштириш ва кўп марталик танлаш йўли билан яратилган. Мазкур нав аксарият хўжалик белгилари бўйича бошқа навлардан бирмунча афзалликга эга. Яъни, “Равнақ-1” навининг тола узунлиги 37-38 мм, микронейри-4,4; солиштира оғирлик кучи 37 г.к./текс, тола чиқими 36-37 %, 1 дона кўсагдаги пахта оғирлиги 7,0-7,5 г., 1000 дона чигит оғирлиги 135 г. вегетация даври 115-120 кунни ташкил этади.

Изланишлар Геномика ва биоинформатика марказининг махсус уруғчилик хўжалигида олиб борилди. Мазкур тадқиқотда “Равнақ-1” нави биринчи йил уруғ кўпайтириш кўчатзоридан териб олинган якка танлов ҳамда синов наъмуналарининг тола чиқими ва тола узунлиги кўрсаткичлари таҳлил натижалари келтирилган. 1-жадвал

1-жадвал

### Лаборатория таҳлил натижалари

	Синов наъмуналари						Якка танлов наъмуналари			
	Оилалар сони		Тола узунлиги мм		Тола чиқими, %		Сони		Тола узунлиги мм	
	2021	2022	2021	2022	2021	2022	2021	2022	2021	2022
Барча таҳлил қилинганлар	152	163	36,2	36,7	36,5	37,6	936	910	36	36,4
Яроқсиз қилинганлар	100	112	35,8	36,5	36,4	37,6	631	613	35,6	35,9
Экишга танлаб олинганлар	52	51	36,8	37,2	36,8	37,5	305	297	36,9	37,5

2021 йили биринчи йил уруғ кўпайтириш кўчатзоридан соғлом оилаларидан 152 та синов намунаси ҳамда 936 та якка танлов намуналари териб



олиниб лабораторияда таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра (барча таҳлил қилинганлар) синов намуналарининг ўртача тола узунлиги 36,2 мм, тола чиқими 36,5 % ни, якка танлов намуналарининг тола узунлиги 36 мм ни ташкил этди. Олинган маълумотлар таҳлил қилиниб оилалар соғлом ва ярқсизга ажратилди. Кейинги йилда экиш учун 152 та синов намунасида 100 таси чиқитга 52 таси соғлом экиш учун ажратиб олинди. Чиқитга чиқарилган 100 та оиланинг ўртача тола узунлиги 35,8 мм, тола чиқими 36,4 % ни, экишга танлаб олинган 52 та оиланинг ўртача тола узунлиги 36,8 мм ни, тола чиқими 36,8 % ни ҳамда экишга танлаб олинган 305 та якка танлов намунасининг ўртача тола узунлиги 36,9 мм ни ташкил қилди. Танлаб олинган соғлом оилалар 2022 йилда экилди. Вегетация давомида дала кўриглари олиб борилиб оилалар соғлом ва ярқсизга ажратилди. Соғлом оилалардан териб олинган 163 та синов намуналари ва 910 та якка танлов намуналари терилди ҳамда лабораторияда таҳлил қилиниб соғлом ва чиқитга ажратилди. Таҳлил натижаларига кўра барча таҳлил қилинган синов намуналарининг ўртача тола узунлиги 36,7 мм ни, тола чиқими 37,6 % ни, якка танлов намуналарининг тола узунлиги 36,4 мм ни, экишга танлаб олинган 51 та соғлом оилаларнинг ўртача тола узунлиги 37,2 мм ни, тола чиқими 37,5 % ни, 297 та якка танлов намуналарининг 37,5 мм ни ташкил қилди.

Тажриба натижаларига кўра тола узунлиги ва тола чиқими белгилари бўйича экиш учун танлаб олинган оилаларнинг кўрсаткичлари навга хос, яъни тола узунлиги бўйича III-тип талабларига жавоб бериши ҳамда юқори тола чиқимига эга эканлигини таъкидлаш мумкин.



## ГЕНЛАРНИ ПИРАМИДАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ОЛИНГАН АЎЗА ТИЗМАЛАРИНИ ТОЛА СИФАТИ ТАҲЛИЛИ

Омонкулов У.М., Норбеков Ж.К., Бойқобилов У.А., Мухаммадалиев Р.И.,  
Эшнажаров Ж.Ж., Хошимов С.Қ., Макамов А.Х.

Геномика ва биоинформатика маркази  
[kattabek11@gmail.com](mailto:kattabek11@gmail.com)

Пахтанинг табиий толаси саноатда ишлатиладиган хом ашёнинг учдан бир қисмини ташкил қилади. Жахон бозорида пахта толаси сифатига қараб бахоланади ва тан нархи белгиланади. Хозирги кунда пахта толаси кимёвий йўл билан ишлаб чиқариладиган (синтетик) тола таъсирида жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Бугунги кунда синтетик толалар тўқимачилик саноатининг 75 фоиздан ортиғини эгаллайди. Шу мақсадда пахтанинг табиий тола сифатини яхшилаш, тўқимачилик саноатидаги ўрнини ошириш муҳим ҳисобланади. Тўқимачилик саноатида асосан пахта толасининг узунлиги, майинлиги ва пишиқлиги каби сифат белгиларига алоҳида эътибор қаратилиб келинган. Кўплаб тадқиқотларда пахта толасининг ушбу хусусиятларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги, тола сифатининг бир компонентининг ўзгариши, толанинг бошқа сифат кўрсаткичига таъсир қилиши мумкинлиги аниқланган. Шу сабабдан тола сифати яхшиланган ўза навларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Геномика ва биоинформатика марказида маркерларга асосланган селекция дастури асосида тола сифати ва шўрланишга чидамли бўлган бир нечта QTL локусларини генларни пирамидалаш усули билан бир генотипга жамланган BC<sub>3</sub>F<sub>4</sub> [(F<sub>1</sub>Анбоёвут-2 х Л-141) х (F<sub>1</sub>Анбоёвут-2 х С419) х (BC<sub>1</sub>F<sub>1</sub>Анбоёвут-2 х Saenr-Pena) х Анбоёвут-2] ва BC<sub>3</sub>F<sub>4</sub> [(F<sub>1</sub>Андижон-35 х Л-141) х (F<sub>1</sub>Андижон-35 х Saenr-Pena) х Андижон-35] авлод дургайлари тадқиқот намуналарини лаборатория шароитида пахта толасининг штапел узунлиги ҳамма “USTER HVI





1000” толани таснифлаш ва таҳлил қилиш ускунасида тола сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Генларни пирамидалаш технологияси асосида олинган  $BC_3F_4$  [( $F_1$  Андижон-35 × Л-141) × ( $F_1$  Андижон-35 × Saenr-Pena) × Андижон-35] дурагай комбинацияларининг 35 та оиласига тегишли бўлган 257 та якка танлов намуналарининг тола сифат белгилари статистик таҳлил қилинганда, тола штапел узунлиги бўйича энг паст қиймати 35 мм.ни, юқори қиймати 42 мм.ни ва ўртачаси 38 мм.ни, реципиент Андижон-35 ғўза навида паст қиймати 30 мм.ни, юқори қиймати 34 мм.ни, ўртача қиймати эса 31,8 мм.ни ҳамда донор Л-141 тизмасида ўртача 38 мм. ни ташкил этди.  $BC_3F_4$  дурагай тизмаларида бўйича донор Т-141 тизмасига тенглашган ва назорат Ан-Боёвут-2, Наманган-77 ғўза навларига нисбаттан мазкур белги бўйича юқори кўрсаткичга эга эканлиги ташкил этди. 1000 дона чигит вазни ҳам  $BC_3F_4$  дурагай тизмаларида реципиент Андижон-35, андоза сифатида олинган Ан-Боёвут-2 ва Наманган-77 ғўза навларига нисбаттан 15-20 % га ошганилиги ҳамда донор тизмаларга қисман тенглашганиги аниқланди.

Тадқиқотда Т-141 тизмасида тола шпател узунлиги, Андижон-35 навида 1000 дона чигит вазни, Saenr Pena-85 тизмаси ва Андижон-35 нави тола чиқими, Т-141 тизмасида энг узун тола ва тола солиштирма узилиш кучи кўрсаткичлари бошқа нав ва тизмаларга нисбатан юқори бўлган бўлса, толанинг микронеёри белгиси бўйича эса Т-141 тизмасида паст кўрсаткичларда эканлиги аниқланди. Тажрибада  $BC_3F_4$  дурагай тизмалари орасида толасининг сифат кўрсаткичлари энг яхшиланган генотиплар ажратиб олинди.



### III. BIOTEKNOLOGIYA

#### ИНДУКЦИЯ КАЛЛУСООБРАЗОВАНИЯ В КУЛЬТУРЕ НЕОПЫЛЁННЫХ СЕМЯПОЧЕК ТОМАТА КУЛЬТУРНОГО (*SOLANUM LYCOPERSICUM L.*)

Тукусер Я.П.<sup>1</sup>, Романова О.В.<sup>1</sup>, Сухов А.Я.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Федеральное государственное бюджетное научное учреждение «Федеральный научный центр овощеводства»,

<sup>2</sup>Федеральное государственное автономное образовательное учреждение высшего образования «Российский университет дружбы народов» Аграрно-технологический институт, yana-tukuser@mail.ru

Томат - важнейшая сельскохозяйственная культура с годовым производством продукции 180 млн т в мире и с количеством занимаемых площадей 5 млн га (FAOSTAT, 2022). Для производства гибридов F<sub>1</sub> требуется несколько поколений инбридинга. Ускоренное получение выровненных родительских линий возможно с помощью ДН-технологий (double haploid – удвоенные гаплоиды). Гаплоидные растения получают из женского (культура неопылённых семяпочек) или мужского (культура пыльников и микроспор) гаметофита. После удвоения хромосомного набора полученные растения становятся полностью гомозиготными.

Впервые гаплоидные растения в культуре *in vitro* из неопылённых семяпочек были получены при партеногенетическом развитии яйцеклетки (Morrison, 1932; Cook, 1936), проведено цитологическое исследование гаплоидных, диплоидных, тетраплоидных форм томата (Lindstrom et al., 1931). Для индукции гиногенеза также использовали опыление чужеродной пыльцой *Solanum sisymbriifolium* Lam. (Chambonnet, 1996; Val, Abak, 2007). Методы индукции гиногенеза томата культурного ещё недостаточно разработаны, поэтому настоящее исследование



направлено на разработку элементов методики получения гаплоидных растений томата культурного в культуре *in vitro* из неопылённых семяпочек.

Исследования проводили на сорте томата культурного Розовый бутон (*Solanum lycopersicum* L.) из коллекции лаборатории селекции и семеноводства пасленовых культур ФГБНУ ФНЦО. Для введения в культуру *in vitro* в качестве эксплантов использовали закрытые бутоны. Бутоны промывали водопроводной водой с моющим средством «AOS» (5 мин.). Поверхностную стерилизацию проводили в 96 % этаноле (30 с), затем в 50 % водном растворе препарата «Белизна» с добавлением 2-3 капель Твина-20 (15 мин), с последующим трехкратным промыванием в стерильной дистиллированной воде (10 мин.). У бутонов стерильным пинцетом удаляли чашелистики и переносили для доращивания на агаризованную (7 г) питательную среду MS (Murashige et al., 1962) с концентрацией сахарозы 2 % и добавлением зеатина (2 мг/л) и индолилуксусной кислоты (0,1 мг/л).

Культивирование проводили на стеллажах со смешанным освещением люминесцентными лампами двух типов: OSRAM Fluora L36W/77 (с преобладанием синего и красного спектра) и Philips 36W/54-765 (с преобладанием белого спектра), при общей освещенности 3000 люкс, фотопериоде 16 / 8 часов (день / ночь) при 25°C круглосуточно.

Через 21 сутки после увеличения семязачатка завязи разрезали скальпелем и выделяли семяпочки с помощью препаровальных игл под стереомикроскопом Stemі 305 при 10× увеличении в ламинарном боксе. Изолированные семяпочки без признаков повреждения помещали на питательную среду в стерильные стеклянные баночки (100 мл).

Через 7 суток после извлечения семяпочек увеличились в размерах, и более 70 % семяпочек имели тёмную окраску шаровидной формы, а ещё через 7 суток



начался процесс каллусообразования на всех изолированных семяпочках. На 21 сутки после извлечения семяпочек каллус увеличился в размерах до 2-3 мм в диаметре и был перенесен на свежую питательную среду для побегообразования.

В дальнейшем будут подобраны оптимальные питательные среды для побегообразования и корнеобразования каллусных структур томата культурного в условиях *in vitro*.

## **MIROORGANIZMLARNING $\text{Cu}^{2+}$ va $\text{Pb}^{2+}$ IONLARINING TURLI KONSENTRATSIYALARIGA REZISTENTLIGI**

Sa'dullayeva M.S., To`raqulova D.E., Qahramonova Z.A., Kadirova G.X.

O`z RFA Mikrobiologiya instituti,  
info-microbio@academy.uz

Ma'lumki, tuproqning og'ir metallar (OM) bilan ifloslanishi ekologiyaning dolzarb muammolaridan biridir. Atrof-muhitdagi OM inson va tabiat uchun zaharli bo'lib, ular bilan zaharlanish, oziq-ovqat zanjiri bo'ylab tashilishi va organizmda to'planishi sog'liq uchun katta muammolarni keltirib chiqarishi mumkin [1,2]. Ma'lumki, mikroorganizmlar yordamida OM zararsizlantirishga qaratilgan biologik usullar kimyoviy va instrumental usullarga nisbatan tejamkor va ekologik toza hisoblanadi.

Ushbu tadqiqotning maqsadi mikroorganizmlarning  $\text{Cu}^{2+}$  va  $\text{Pb}^{2+}$  ionlarini turli konsentratsiyalariga rezistentligi bo'yicha skriningini amalga oshirishdan iborat.

Dastlab Toshkent viloyatida joylashgan faoliyati to'xtatilgan aerodrom, shuningdek Qashqadaryo va Samarqand viloyatlaridagi kimyo zavodlari atrofidagi tuproq namunalaridan 50 dan ortiq mikroorganizmlarning izolyatlari sof kulturalarga ajratildi. Mikroorganizmlar Cu va Pb kationlarining turli miqdorlari qo'shilgan standart suyuq go'sht-peptonli va peptonli bulyon (tarkibi, g/l: L-glyukoza – 5,0;  $\text{K}_2\text{HPO}_4$  – 0,5;  $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$  – 0,5; NaCl – 0,5; pepton – 7) ozuqa muhitlarida



o`stirildi. Ozuqa tarkibiga  $\text{Cu}^{2+}$  ionlarining 59 mg/l, 118 mg/l va 354 mg/l hamda  $\text{Pb}^{2+}$  ionlarining 48,0 mg/l, 95,9 mg/l va 287,7 mg/l konsentratsiyada qo`shib o`stirildi. Keltirilgan OM larning ushbu konsentratsiyalari ularning ruhsat etilgan me`yorida (REM) mos ravishda 5, 10 va 30 barobar ko`pdir. OM tuzlari sifatida  $\text{CuSO}_4 \times 5\text{H}_2\text{O}$  va  $\text{Pb}(\text{NO}_3)_2$  dan foydalanildi. Ekish materialidagi bakteriyalarning titri  $10^7$  hujayra/ml ni tashkil etdi. Kulturalar  $28-30 \pm 0,2$  °C haroratda 3 sutka davomida o`stirildi. Morfologik xususiyatlarga ko`ra bakteriyalar yosh (24-soatli) va 2-3-sutkali kulturalarda o`rganildi.

O`tkazilgan tajribalarga ko`ra, bakteriyalar shtammlari  $\text{Cu}^{2+}$  va  $\text{Pb}^{2+}$  ionlarining 118 mg/l va 95,9 mg/l konsentratsiyasida 14 sutka davomida o`stirilganda 48 ta izolyatlar orasida №14 va №21 izolyatlar o`rtacha rezistent ekanligi aniqlandi. Ta`kidlash lozimki, mikroorganizmlar  $\text{Cu}^{2+}$  va  $\text{Pb}^{2+}$  ionlarining 354 mg/l va 287,7 mg/l konsentratsiyasida 14 sutka davomida o`stirilganda quyidagi izolyatlarning: №5, №10, №2k yuqori rezistent ekanligi ko`rsatildi. Morfologik va kultural xususiyatlariga ko`ra tadqiq etilayotgan OM kationlariga rezistent kulturalarning: №5, №14, №21, №2k koloniya shakli yumaloq, faqat №10 izolyat noaniq shaklli koloniya hosil qilishi kuzatildi. №5, №10, №21 izolyatlarning rangi qaymoqrang va №14, №2k izolyatlar oq rangga egaligi aniqlandi. №5, №10, №2k izolyatlar koloniyalarining chetlari tekis, №14, №21- notekis va to`lqinsimon. Barcha izolyatlar koloniyalarining yuzasi silliq. №5, №14, №2k kulturalar gramm manfiy, №10, №21 kulturalar esa gramm musbat va barcha kulturalarning harakatchanligi aniqlandi.

Keyingi tadqiqotlarda OM kationlariga o`rta va yuqori rezistent bakteriyalarning biokimyoviy xususiyatlari o`rganildi. Tadqiqot natijalariga ko`ra №5, №14, №21, №2k izolyatlar kraxmalni gidrolizladi; №14, №21, №2k izolyatlari kazeinni girolizlashi hamda №10, №14, №21 izolyatlari esa jelatinni gidrolizlashi bo`yicha ijobiy natija olindi; №5, №10, №2k izolyatlari glyukozali muhitda kislota hosil qilishi kuzatildi.



Saxaroza va Mannozali muhitda faqat №5 izolyat hamda laktozali muhitda esa №10 izolyat kislota hosil qilishi qayd etildi. Tekshirilgan barcha izolyatlarda katalaza fermenti sintezlanishi hamda oksidaza fermenti esa faqatgina №2k izolyatda sintezlanishi aniqlandi. OM kationlariga yuqori rezistent kulturalar morfologik-biokimyoviy xossalari va Maldit-Tof tahlili asosida identifikatsiya qilindi. Tadqiqot natijalariga ko`ra №5 - *Enterobacter cloacae*, №10 - *Bacillus licheniformis*, №14 - *Bacillus atrophaeus*, №21 - *Bacillus atrophaeus* va №2k - *Acinetobacter pittii* turlariga mansubligi aniqlandi. Kelajakda ushbu eng rezistent kulturalar og`ir metal ionlari bilan ifloslangan tuproqlarni bioremidatsiya qilishga mo`ljallangan biopreparatlar yaratish uchun asos bo`ladi.

## **ISSIQLIK DENATURATSIYA HAMDA KATION ALMASHINUV XROMATOGRAFIYA USULLARI YORDAMIDA TUXUM OQIDAN LIZOTSIM OQSILINI TOZALAB OLISH**

Umarova Sh.M.<sup>1,2</sup>, Ermatova H.Y.<sup>1,3</sup>, Muminov M.I.<sup>1</sup>, Abdurahimov A.A.<sup>1,3,4</sup>.

<sup>1</sup>Oliy ta'lim, Fan va Innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Ilg'or texnologiyalar markazi

<sup>2</sup>Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti,

<sup>3</sup>O'zMU huzuridagi Biofizika va Biokimyoy institut

<sup>4</sup>Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti,

shakhnozumarova@gmail.com

Tovuq tuxumi oqi lizotsimga boy bo'lgan mahsulotlardan biri bo'lib, bir qancha sohalarda, jumladan, oziq-ovqat va tibbiyotda keng qo'llaniladi. Tuxum oqi lizotsimi mevalarni saqlashda, go'sht, kolbasa mahsulotlari, ba'zi bir pishloq mahsulotlarini oziq-ovqat patogenlaridan himoyalovchi vosita sifatida ishlatiladi. Chaqaloqlar ozuqasi tarkibiga qo'shilib, ozuqa mahsulotining immun faolligi oshiriladi. Saqichlar tarkibiga esa tishlar chirishini oldini oluvchi vosita sifatida ishlatiladi. Periodontit kasalligini davolashda, antibiotiklarning faolligini oshiruvchi vosita sifatida tabletkalar tarkibiga qo'shilib kelinmoqda. Laboratoriyalarda esa *E.coli* hujayrasining periplazmasini eritish



uchun keng qo'llaniladi. Lizotsim oqsili antibakterial, antiviral va antifungal xususiyatlarga ega bo'lganligi sababli tibbiyot asboblarini mikroblarga qarshi qoplama sifatida ishlatilishi mumkinligini ayrim adabiyotlarda keltirib o'tilgan.

Yuqoridagilarni hisobga olib, tovuq tuxumi oqidan lizotsim oqsilini tozalash protokolini takomillashtirish bo'yicha tadqiqot olib borildi.

Dastlab tuxum oqi ajratib olinib, filtrdan o'tkazildi. 60 mL tuxum oqi 50 mM natriy atsetat pH=5.0 buferi bilan 240 mL bo'lguncha suyultirildi. So'ngra namuna 15 000 x.g tezlikda 4°C da 10 daqiqa sentrifuga qilindi va olingan supernatant 60°C haroratda suv hammomida 30 daqiqa davomida inkubatsiyalandi. So'ngra namuna 20 000 xg tezlikda 4°C da 20 daqiqa davomida sentrifuga qilindi. Olingan supernatant filtr qog'ozidan o'tkazildi.

Oqsillarni tozalab olish maqsadida kation almashinuv xromatografiya usulidan foydalanildi. Kation almashinuv xromatografiyasini amalga oshirish uchun Hiprep SP –Sepharoza 16/10 kolonkasi 5 hajmli bufer A bilan ishlov berildi (Buferning tarkibi 50 mM natriy atsetat pH=5) va namuna Hiprep SP –Sepharoza 16/10 kolonkadan o'tkizildi. Undan tashqari 1M NaCl va 50mM natriy atsetat aralashmasidan iborat B buferi tayyorlandi (pH =5). Shundan so'ng, Sepharoza 16/10 kolonkasi 95:5 nisbatda A va B buferlari aralashmasi yordamida bog'lanmay qolgan oqsillarni tushirib yuborish maqsadida yuvildi. Kolonkaga bog'langan lizotsim oqsili B bufer yordamida elyutsiya qilindi. Olingan namunalarda lizotsim mavjudligini aniqlash uchun agar ozuqa muhitida o'stirilgan indikator *Bacillus subtilis* shtammi koloniyasiga har bir namunadan 10 mkl dan tasir ettirildi. Antimikrob zonaning hosil bo'lishi bilan lizotsimning mavjudligi baholandi. Ajratib olingan oqsil namunalari 15 %li poliakrilamid gel elektroforezida yurgizildi va Coomassie R250 bo'yog'i yordamida bo'yaldi.



Nazorat sifatida toza holatdagi Lysozyme oqsili foydalanildi (1 mg/ml, Sangon Biotech, Xitoy). Namunalarning antimikrob faolligi tekshirilganda dastlabki namunada, 30 daqiqa inkubatsiya namunasida, elutsiya namunasida hamda pozitiv nazoratda bakteriosid zona hosil qildi. Dastlabki va elyutsiya namunalarining hosil qilgan zonasi pozitiv lizotsim zonasi bilan bir xil. Bulardan farqli ravishda manfiy nazorat, bog'lanmagan namuna va 50 mM NaCl bilan yuvilgan namunalarda antimikrob faollik namoyon bo'lmadi. Ushbu natija haqiqatdan ham elutsiya namunasi tarkibida lizotsim oqsili mavjudligini ko'rsatadi. Shuningdek, poliakrilamid gelida tarkibida lizotsim oqsili mavjud bo'lgan elyutsiya namunasida va nazorat sifatida olingan toza holdagi lizotsim oqsillarining molekulyar massalari 15 kDa ga yaqin deyarli bir xil molekulyar massaga ega ekanligi aniqlandi. Bu esa ajratib olingan elyutsiya tarkibida katta extimollik bilan maqsadli oqsil – lizotsim mavjudligini ko'rsatadi. Shuningdek, elutsiya namunasida 40 va 85 kDa oqsil markerlari oralig'ida bir nechta oqsillar mavjud. Adabiyotlarda bu oqsillar ovoalbumin va ovotransferin ekanligi hamda bu oqsillar antimikrob zona hosil qilmasligi adabiyotda keltirilgan. Keyingi tadqiqotlarda elyutsion namuna tarkibidagi bu oqsillardan xalos bo'lish maqsadida xromatografiya jarayonini optimallashtirish rejalashtirildi.

## **OG`IR METALLARGA CHIDAMLI BAKTERIYALAR TOMONIDAN NIKEL VA KADMIY METALLARINING BIOSORBSIYASI**

Usmonqulova A.A

O`zRFA Mikrobiologiya instituti,  
info-microbio@academy.uz

Atrof-muhitni ifloslantiruvchi moddalar orasida nikel (Ni) va kadmiy (Cd) ning ajralishi antropogen faoliyatlar xususan qazilma yoqilg'ilarni yoqish, energiya ishlab chiqarish, tog'-kon, eritish, transport vositalari, maishiy, kommunal va sanoatni utilizatsiya qilish, po'lat ishlab chiqarish va sement sanoati chiqindilarini chiqarish kabi





turli manbalar natijasida yanada tezlashdi. Hozirgi vaqtda oqava suvlardan Ni va Cd ni kamaytirish usullariga kimyoviy cho`ktirish, ion almashinuvi, elektrolitik, elektrokimyoviy tozalash, filtrlash, faollashtirilgan uglerod adsorbsiyasi, erituvchi ekstraksiyasi, membrana ajratish texnologiyasi, biosorbsiya va boshqalar kiradi. Lekin bu usullarning aksariyati narxining qimmatligi, ko`p miqdorda reagent talab etilishi, cheklangan samaradorlik, zaharli ikkilamchi chiqindilarni hosil qilishi kabi muhim kamchiliklarga ega. Ushbu usullar orasida mikroob biosorbsiyasi pH qiymati va harorati diapazoni keng ekanligi, kuchli adsorbsiya qobiliyati va metallni mikrobdan oson ajratilishi, iqtisodiy jihatdan arzon ekanligi, ekologik xavsizligi kabi ko`p afzalliklarga ega.

Yuqoridagi ma`lumotlardan kelib chiqqan holda ushbu tadqiqot davomida og`ir metallar bilan ifloslangan tuproqlardan ajratilgan Cd(II) va Ni(II) ga chidamli *Enterobacter ludwigii*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Bacillus licheniformis* shtammlarining biosorbsiya jarayoniga pH qiymati va temperaturaning ta'siri, biosorbent miqdori va ta`sir etish vaqti tizimli ravishda o'rganildi. Dastlabki pH qiymatlari 1,0-8,0, harorat 10-40 ° C, aloqa vaqti 6,12,24,48,72 soat va hujayra biomassasi 0,5-3,0 g/L miqdorda foydalanildi. Foydalaniladigan eritmalarning dastlabki pH qiymati 0,1M HNO<sub>3</sub> va NaOH bilan o'rnatildi. Turli xil hujayra biomassalari bakterial ozuqaning turli hajmlaridan hujayra ho`l biomassalarini yig'ish orqali qo'llanildi.

Bakteriyalarning og'ir metallarni adsorbsion qobiliyatida pH muhim rol o'ynashi kuzatildi. *Enterobacter ludwigii* shtammida Ni<sup>2+</sup> va Cd<sup>2+</sup> ning biosorbsiyasi pH 1,0 da 147 mg Ni<sup>2+</sup> va 17.6 mg Cd<sup>2+</sup> dan pH 7,0 da 163 mg Ni<sup>2+</sup> va 20.6 mg Cd<sup>2+</sup> gacha barqaror ravishda oshib bordi. Shunga mos ravishda, biosorbsion foiz ham Ni<sup>2+</sup> va Cd<sup>2+</sup> uchun mos ravishda 73,5% va 71,5% dan 81,5% va 83.7% gacha ko'tarildi. pH 7.0 va 8.0 da deyarli teng adsorbsion imkoniyatlarga erishildi.



Bakteriyalar tomonidan garchi  $\text{Ni}^{2+}$  va  $\text{Cd}^{2+}$  adsorbsiyasi uchun 10 dan 20 °C gacha bo'lgan oraliqda sezilarli farq bo'lmasa ham  $\text{Ni}^{2+}$  va  $\text{Cd}^{2+}$  ning biosorbsion sig'implari harorat oshishi bilan ortib bordi. Xususan, yuqori biosorbsion qobiliyatni namoyon etgan *Pseudomonas aeruginosa* shtammida  $\text{Ni}^{2+}$  va  $\text{Cd}^{2+}$  ning biosorbsiyasi 10°C da 139 mg  $\text{Ni}^{2+}$  va 16,4 mg  $\text{Cd}^{2+}$  dan 40°C da 167 mg  $\text{Ni}^{2+}$  va 20.6 mg  $\text{Cd}^{2+}$  gacha barqaror ravishda oshib bordi. Ushbu bakteriyaning biosorbsion foizi ham 10°C va 40°C oralig'ida  $\text{Ni}^{2+}$  va  $\text{Cd}^{2+}$  uchun mos ravishda 69.5% va 66.7% dan 83,5% va 83.7% gacha ortishi kuzatildi.

Biosorbent dozasi biosorbsiyaning hal qiluvchi parametridir. Kutilganidek,  $\text{Ni}^{2+}/\text{Cd}^{2+}$  olib tashlash samaradorligi bakterial biomassa qo'shilishi bilan ortdi (3-jadval), chunki biosorbent miqdori qancha ko'p bo'lsa,  $\text{Ni}^{2+}/\text{Cd}^{2+}$  bilan o'zaro ta'sir qilish uchun ko'proq bog'lanish joylari mavjud bo'ladi. Xususan,  $\text{Ni}^{2+}$  ning eritmadagi kamayish foizi *Pseudomonas aeruginosa* biosorbent sifatida 0,5 g/l va 3.0 gr/l qo'llanilganda 64% dan 83,5% gacha,  $\text{Cd}^{2+}$  ning kamayish foizi esa 51,2% dan 84 % gacha oshishi kuzatildi.

Biosorbsiya jarayoni ko'p jihatdan eksperimental parametrlarga bog'liq bo'lib, pH 6,0 va 40 °C da optimal biosorbsiya kuzatildi. Sorbsiya sig'imi dastlabki metall konsentratsiyasi ortishi bilan kamayadi va adsorbent biomassasining ortishi bilan ortadi. Ushbu mahalliy bakterial shtammlar kelajakda atrof-muhitni ifloslantirmasdan  $\text{Ni}^{2+}$  va  $\text{Cd}^{2+}$  bilan ifloslangan suvlarni tozalash uchun arzon, ekologik toza va samarali biosorbent sifatida ishlatilishi mumkin.



## MAHALLIY SIANOBAKTERIYALARNING TURLI OZUQA MUHITLARIDA BIOMASSA HOSIL QILISHINI ANIQLASH VA OPTIMALLASHTIRISH

Usmonqulova A.A., Aliyev Z.Z., Safarov H.Sh., Boboqulov M.Sh

O`zRFA Mikrobiologiya instituti,  
info-microbio@academy.uz

Sianobakteriyalarning xususiyatlari va imkoniyatlarini qisqacha ko'rib chiqish ularning biotexnologiyaning universal va istiqbolli obyektlar ekanligini ko'rsatadi.

Sianobakteriyalar asosida yaratilgan dorilar murakkab ta'sirga ega va ishlab chiqarish xarajatlari ancha past. Biologik azotni fiksatsiya qilish o'g'itlarni kimyoviy sintez qilishda sarflanadigan energiyani tejashga imkon beradi va sianobakteriyaga asoslangan biologik o'g'itlar nafaqat hosilni ko'paytiradi, balki fitopatogenlarni yo`qotish va ifloslantiruvchi moddalarni zararsizlantirish tuproqni agregat holatini yaxshilaydi.

Ushbu tadqiqot davomida O`zRFA Mikrobiologiya Institutining laboratoriyasi kolleksiyasida saqlanayotgan Qashqadaryo, Namangan va Sirdaryo viloyatlarining sho'rlangan va pestitsid bilan ifloslangan bo`z tuproqlaridan ajratilgan *Nostoc*, *Anabaena* turkumidagi mahalliy sianobakteriyalarning turli mineral ozuqa muhitlarida biomassa hosil qilishi o`rganildi va optimallashtirildi.

Biomassa miqdorini aniqlash uchun 100 ml turli mineral ozuqa muhitlarida (BG-11<sub>0</sub>, Bold, M9) o`sayotgan sianobakteriya shtammlarini 3,7,10 kunlik vaqtda olib, sentrifuga yordamida ularning biomassasi cho`ktirib olindi.. Keyin elektron tarozida cho`kmaga tushgan sianobakteriyalarning ho`l biomassasi o`lchandi. Quruq biomassasini aniqlash uchun ajratib olingan sianobakteriyalar cho`kmasi quritish shkafida 70 °C da 40 min davomida quritildi va elektron tarozida hosil bo`lgan quruq biomassa o`lchandi. BG-11<sub>0</sub> oziqa muhiti: (mas.%) NaNO<sub>3</sub>- 0,15, K<sub>2</sub>HPO<sub>4</sub> -0,004; MgSO<sub>4</sub> × 7H<sub>2</sub>O - 0,0075; CaCl<sub>2</sub> × 2H<sub>2</sub>O -0,0036; Лимонная кислота- 0,0006; Ammoniyli temir sitrat - 0,0006; Na<sub>2</sub> ЭДТА - 0,0001; Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub>0,002; H<sub>3</sub> BO<sub>3</sub>0,286;



$\text{MnCl}_2 \times 4 \text{H}_2\text{O}$  -0,181;  $\text{ZnSO}_4 \times 7\text{H}_2\text{O}$ -0,0222;  $\text{Na}_2\text{MoO}_4 \times 2\text{H}_2\text{O}$ -0,039;  $\text{CuSO}_2 \times 5\text{H}_2\text{O}$ -0,0079;  $\text{Co}(\text{NO}_3)_2 \times 6\text{H}_2\text{O}$ 0,0494. Bold muhiti ( $\text{CaCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ -0.3 gr,  $\text{K}_2\text{HPO}_4$  - 0.48 gr,  $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$  - 3 gr, limon kislota- 2 gr, mikroelementlardan 5 ml). M9 ((Г/Л):  $\text{Na}_2\text{HPO}_4$  – 24,  $\text{KH}_2\text{PO}_4$  – 12,  $\text{NaCl}$  – 2,  $\text{NH}_4\text{Cl}$  – 4, pH –7,2).

Olingan natijalarga ko`ra, BG-11<sub>0</sub> ozuqa muhitida ekilgan o`stirishning 3-kunidagi *Anabaena variabilis* 28 shtamining biomassasi 2,88 gr ni tashkil etsa, M9 ozuqa muhitida o`stirilgan sianobakteriya biomassasi esa 0,94 gr ni hosil qilgan. Bold ozuqa muhitida o`stirilgan *Anabaena variabilis* 28 shtamining biomassasi 1,23 gr ni tashkil etsa, *Nostoc calcicola* 32 sianobakteriya biomassasi esa 0,40 grni hosil qilgan. Bu ko`rsatkichlarni boshqa shtamlarda ham kuzatish mumkin. Masalan, *Nostoc linckia* 7 shtamining biomassasi 0,93 gr ni hosil qilgani aniqlandi.

10 kun davomida turli mineral ozuqa muhitlarida o`stirilgan sianobakteriyalar biomassasi 3 va 7 kun davomida o`stirilgan sianobakteriyalar biomassasidan sezilarli ortganligini kuzatishimiz mumkin. Ayniqsa BG-11<sub>0</sub> ozuqa muhitida o`stirilgan *Anabaena variabilis* 28, *Nostoc calcicola* 32, *Nostoc linckia* 7 shtamlarining biomassasi mos ravishda 7.8, 5.93 va 6.4 gr ni hosil qilgani aniqlandi. Ushbu muhitda yetishtirish biomassaning faol to'planishiga va azot fiksatsiyasi jarayonining kuchayishiga olib keladi.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, sanoat, farmatsevtika va qishloq xo`jaligi uchun foydali va ekologik xavfsiz hisoblangan sianobakteriyalar eng yuqori miqdordagi suspenziyasi va ularning biomassasini 10 kun davomidagi o`stirish vaqtida aniqlandi va eng optimal ozuqa muhiti sifatida BG-11<sub>0</sub> ozuqa muhiti qayd etildi. Ularning asosida yuqori samarali va ekologik toza biog`it va dori vositalarini yaratish uchun diazotrofik sianobakteriyalarning yangi faol shtammlaridan foydalanish ekologik toza qishloq xo`jaligi mahsulotlarini olishning zarur bosqichidir.



## **ARTEMIZININ BIOSINTEZI ASOSIDA TUZILGAN GENETIK KONSTRUKTSIYALARNI AGROBACTERIUM TUMEFACIENS SHTAMMLARIGA KIRITISH**

Raxmanov B.K., Imamxodjayeva A.S., Ubaydullayeva X.A., Usmonov D.E., Sobirov B.M., Mirzaxmedov M.H., Jo'raqulov D.S., Abdug'afforov A.T., Sharifjonov A.A., Allayev O.O', Bo'tayev M.I., Xusanboyeva Sh.R., Shermatov Sh.E., Buriyev Z.T., Abdurahmonov I.Y.

Genomika va Bioinformatika Markazi  
bakhtiyor.rakhmanov@gmail.com

Tabiatda yovvoyi holda o'suvchi bir yillik shuvoq (*Artemisia annua* L.) o'simligi dunyoda eng qirg'in keltiruvchi kasalliklardan biri bezgakka qarshi yagona tabiiy vosita hisoblanadi. Jahon Sog'liqni Saqlash Tashkiloti tomonidan ushbu modda asosidagi maxsus preparatlar qo'llash orqali global bezgakka qarshi kurashish uchun tadbirlar va tavsiyalar ishlab chiqilgan. Artemizinin moddasini shuvoq o'simligi tarkibidan kam miqdordan ajratib olinishi va ushbu moddaga muhtoj bemorlarni qimmat bo'lmagan narxda va doimiy ta'minlash ushbu sohadagi asosiy muammolardan hisoblanadi. Shu sababli dunyo olimlari tomonidan artemizinin moddasini metabolom va gen muxandisligi yordamida begona, ya'ni aslida ushbu moddani ishlab chiqarish xususiyatiga tabiiy ega bo'lmagan o'simliklarda amalga oshirish bo'yicha tadqiqotlar olib borilmoqda.

Xususan, bizning tadqiqotlarimiz maqsadi gen muxandisligi va biotexnologiya usullari yordamida artemizinin sinteziga aloqador genlar asosida genetik konstruktsiyalar tuzish va ular yordamida transformant o'simliklarda artemizinin sintezini ta'minlash hisoblanadi.

Tadqiqotlarimizning birinchi va ahamiyatli bosqichida biz *Artemisia* o'simligida artemizinin va unga aloqador moddalarning ishlab chiqarilishida ishtirok etuvchi genlar asosida va bioinformatik dasturlar yordamida tuzilgan genetik konstruktsiyalarni *E.coli* va *A. tumefaciens* bakteriyalari shtammlarida klonlandi.



Tadqiqotimizning navbatdagi bosqichlarida o'simlik eksplantlarini tanlash va genetik konstruktsiyalarni o'simlikka kiritish jarayonlarini va sun'iy ozuqa muhitlarini optimallashtirish tajribalarini amalga oshirish rejalangan.

## **CARBON NANOTUBE–MEDIATED DNA DELIVERY IN MATURE PLANTS**

Allaev O.U., Usmonov D.E., Butaev M.I., Sharifjonov A.A., Sobirov B.M.,  
Mirvositov M.M.

Centre of Genomics and Bioinformatics  
otabekallaevbio@gmail.com

Nanomaterials have been engineered for tracking or delivery purposes in medical and biological research that have gained considerable interest in recent years. The advantageous engineering of nanomaterials of different sizes and shapes with unique physical and chemical properties have brought to implement a wide range of applications in medicine, environmental science, agriculture and food processing.

Delivery of molecules into plant cells is more challenging due to the structural composition of the plant wall, which is primarily composed of cross-linked polysaccharides. The difficulty of transportation of DNA, RNA, or protein through the rigid cell wall, exclusion of molecules larger than ~20nm, and problem with efficiency of plant regeneration technologies lead to limitations of genetic transformation in plant.

Currently, delivery biomolecules into plant cells depend on two well-established DNA transportation methods: Agrobacterium and biolistic. However, these methods suffer from the above obstacles as well as low delivery efficiencies, tissue injury, or uncontrolled DNA integration into the plant genome.

Compared to Agrobacterium-mediated gene delivery, it is now feasible to deliver the plasmid DNA (pDNA) into intact plant cells doing without external force or aid with nanomaterials including CNTs, mesoporous silica NPs (MSNs), layered double hydroxide clay nanosheets, and fusion peptide–based nanomaterials. Among these



approaches, SWNTs show number of properties that are desirable for intact plant cell delivery: (i) because of being wrapped around SWNTs by glycerolipids, they interact with the membrane. To make more clearly, a lipid exchange envelope penetration (LEEP) model helping explain how nanotubes penetrate the double lipid layer of plant cells (ii) biocompatibility, and (iii) also biodegradability. Modified SWNTs surface with PEI which have positive charges interact electrostatically with the negatively charged pDNA or siRNA. This surface modification is able to protect a genetic material against the nucleases degradation and retain its functionality until it reaches the target cell nucleus or the cytosol. The SWNT-based delivery gene enables DNA plasmid delivery with no integration of transgene in plants efficiently. Therefore, SWNTs are a favorable materials carrying pDNA into intact plants. This method can be great solution of number of problems in the resistance of the abiotic factors and the expression without integration transgene in plant.

We will use SWCT-mediated DNA delivery for wheat (*T. aestivum*) to achieve high resistance to salt, water deficiency and diseases. Currently, we are investigating the number of research in delivery of certain genes for wheat.

### **APPLICATIONS OF NANOTECHNOLOGY IN COTTON (*GOSSYPIMUM HIRSUTUM* L.) GROWTH AND CROP PRODUCTION**

Butaev I.M.<sup>1 2</sup>, Usmanov D.E.<sup>1</sup>, Allaev O.U.<sup>1 2</sup>, Sharifjonov A.A.<sup>1 2</sup>, Sobirov B.M.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Centre of Genomics and Bioinformatics

<sup>2</sup>National University of Uzbekistan  
madiyorib@gmail.com

Globally, climate change is leading to various problems in agriculture, including salinity, water scarcity, and the emergence of pests and diseases. Cotton is an important crop in Uzbekistan, but soil salinity and water shortage affect its fiber productivity and product quality. The development of cotton plants resistant to abiotic factors has



become a critical issue. The use of nanoparticles through innovative biotechnology methods provides a promising approach to enhance crop productivity and confer resistance against emerging environmental stressors. A novel method of gene transformation using nanoparticles has been developed, which enables the accurate transfer of RNA or DNA into plants. This approach overcomes the barrier presented by the plant cell wall and represents a new technique for transformation.

Nanobiotechnology based on magnets, carbon NTs with PEI (Polyethyleneimine) and other nanoparticles can promote efficient gene expression in the genetic engineering of transgenic plants. *Agrobacterium* mediated transformation and gene modification are widely used methods, but *Agrobacterium* is host-specific, and gene guns have the potential to harm plant tissue. *Agrobacterium tumefaciens* mediated transformation is laborious and time-consuming. Currently, gene transformation by nanoparticles is widely used in animal cells, but its implementation in plants has rarely been used.

Nanoparticles are usually 1-200 nm in size (magnetic particles are 200 nm, and single-walled carbon particles are around 1-10 nm). Fragments of DNA, interfering and micro-RNA can easily pass to the leaf and protoplast through spraying, soil, and infiltration.

Nanobiotechnology approaches deliver micro and macro materials to plants or introduce them into plant cells. For instance, when applied to cotton under salt stress, multi-walled carbon nanotubes (MWCNTs) with magnesium oxide (MgO) dramatically enhanced cotton production by 42.2% compared to the standard control. The growth of *Gossypium h.* in saline under the impact of cerium oxide nanoparticles on the surface of Hoagland salted with 200mM NaCl and poly (acrylic acid) has been determined.





However, little research has been conducted on gene transformation mechanisms. Our study aims to test RNAi and CRISPR/Cas9 vector constructs for cotton plants with the help of nanoparticles and to obtain new varieties resistant to abiotic factors.

**ВЛИЯНИЕ ЭКСПЛАНТА НА ТИП МИКРОКЛОНАЛЬНОГО  
РАЗМНОЖЕНИЯ ДВУХ ВИДОВ *UNGERNIA BUNGE* (*U. SEWERTZOWII*  
(REGEL) B.FEDTSCH. И *U. VICTORIS* VVED. EX ARTJUSH.)**

Х.К. Жураева, Ф.У. Мустафина

Институт ботаники Академии наук Республики Узбекистан г  
jurayevahanifa@gmail.com

Основные направления развития биотехнологии растений охватывают широкий круг задач, в том числе, ускоренного производства высококачественного посадочного материала сельскохозяйственных, лесных и декоративных культур, а также получения возобновляемого растительного лекарственного сырья и биологически активных веществ (БАВ) растительного происхождения для современной медицины и фармацевтики, сохранение генетических ресурсов растений посредством создания *in vitro* банка культуры тканей и клеток. В Институте ботаники Академии наук Республики Узбекистан в рамках проекта А-ФА-2021-146 «Создание технологии организации и размножения лекарственных растений методом *in vitro*» проводятся исследования по разработке технологии микроклонального размножения перспективных лекарственных растений двух видов рода *Ungernia* Bunge (Amaryllidaceae J.St.-Hil.): *U. sewertzowii* (Regel) B.Fedtsch. и *U. victoris* Vved. ex Artjush. с целью дальнейшей интродукции на плантациях фармацевтических кластеров лекарственных растений. Оба вида являются краснокнижными и востребованы фармацевтическими компаниями.



*U. sewertzowii*. Многолетник. Эндемичное среднеазиатское растение, распространенное в Ташкентской области и в Южном Казахстане (рис. 1). Унгерния Северцова издавна применялась в народной медицине Узбекистана. Печеные луковицы унгернии использовались в качестве ранозаживляющего средства, их прикладывали также к фурункулам для очищения от гноя. В настоящее время в медицине употребляют ликорина гидрохлорид как отхаркивающее средство при хронических и острых воспалительных процессах в легких и бронхах и при бронхиальной астме [1-3].

*U. victoris*. Многолетник. Эндемичное растение, распространенное на Гиссарском хребте и его южных отрогах (рис. 2). Применяют галантамина гидробромид при миастении, прогрессивной мышечной дистрофии, двигательных и тактильных нарушениях, связанных с невритами, полиневритами, радикулитами [4, 5].

В качестве эксплантов в данной работе были использованы семена (части проросшего семени и интактные зародыши), чешуйки и донца луковиц, а также корни луковиц.

Проведенные нами исследования по анализу роли отобранного типа экспланта на протекание процесса микроклонального размножения у двух видов рода *Ungernia*, *U. sewertzowii* (Regel) B.Fedtsch. и *U. victoris* Vved. ex Artjush. Показали, что (1) тип экспланта в значительной степени определяет тип микроклонального размножения видов; (2) базальная часть луковичек характеризуется наивысшей регенерационной способностью. Использование нижней 2/3 часть луковичек позволяло инициировать каллусогенез и эмбриогенез; (3) для *U. sewertzowii* и *U. victoris* основными формами морфогенного ответа в культуре ткани при использовании луковичных чешуй в качестве эксплантов являются каллусогенез и эмбриогенез. При этом

морфогенный ответ зависит в большей степени от типа питательной среды: на питательной среде Мурасиге и Скуга (1962) в основном наблюдается каллусогенез, на питательной среде по прописи Воллосовича (1979) наблюдались каллусогенез и эмбриогенез; (4) концентрации и тип фитогормонов, используемые при введении в культуру двух исследованных видов *Ungernia*, являются видоспецифичными; (5) для *U. sewertzowii* и *U. victoris* основными формами морфогенного ответа в культуре ткани при использовании частей проросшего семени (гипокотилля и корешка) в качестве эксплантов являются органогенез. При этом формирование микролуковичек, а также развитие корешков зависит в большей степени от типа и концентрации фитогормонов.

Данная работа выполнена в рамках проекта А-ФА-2021-146 «Создание технологии организации и размножения лекарственных растений методом *in vitro*» Института ботаники Академии наук Республики Узбекистан.



Рис. 1. *Ungernia sewertzowii*. А. Взрослое растение. Западный Тянь-Шань, Большой Чимган, Аксарсай. 06.05.2022. Фото Мустафина Ф.У. Б. Растение в фазе плодоношения. Западный Тянь-Шань, Большой Чимган, река Аксай. Фото Д.Э. Турдиев



Рисунок 2 *Ungernia victoris* A. A. Взрослое растение. Гиссарский хребет, Совукбулок. 28.03.2022. Фото Турдиев Д.Э. Б. Растение в фазе цветения. Фото Д.Э.

## **RAHNELLA AQUATILIS РИЗОБАКТЕРИЯЛАР ВА TRICHODERMA HARZIANUM ЗАМБУРУҒЛАРИ ШТАММЛАРИНИНГ НОРДОН ФОСФАТАЗА ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Шакиров З.С.<sup>1</sup>, Якубов И.Т.<sup>1,2</sup>, Хайруллаев А.Х.<sup>1</sup>, Мардонов И.Х.<sup>1</sup>, Karimov H.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Микробиология институти

<sup>2</sup>Ўзбекистон Миллий университети

zsshakirov@gmail.com

Фосфатазалар ўзига хослик ва оптимал рН каби мезонларга асосланиб, уларни бир нечта оилаларга ажратиш мумкин, улардан бири бактериялар ўзига хос бўлмаган кислота фосфогидролазалар ёки фосфатазалар (NSAP лар) оиласидир.

Мазкур фосфатазалар физиологик жиҳатдан муҳим деб ҳисобланади, чунки улар ҳужайрадан цитоплазматик мембранани кесиб ўтолмайдиган органик фосфоэфирлардан фойдаланишга ёрдам беради. Улар тупроқдаги органик фосфор тутган моддаларни парчалаб, ўсимликларни фосфорни ўзлаштиришини осонлаштиради. *Rahnella* бактериялари ва *Trichoderma* замбуруғлари нордон фосфатазалари жуда кам ўрганилган.



Ишнинг мақсади *Rahnella* бактериялари ва *Trichoderma* замбуруғлари нордон фосфатазалари аммоний сульфат тузи ёрдамида тозалаш ва уларнинг баъзи каталитик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

*Rahnella aquatilis* бактериясининг 7 та маҳаллий штаммидан № 16 ва № 17 штаммлари (118 ва 95 мкМ/мин/мг) энг юқори фаолликга эгаллиги кўрсатилди. Қолган штаммларнинг НФ фаолликлари энг юқори штаммлар каталитик фаоллигига нисбатан 38-83 фоизни ташкил этди. *Trichoderma harzianum* № 2 штамми культурал суяқлигида (137 мкМ/мин/мг) энг юқори фаолликга эгаллиги кўрсатилди. Қолган 6 та штаммларнинг нордон фосфатаза фаолликлари энг юқори штаммлар каталитик фаоллигига нисбатан 27-63 фоизни ташкил этди.

*Rahnella aquatilis* N 16 штамми томонидан ишлаб чиқарилган нордон фосфатазасини аммоний сульфат тузи ёрдамида қисман тозалаш натижасида 100 мл культурал суяқликдан 0,99 мг оқсил ажратиб олинди. Шу босқичда нордон фосфатаза ферментининг нисбий фаоллиги 118 мкМ/мин/мг дан 666 мкМ/мин/мг гача ошди. Шу билан бирга, ферментнинг умумий фаоллигини 54,2 фоизи қайтариб олинди.

*Trichoderma harzianum* N 2 замбуруғининг штамми учун эса нордон фосфатазасини қисман тозалаш натижасида 100 мл культурал суяқликдан 0,53 мг умумий оқсил моддалари ажратиб олинди. Натижада, нордон фосфатаза ферментининг нисбий фаоллиги 137 мкМ/мин/мг дан 606 мкМ/мин/мг гача ошди. Замбуруғ нордон фосфатазасининг умумий фаоллигини 18,22 фоизи қайтариб олинди.

*Rahnella aquatilis* № 16 ва штаммларининг нордон фосфатаза препаратлари фаолликларини рН муҳитига боғлиқлигини ўрганиш иккала фосфатаза ҳам кенг рН ораллиғида фаоллик кўрсатди (рН 4,5 – 6,0). Энг юқори фаоллик *Rahnella aquatilis* № 16 ферменти учун рН 5,5-6,0 ва *Trichoderma harzianum* № 2 ферменти



учун рН 5,0-5,5 да қайд этилди.

Иккала нордон фосфатаза ферментлари реакция муҳитининг рН и 4, 7 ва 8 тенг қийматларида фаоллик деярли намоён этмади.

Бактерия ва замбуруғ штамларининг нордон фосфатаза препаратлари фаолликларини реакция муҳити ҳароратига боғлиқлигини ўрганиш *Rahnella aquatilis* № 16 ферменти учун энг юқори фаоллик ҳарорат 40-45°C бўлганда ва *Trichoderma harzianum* № 2 ферменти учун эса кенг ораликда 40°C дан 60°C гача бўлган ҳароратда қайд этилди.

Иккала нордон фосфатазаларни ҳароратга чидамлигини аниқлаш учун фермент эритмалари турли ҳароратларда 10 минут давомида инкубацияланди ва ферментларнинг нисбий фаоллиги аниқланди. Олинган натижалар *Trichoderma* замбуруғи штамми нордон фосфатазаси *Rahnella* бактерияси штамми ферментига қараганда ҳароратга бир оз юқори чидамликга эга эканлиги кўрсатилди. Иккала фермент ҳам 80°C ҳароратда 15-20 фоиз фаоллигини сақлаб қолиши кўрсатилди. Олинган натижалар ризобактерия ва замбуруғ нордон фосфатазалари қисман тозаланган фермент препаратлари юқори каталик фаолликларга ва ҳароратга чидамли эканлигини кўрсатди.



## **РИЗОБАКТЕРИЯ ШТАММЛАРИНИНГ БУҒДОЙ ФУЗАРИОЗИГА НИСБАТАН АНТАГОНИСТЛАРНИ СКРИНИНГ ҚИЛИШ**

Закирьяева С.И.<sup>1</sup>, Хомиджонова С.Б.<sup>2</sup>, Атаджанова Ш.Ш.<sup>1</sup>, Нормуродова Қ.Т.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Микробиология институти

<sup>2</sup>Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

szakiryayeva@gmail.com

Ҳозирги кунда, ўсимликларни биологик ҳимоя қилишда биологик моддалардан фойдаланишни ва микроорганизмларнинг тирик культуралари асосидаги биологик препаратларни қўллашни ўз ичига олади. Шу билан бирга, биологик препаратларни қишлоқ хўжалиги соҳасида турли мақсадларда қўллаш мумкин: ўсимликларни фитопатогенлардан ҳимоя қилиш, уруғларнинг униб чиқиши ва ўсишини жадаллантириш, ўсимликларнинг озикланишини яхшилаш, компостлар тайёрлаш, ўсимлик илдизларининг чиритувчи патогенларини ингиберлаш ва ҳакоза. Жумладан, бир қатор тадқиқот ишларида ўсимликларнинг фузариоз касалликларига қарши курашда микроорганизмларнинг тирик культураларидан фойдаланиш келтирилган. Маълумки, патогенларнинг тажовузкор ирқлари қулай шароитларда жадал кўпайиш хусусиятига эга, аммо ноқулай экологик шароитларга нисбатан камроқ чидамли. Фузариум авлодига мансуб замбуруғ турлари тупроқда яшовчи факультатив паразитлар бўлиб, улар узоқ вақт давомида сапрофит ҳаёт кечириши ва қулай шароитларда ўсимликда касаллик келтириб чиқариши мумкин, шунинг учун тажовузкор ирқларга қарши курашда антагонистлар асосидаги биологик препаратларни яратиш ва қўллаш долзарб ҳисобланади.

Шу муносабат билан, ишимизнинг мақсади маҳаллий фосфат ва калий мобилизацияловчи ризобактерия штаммларини буғдой фузариозларига нисбатан антагонистларни скрининг қилишдан иборат.



*Rahnella*, *Bacillus*, *Enterobacter*, *Pseudomonas* ва *Pantoea* авлодларига мансуб фаол фосфат ва калий мобилизацияловчи ризобактерия штаммларининг *Fusarium graminearum*, *F. oxysporum*, *F. tricinctum* ва *F. avenaceum* фитопатоген замбуруғларига нисбатан антагонистик ва антифунгал фаолликлари ўрганилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, ўрганилган барча фосфор ва калий парчаловчи ризобактерия штаммлари буғдой фузариозларига нисбатан турли даражада антагонистик фаолликни намоён қилиши аниқланди. *Paenibasillus dendritiformis* 25 штамми барча ўрганилган буғдой фитопатогенларига нисбатан антагонистик фаолликни (50-80%) намоён қилиши кузатилди. *Bacillus cereus* 22 ва *Pseudomonas kilonensis* 24 штаммлари *F. graminearum* ва *F. tricinctum* фитопатоген замбуруғларига нисбатан юқори фаолликни, яъни фитопатогенларни ўсишини 80-100% га ингибирлашини кўрсатди. *Rahnella aquatilis* 10 ва *R. aquatilis* 14 штаммлари фақат *F. graminearum* фитопатогенига нисбатан юқори антагонистик фаолликни (100%) намоён қилди. *R. aquatilis* 17, *Enterobacter cloacae* 7 ва *E. Cloacae* 18 штаммлари *F. graminearum* фитопатогенининг ўсишини 90% га ингибирлади. *B. megaterium* 29 штамми *F. graminearum* ва *F. avenaceum* фитопатогенларига нисбатан фаоллиги мос равишда 80% ни ташкил қилди. Қолган ризобактерия культуралари ўрганилган буғдой фитопатоген замбуруғларига нисбатан паст антагонистик фаолликни намоён қилди ва уларнинг ўсишини 20% дан 70% гача ингибирлаши аниқланди.

Шундай қилиб, маҳаллий фосфор ва калий парчаловчи ризосфера бактерияларнинг буғдой фузариозига нисбатан антагонистларни скрининг қилиш натижасида, юқори антагонистик фаолликни намоён қилган *B. cereus* 23, *P. kilonensis* 24, *Paenibasillus dendritiformis* 25, *R. aquatilis* 10, *R. aquatilis* 14, *E. clocae* 7 ва *B. megaterium* 29 штаммлари кегуси тадқиқотлар учун танлаб олинди. Ушбу





танлаб олинган антагонистлар биофунгицидлар яратиш учун асос бўлиши мумкин.

## **SOMATIC EMBRYOGENESIS TECHNOLOGY IN COTTON (*GOSSYPIMUM HIRSUTUM* L.)**

Babadjanova F.I., Ubaydullaeva X.A., Ayubov M.S., Rakhmanov B.K., Bolkiev A.A., Abdullaev S.A., Eshmurzaev J.B., Kushakov Sh.O., Abdullaev A.N., Buriev Z.T.

Center of Genomics and Bioinformatics  
missxiva@mail.ru

Cotton is one of the most important fiber crops. Since it is very sensitive to biotic and abiotic factors, it requires intensive farming. Although traditional seed breeding programs have been developed, the development of genetic diversity is necessary for the sustainable improvement of agronomic traits. The process of somatic embryogenesis, leading to the formation of a whole plant from one cell, is an important step in the genetic transformation of any plant. Somatic embryogenesis and plant regeneration have been studied in many crop species (Evans and Sharp, 1981). For the first time, somatic embryogenesis was carried out in cotton (*Gossypium klotzchianum*) in 1979, but no complete plant regenerants were obtained (Price and Smith, 1979). In *G. hirsutum*, regenerants were first obtained from Coker 310 by somatic embryogenesis (Davidonis and Hamilton, 1983). The embryo is an important stage in the life cycle of higher plants. The genetic transformation of many types of agricultural crops, including cotton, is mainly carried out by in vitro plant regeneration methods by tissue culture. An in vitro regeneration system based on somatic embryogenesis produces single-celled somatic embryos. This method has been used to transform various types of cotton. (Ganesan et al., 2006; Kouakou et al., 2007; Wang et al., 2008; Wu et al., 2009).

The goal of our research is to implement the process of somatic embryogenesis, which is considered an important stage in the process of genetic transformation in



cotton. Regenerative plants obtained by somatic embryogenesis maintain stability in the process of passing genetic information from generation to generation. Our studies were carried out in the Laboratory of Transgenomics and Tissue Culture of the Center for Genomics and Bioinformatics. We selected Coker 312 variety of *G. hirsutum* species as the initial starting material. The seeds were selected for cultivation on agar medium. Sorted seeds were sterilized with desterilized water and 70% ethyl alcohol. Sterilized seeds were planted on agar medium and grown for two weeks. The leaves and root parts of the grown cotton plants were removed and the hypocotyl was cut into 1 cm lengths and placed in a medium containing auxin and cytokinins. During 8-9 weeks, the cultured callus tissues were transplanted to new media for 3-4 months in R5 (MS - 4.34 g/L, Hamburg vitamin - 1 ml/L, 0.75 mg/L MgCl<sub>2</sub>) medium and somatic embryos appeared. Embryoids were transplanted into nutrient media with specific micro and macro elements. Somatic embryos became plants after 4-5 times of subculturing in nutrient medium. Regenerant plants with formed leaves, stems and roots were obtained. The obtained research results serve as a basis for our further research, in the implementation of the process of genetic transformation of cotton.

### **SOYADA AGROBACTERIUM TUMEFACIENS VOSITASIDAGI TRASNFORMATSIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISH.**

Yusupov A.N., Ayubov M.S., Xatamov D.G'., Mamajonov B.O., Obidov Z.H.,  
Murodov A.A

Genomika va bioinformatika markazi  
yusupova0107@gmail.com

Soya (*Glycine max* L.) tarkibida ko'p miqdorda oqsil va yog' bo'lgan muhim dukkakli ekin bo'lib, oziq-ovqat va sanoat maqsadlarida keng yetishtiriladi. Urug'larida ko'plab to'yinmagan yog'li kislotalar, vitaminlar va minerallar mavjud. Makroelementlar va minerallar manbai bo'lishdan tashqari, soya dukkaklari tarkibida



izoflavonlar, saponinlar, oligosaxaridlar, goitrogenlar va fitoestrogenlar kabi ikkilamchi metabolitlarni saqlaydi.

Genetik o'zgartirilgan ekin sifatida transgen soya o'zining ozuqaviy, shuningdek, sanoat va farmatsevtikada qo'llanilishi tufayli dunyodagi eng katta o'rinni egallaydi. Samarali transformatsiya genetik o'zgartirilgan soyani yaxshilashning asosiy omilidir. Bugungi kunda ko'pgina tadqiqotchilar tomonidan soyada transformatsiyaning ikkita usuli qo'llaniladi. Ulardan biri embrionogen to'qimalarni DNK bilan qoplangan inert material zarralari bilan bombardimon qilish bo'lib, u ko'p mablag' talab qiladi. Ikkinchi eng kent tarqalgan, nisbatan arzon usul esa embrion o'qi, yetilmagan urug' kurtaklar yoki yangi unib chiqqan ko'chatlarning urug'kurtak to'qimalari kabi o'simlik to'qimalarini *Agrobacterium tumefaciens* L. vositachiligida transformatsiya qilishni o'z ichiga oladi. Hozirgacha soyada Agrobakteriya vositasida transformatsiya usuli bo'yicha bir qancha tadqiqot ishlari e'lon qilingan. Transformatsiya samaradorligini oshirish uchun usullarni takomillashtirish bo'yicha tadqiqotlar yillar davomida faol ravishda olib borilmoqda. Biroq, soya transformatsiyasi chastotasini yaxshilash uchun qo'shimcha tadqiqotlar talab etiladi.

Bizning tadqiqotlarimiz natijasida *Agrobacterium* vositasidagi soya transformatsiyasining samoradorligi oshganligi kuzatildi. Xususan, kurtaklarni shakillantiruvchi ozuqa muhitiga 1.1mg/L kinetin qo'shilishi kurtaklar hosil bo'lishini, kurtaklarni o'stiruvchi ozuqa muhitida 100 mg/L L-asparagin hamda 100 mg/L L-pyroglyutamin kislotalarini birgalikda qo'llanilishi esa cho'zilish chostatasini oshishiga olib kelganligi kuzatildi. Bu esa transgen soya olish muddatini 10 kungacha qisqartirdi.



## ҒЎЗА РИЗОСФЕРА БАКТЕРИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҒЎЗАНИ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА УНИБ ЧИҚИШИГА ТАЪСИРИ

Шербекова Н.А.<sup>1,2</sup>, Закирьяева С.И.<sup>1</sup>, Атаджанова Ш.Ш.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Микробиология институти

<sup>2</sup>Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
szakiryaeva@gmail.com

Дунё аҳолиси сони ортиб бориши билан биргаликда, сифатли озиқ-овқат ва сифатли кийим-кечак маҳсулотига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Ғўза ўсимлиги дунё бўйича жуда кўплаб мамлакатларда етиштирилади. Пахта толаси муҳим табиий тўқимачилик толаси бўлиб хизмат қилади, пахта чигити эса озиқ-овқат ва мойнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади.

Урбанизация ва саноатлашувнинг кучайиши натижасида атроф-муҳитга таҳдидлар кучайиб, бир томондан қишлоқ хўжалиги ерларининг қисқаришига олиб келса, иккинчи томондан, экинлар ўсишининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Бундай ҳолатда ўсимликларни симбиотик ва фойдали ризобактерия микроорганизмлари билан ўзаро муносабати ўсимликларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга, яъни уларни тегишли озиқ, ҳамда регуляторлар билан таъминлайди ва патоген микроорганизмлардан ҳимоя қилиб, стресс шароитларга мослаштиради. Жуда кўп ҳолларда ҳайдалма қатламнинг сифатли тавсифи тупроқ микрофлорасининг фаоллигини аниқлаши, ҳеч кимга сир эмас.

Шу сабабли, тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида Сирдарё вилоятининг шўрланган тупроқларда етиштирилган ғўза ризосфераси бактерияларининг хилма-хиллигини ва уларнинг ғўзани ўртача ва кучли шўрланган тупроқларда униб чиқишига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот мобайнида Сирдарё вилояти Гулистон туманидан баҳор, ёз ва куз мавсумларида ғўза ризосферасининг биохилма-хиллиги ўрганилди ва 30 дан



ортиқ ризобактерия изолятлари ажратилди. Баҳорги мавсумда 15 та культура, ёзги мавсумдан 10 та ва кузги мавсумда эса 12 та культура ажратилди.

Ушбу культураларнинг морфо-культурал хусусиятлари ўрганилди ва МАЛДИ ТОФ масс-спектрометрия усули ёрдамида идентификация қилинди. Натижада ажратилган ризобактерия культуралар *Enterobacter cloacae*, *Bacillus cereus*, *B. simplex*, *B. megaterium*, *B. wakoensis*, *B. endophyticus*, *B. subtilis*, *Pseudomonas chlororaphis* ва *Lactobacillus malefermentans* турларига мансуб эканлиги аниқланди. Ғўза ризосферасининг биохилма-хиллигини ўрганиш натижасида, баҳорда аммонификатор бактерияларининг миқдори  $2,5 \times 10^7$  КХБ/г, ёзда –  $1,0 \times 10^8$  КХБ/г, кузда эса –  $1,9 \times 10^9$  КХБ/г ни ташкил қилганлиги аниқланди. Ёзги ва кузги мавсумларда *Bacillus* авлодига мансуб турлар доминант турлар сифатида кўп учраши кузатилди.

Ажратиб олинган культураларнинг “Комолот” нави ғўза чигитларининг униб чиқишига таъсири лаборатория шароитида ўртача ва кучли шўрланган тупроқларда ўрганилди. Натижада *Bacillus cereus* 1XR ва *E. cloacae* 11XR культуралари билан инокуляция қилиб экилган чигитларнинг унувчанлиги (100%) ўртача шўрланган тупроқларда назоратга (90%) нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди. Кучли шўрланган тупроқларда эса ризобактерия *B. wakoensis* 8XR, *E. cloacae* 11XR, *L. malefermentans* 7XR ва *B. endophyticus* 35XR культуралари билан инокуляция қилиб экилган чигитларнинг унувчанлиги 60-50% ни, назоратда - 30% ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, ғўза ризосферасининг биохилма-хиллигини ўрганиш натижасида, баҳор, ёз ва куз мавсумларда 30 дан ортиқ культура ажратилди ва уларнинг тур мансублиги аниқланди. Ажратиб олинган культураларнинг ғўза чигитларининг униб чиқишига таъсири ўртача ва кучли шўрланган тупроқларда ўрганилди ва фаол культуралар танлаб олинди.



## ПОЛИМЕРАЗА ЗАНЖИР РЕАКЦИЯСИ УСУЛИ ЁРДАМИДА МИЕЛОЛЕЙКОЗ КАСАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Кадирова З.А., Хожиева Д.К.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети,  
Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти,  
zukhra\_abrarovna7@mail.ru

Охирги йилларда онкологик касалликларнинг тарқалиши кўпаймоқда. Бунга асосий сабаблар климатик шароитларнинг ўзгариши, атроф-муҳитни ифлосланиши, озон қатламининг парчаланиши, радиоактив моддалар ва нурларнинг таъсири, қишлоқ хўжалигида кимёвий кимёвий материаллар ва пестицидларнинг ишлатилишидир. Онкологик касалликлар муаммоси инсоният учун мураккаблиги, муҳимлиги ва хавфлилиги жиҳатидан энг марказий ўринда туради. Бу касалликдан ер юзида ҳар йили миллионлаб инсонлар ҳаётдан кўз юмадилар.

Миелолейкоз (оққон) мураккаб касаллик бўлиб, бутун дунёда ривожланган давлатларда ҳам, қолоқ давлатларда ҳам учрайди. Касаллик келиб чиқишининг аниқ сабаблари ҳали тиббиётга номаълум, бироқ касалликда вирусли, эндоген, кимёвий омиллар ва радиоактив нурлар, интоксикация ҳолатлари, кимёвий омиллар, генетик бузилишлар, гормонлар балансининг бузилиши ва вирусли касалликларга кўп чалинишлар сабаб бўлиши мумкин. Ушбу касаллик ёш болаларда, аёлларда, эркакларда ва қарияларда ҳам учраши мумкин. Илгари лейкоз касаллигини самарали даволаш усуллари ҳали у қадар ўрганилмаган эди, ҳозирги кунда даволаниши мумкин бўлган касалликлар рўйхатига кирмоқда, шунингдек, касалликни енгувчи даво муолажалари йўлга қўйилган.

Миелолейкоз касаллиги симптомлари дастлаб сезилмаслиги мумкин. Асосан қон таркибида ўзгаришлар кузатилади, бунда нормо-, эритро – ва



мегалобластлар кўпайиб кетади. Периферик қонда анемия, тромбоцитлар миқдорининг камайиб кетиши лейкограммадаги ўзгаришлар, қон яратилишининг тўсатдан тўхташи ва ҳоказолар кузатилади.

Миелолейкоз касаллигида қон таркибининг микроскопик диагностикасида одатда умумий қон таҳлили текшируви қўлланилади. Бу таҳлил орқали қон шакли элементларининг миқдорини ва сифат кўрсаткичи ўрганилади. Гемоглобинни текшириш энг муҳим ва асосий лаборатория текширувларидан бири ҳисобланади. Эритроцитларнинг сони ва улар морфологиясидаги патологик ўзгаришлар муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, касалликни диагностик ва прогностик аниқлашга имкон беради. Шунингдек, қон таҳлилида лейкоцитлар миқдорининг ортиши ва нейтрофиллар сонининг камайиб кетиши, лимфоцитлар, тромбоцитлардаги ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миелолейкоз касаллигини аниқлашнинг замонавий усуллари самарали йўлга қўйилган, шунингдек, ушбу касалликни янада мукамал ўрганиш, ўз вақтида аниқлаш ва тўғри даволаш борасида турли хил илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бунда дастлабки қон таҳлиллари ўтказилганидан сўнг, “АмплиСенс” реагентлар тўпламидан фойдаланган ҳолда bcr-abl (вариант М-bcr) химер генидан ва abl генидан мРНК ни ажратиш ва миқдорини аниқлаш полимераза занжир реакцияси ўтказилади. ПЗР ни амалга ошириш учун дастлаб клиник материалдаги bcr-abl генини мРНК дан ажратиб олиш муҳимдир. Бунинг учун периферик қон хужайраларидан ёки суяк кўмигидан мРНК ни экстракция қилинади (Хомчинский усули бўйича). Кейин тескари транскрипция реакцияси ўтказилади, икки олигонуклеотид аралашмаси билан амплификация жараёни ўтказилади. Амплификация маҳсулотларини назорат қилиш, яъни детекция қилиш “реал вақт” режимида амалга оширилади, bcr-abl кДНК амплификация натижасини флуоресцент канали



орқали қайд этилади. Эндоген ички назорат таҳлилининг асосий босқичлари РНКни ажратиш, транспортировка қилиш, сақлаш, изоляция қилиш, РНКнинг тескари транскрипсия реакцияси ва тўғридан-тўғри кДНКни кучайтириш, назорат қилишдан иборат бўлиб, *bcr-abl* химер генидаги мРНК миқдорини аниқ ҳисоблаш имконини беради.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ ЗОНАЛАРИДА СОЯ ЕТИШТИРИЛГАН ДАЛА МАЙДОНЛАРИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Шакиров З.С., Закирьяева С.И., Якубов И.Т., Мардонов И.Х.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Микробиология институти  
zsshakirov@gmail.com

Соя (*Glycine max* (L.) Merr.) жаҳон қишлоқ хўжалигининг энг кенг тарқалган ва фойдали оқсил-мойли экинидир. Соядан юқори ҳосил олишда *Bradyrhizobium japonicum* турига мансуб туганак бактериялар муҳим роль ўйнайди. Улар ўсимлик билан симбиотик муносабатларга киришиб, уни биологик азот билан таъминлайди. Тупроқ микрофлораси, дуккакли ўсимликлар микросимбионти бўлган ҳолда, атмосфера азотини фиксация қилиш ҳисобига тупроқни биологик азот билан бойитиш жараёнида иштирок этадиган туганак бактериялари учун муҳим экологик муҳит ҳисобланади. Азот фиксациясидан ташқари бошқа тупроқ микроорганизмлари аммонификация жараёнида иштирок этади, бу жараёнда тупроқ унумдорлиги органик азот ҳисобига ошади.

Тадқиқотимизнинг мақсади – соя етиштириб келинаётган дала майдонлари тупроқларининг микрофлораси таркибини ўрганишдан иборат.

Ўзбекистоннинг турли зоналари Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятлари соя етиштириб келинаётган дала майдонларидан тупроқ





Результаты этих экспериментов свидетельствуют о том, что релаксантное действия данных соединений, в условиях ФЭ-индуцированной контрактуры, в основном обусловлено его влиянием на транспорт ионов  $Ca^{2+}$  через рецептор-управляемые  $Ca^{2+}$ -каналы плазмалеммы и их высвобождение из СР ГМК.

## ***PHYSALIS ALKEKENGII* ЎСИМЛИГИНИ *IN VITRO* УСУЛИДА КЎПАЙТИРИШДА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ РОЛИ**

Кадилова З.А., Ташмухамедова Ш.С.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
zukhra\_abrarovna7@mail.ru

Бугунги кунда замонавий биотехнологиянинг энг истиқболли ва фойдали тадқиқотларидан бири бу - биофармацевтик саноатнинг ривожланишига қаратилган тармоқ ҳисобланади. Айни шу соҳани ривожлантириш орқали дори моддаларини ўзимизда ишлаб чиқариш ҳамда чет эллардан кириб келаётган дори-дармонлар учун сарфланаётган маблағни иқтисод қилиш мумкин.

Дори моддаларининг кўплаб манбаалари мавжуд. Уларни ўсимликлардан, бактериялар, замбуруғлар, ҳайвон тўқималари ва бошқалардан ажратиб олиш мумкин. Айниқса ўсимликлар олами бундай қимматбаҳо дори моддаларига жуда бой ҳисобланади. Шундай доривор ўсимликлардан бири итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласи вакили *Physalis alkekengi* бўлиб, бу физиологик актив алкалоидларга бой шифобахш ўсимлик тиббиётда шамоллашга қарши, антисептик, оғриқ қолдирувчи ва қон тўхтатувчи восита сифатида, шунингдек, камқонлик ва рак касалликларини даволашда ишлатилади.

*Physalis alkekengi* ўсимлиги турли витаминлар, флавоноидлар ва турли биологик фаол доривор моддаларга бой бўлиб, табиий ҳолда ушбу ўсимлик тамаки мозаикаси вируси билан касалланади. Вирус билан касалланиш ўсимликдаги физиологик жараёнларнинг ўзгаришига ва маҳсулдорликнинг



пасайишига олиб келади. Шу сабабли соғлом ўсимлик яратиш ва ундан дори моддасини ажратиб олиш ва уни катта масштабда ишлаб чиқариш учун ўсимликнинг плантацияларини ташкил этишга зарурат туғилади. Бироқ, бундай муаммонинг ечими, доривор ўсимликларни микроклонлашдир. Ушбу усулдан фойдаланиб биз йилнинг исталган вақтида, керакли миқдорда, вируссиз ўсимлик олиш ва фармацевтика, озиқ-овқат, тиббиёт саноати учун зарур бўлган декоратив ва ноёб ўсимликларни кўпайтириш, уларнинг плантацияларини яратиш мумкин.

Бундан ташқари, *Physalis* туркумининг *Physalis angulata* ва *Physalis peruviana* турлари микроклонал усулда кўпайтирилган бўлиб, *Physalis alkekengi* да бу усул илк мартаба қўлланилди. Бунда ўсимлик эксплантлари кўп компонентли озуқа муҳитида ўстирилди. Бундай муҳит таркибини ўстириладиган культуралар турига қараб ўзгартириш мумкин. Ҳар қандай озуқа муҳитининг таркибида ўсимликлар ривожланиши учун зарур бўлган микроэлементлар бўлиши шарт. Азотли бирикмалардан ташқари фосфор, олтингугурт, кальций, сульфатлар ҳам керак бўлади.

Озуқа муҳитида микроэлементлар бўлмаса, биринчи пассаждаёқ (кўчириб ўтказишда) ўсимлик тўқималарининг ўсиш интенсивлиги, 30-40% га пасаяди, кейинги пассажларда эса тўқималар нобуд бўлишига ҳам олиб келади. Алоҳида ажратиб олинган культуралар турига қараб, жуда кам миқдорда: темир, бор, рух, марганец, мис, алюминий, никель, йод ва бошқа элементлар ҳам ишлатилиши мумкин. Культуралар муваффақиятли ривожланиши учун углерод манбалари ҳам зарур, чунки яшил рангга кирувчи, ёруғликда ўсувчи тўқималар ноаутоτροφ ҳисобланади. Энг яхши карбон сув манбаи бўлиб, 2-5% ли сахароза эритмаси хизмат қилади. Шу мақсадда глюкоза ёки бошқа шакарлардан ҳам фойдаланиш мумкин.



Озуқа муҳити таркибида, шунга керакли бўлган барча элементлар бўлган ҳолда, кўпгина тўқималар *in vitro* шароитида ўстирилганда ўз ҳаёти учун керакли бўлган витаминларни ўзи синтез қилиши мумкин. Аммо кўп культуралар витаминларни жуда оз миқдорда синтез қилади, бу миқдор ўсимлик тўқималарининг нормал ривожланиши учун етарли бўлмайди. Бундай ҳолларда ташқаридан витаминлар қўшишга тўғри келади. Айниқса

$V_1$ ,  $V_2$ ,  $V_6$ , витаминлари ҳамда пантотенат кальций, биотин, аскорбин, никотин ва фолий кислоталари кўпроқ ишлатилади.

## БАКТЕРИАЛЬНЫХ РИБОНУКЛЕАЗ

Нармухаммедова М.К., Хусанов Т.С., Кадырова Г.Х.

Институт микробиологии АН РУз,  
info-microbio@academy.uz

Вирусные заболевания ежегодно вызывают значительные потери урожая сельскохозяйственных культур и заметное ухудшение их качества. Известны около 450 патогенных вирусов растений, часть из которых имеют широкий круг растений-хозяев, в то же время многие растения заражаются несколькими вирусами. Есть примеры узкой специфичности вирусов. В любом случае вирусная инфекция влияет на характеристики сельскохозяйственных культур: вызывает снижение содержания белка, уменьшение морозоустойчивости растений. Способы оздоровления растений, профилактика и борьба с вирусными заболеваниями остаются актуальными проблемами современной биологии.

Основными направлениями защиты растений от вирусных инфекций являются: реабилитация семян путем выделения и культивирования апикальной меристемы *in vitro*, создание трансгенных растений, устойчивых к вирусным инфекциям, с использованием генов специфической и неспецифической защиты,



применение препаратов для защиты растений химического и биологической природы против переносчиков вирусов, применение индукторов устойчивости растений и др. Таким образом, возникает необходимость поиска эффективных и экологически безопасных мер, способных предотвратить распространение вирусных заболеваний.

Перспективы в поиске противовирусных веществ связывают с бактериальными ферментами. Они менее токсичны, чем химические соединения, легко утилизируются растениями и разлагаются без накопления в окружающей среде вредных веществ. Получают их из биологического сырья, в то время как химические соединения являются продуктами продолжительного и трудоемкого химического синтеза. Применение ферментов стало доступным после разработки генно-инженерных методов получения штаммов-продуцентов и эффективных методов очистки.

Рибонуклеазы (РНКазы) представляет собой тип нуклеазы, которая катализирует расщепление клеточной РНК на более мелкие олигонуклеотиды и монопнуклеотиды. Известно, что РНКазы обладают мощной биологической терапевтической активностью, такой как противоопухолевое, антипролиферативное, противовирусное, иммунодепрессивное, противогрибковое, антиангиогенное и индукция апоптоза.

Для определения рибонуклеазной активности бактерий использовали бактерии *B. subtilis*, *B. cereus*, *B. licheniformis*, *B. pumilus*, *P. putida*, *P. aeruginosa*, *B. amyloliquefaciens*, *P. fluorecens*, *B. megaterium*, *P. syringae*. Для этого штаммы микроорганизмов выращивали в среде LB с добавлением дрожжевой РНК, через 48 часов на колонию заливали 5 мл 1 М HCl и выдерживали 5 минут. Вокруг бактериальной колонии в присутствии фермента наблюдали четкий ореол.



Рибонуклеазную активность бактерий рассчитывали по расстоянию от границы колонии до концевой линии.

Таким образом, рассчитывали ореол, образующийся вокруг колонии бактерий. По литературным данным диаметр образующегося ореола прямо пропорционален активности фермента, то есть чем больше диаметр ореола, тем выше активность фермента. Штаммы *Bacillus subtilis*, *Pseudomonas aeruginosa*, *P. putidaesa*, *Bacillus cereus*, *Bacillus pumilus*, *Pseudomonas fluorecens*, *Pseudomonas syringae* образовывали ореол – 30–45 мм; а штаммы *Bacillus licheniformis*, *Bacillus megaterium*, *Bacillus amyloliquefaciens* – 20-25 мм.

Как известно на сегодняшний день нет лекарственных препаратов, уничтожающих вирусы; все противовирусные средства могут только ингибировать развитие вируса. Таким образом, в будущем деградация вирусной РНК представляется очень многообещающим подходом против противовирусной инфекции.

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ ХУДУДЛАРИДА ТЕРМОФИЛ АКТИНОМИЦЕТЛАРНИНГ ХИЛМИ-ХИЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

Юсуфжонова Н.Ф., Абдухалилов А.А., Нишонов Ш.Р.,  
Рахимбердиева Г.А., Шохиддинова М.Н., Нормуродова Қ.Т.

М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
shoxiddinovamoxichehra@gmail.com

Мамлакатимизнинг чўлга айланган худудларида ҳароратнинг кўтарилиши (айниқса, ёз ойларида 45-55°C) ўсимликлар оламига ўз таъсирини кўрсатади. Қўрғоқлашган ва шўрланган худудларда ўсиб ривожланадиган ўсимликларнинг илдиз ризосферасида термофил актиномицетлар термостабил ферментлар синтез қилувчилар сифатида қайд этилади. Чунки, 50 °C ва ундан юқори ҳароратларда яшай оладиган актиномицетлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, асосан тупроқ ва



Ўсимлик ризосфераларидан ажратилган. Мезофил микроорганизмларга нисбатан интенсив равишда яшай олишига кўра, юқори ҳароратда ҳам жадал ўсиши туфайли термофил актиномицетлар саноатнинг турли тармоқларида ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилади.

Энг асосийси, микроорганизмлар орасида термофил актиномицетлар энг ноёб микроорганизмлардан бири бўлиб, уларнинг ферментлар ва антибиотиклар синтез қилувчи турлари ўсимликларни турли хил фитопатоген касалликлардан ҳимоя қилади ва стрессларга чидамлилиқ қобилиятларини оширади. Қолаверса, бундай ноёб актиномицетларнинг тирик культуралари ассоциациялари асосида яратилган биопрепаратлар орқали ўсимликларни ҳаддан ташқари қурғоқчилик, шўрланиш, ноқулай шароит, тупроқдаги заҳарли органик бирикмалар ва оғир металлларнинг таркиби каби абиотик стресслар ҳолатидан ҳам ҳимоя қилади.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида термофил актиномицетларнинг хилми-хиллигини ўрганишдан иборат.

Мамлакатимизнинг экстремал шароитларидан бири бўлган Бухоро вилояти Гиждувон туманининг пахта даласи атрофидан 7та, Жайрон кўрикхонаси атрофидан 3та, Муйноқ тумани Орол туби ноль нуқтасидан 2та, Орол туби кемалар қабристонни қумли тупроқдан 4та, Орол туби сақсовулзор атрофидан келтирилган тупроқ намуналаридан 13та, жами 29та пигмент ҳосил қилувчи актиномицетлар ажратиб олинди. Ажратиб олинган колониялар Гаузе ва крахмал аммиакли агар озуқа муҳитларида ўстирилиб, 45°C термостатда 48 соат давомида инкубация қилинди. Олиб келинган 0-1 смдан 45-90 смгача чуқурликдаги тупроқ намуналарида ёрқин пигмент ҳосил қилувчи актиномицетлар 2тадан 5 гагача учраши аниқланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Орол туби сақсовулзор атрофидан келтирилган тупроқ намуналаридан ажратиб олинган 13та колониялар орасидан бир-биридан





кескин фарқ қилувчи 3та ноёб изолят ажратиб олинди ва Гаузе озуқа муҳитида ўсиб ривожланиши кузатилди.

Танлаб олинган 3та изолятни морфологик хусусиятларини кузатиш шуни кўрсатдики, уларнинг мицелийлари ингичка, ранги қорамтир жигарранг, баъзан оч кўкимтир пигмент ҳосил қилади, шаффофлиги хира ва юза қисми озгина бўртмали, 1% казеин ва 1% крахмалга мойиллиги борлиги аниқланди.

### **АЙРИМ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЭНДОФИТ БАКТЕРИЯЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ФЕРМЕНТ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ҚОБИЛИЯТЛАРИ**

Абдухалилов А.А., Юсуфжонова Н.Ф., Тожиев Б.Б.,  
Шохиддинова М.Н., Нормуродова Қ.Т.

М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент  
shoxiddinovamoxichehra@gmail.com

Бугунги кунда, амалий микробиологиянинг интенсив ривожланиши кўплаб биологик фаол иккиламчи метаболитлар синтезловчи янги авлод эндофит микроорганизмларни ажратиб олиш, улардан қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт соҳаларида қўллаш халқ хўжалигидаги кенг имкониятларни очмоқда. Доривор ўсимликлардан моно-ёки аралаш культуралар ассоциацияси кўринишида биологик препаратларнинг янги авлодини яратиш, фермент ҳосил қилиш қобилиятларига кўра сут оксилани парчалаб пробиотиклар олишда ва одамлардаги ошқозон ичак микрофлорасининг хусусиятларини яхшилашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Доривор ўсимликлардан ажратиб олинган изолятларнинг фермент ҳосил қилиш қобилиятларини скринингидан иборат.

Ўзбекистонда дала ва уй шароитларида ўсаоладиган айрим доривор ўсимликларнинг илдиз, поя ва барглари юза қисми дистилланган сувда



ювилиб, кейин 96% спиртда стерилизацияланиб, ички тўқималари майдаланди, ҳосил бўлган суюқлик қисми тадқиқот учун 45та изолятлар ажратилди ва уларнинг фермент ҳосил қилиш қобилиятлари ўрганилди.

Мамлакатимизнинг дала ва уй шароитларида учрайдиган баъзи бир доривор ўсимликлардан эндофит бактерия изолятларини ажратиб олиш учун, фармокопоя рўйхатига киритилган зубтурум, далачой, мойчечак, сачратқи, каланхое, лимонўт, ялпиз каби доривор ўсимликларни илдизи, пояси ва барглари ички тўқималаридан 45та бактерия изолятлари ажратиб олинди.

Ажратиб олинган айрим эндофит бактерия изолятларининг 1%ли казеин ва 1%ли крахмалга нисбатан мойиллик даражалари ва гидролиз зоналари, ранги, шаффофлиги, колонияларнинг чеккаси ва юза қисмлари каби параметрлари ўрганилди.

Ушбу изолятлар орасида *Kalanchoe degremona*нинг баргидан ажратиб олинган KD - L7 изолятининг гидролиз зона ўлчами 6-10 мм, ранги тиниқ сутранг, чеккаси текис, шаффофлиги тиниқ, юза қисми зич ва ялтироқ эканлиги, 1%ли казеинга юқори, 1%ли амилазага нисбатан мойиллик даражаси нисбатан камроқ эканлиги кузатилди.

Доривор ўсимликлардан бири Лимонўтининг баргидан ажратиб олинган MoL - L5 изолятининг гидролиз зона ўлчами 5-8 мм, ранги жигарранг, чеккаси текис, шаффофлиги хирароқ, юза қисми бўртиб чиққан эканлиги кузатилган бўлса, *Мойчечак (Matricaria recutita L.)* ўсимлигининг илдизидан ажратиб олинган MrL - R2 изолятининг гидролиз зона ўлчами 4-7 ммни, ранги тиниқ сутранг, ғадир-будир, шаффоф, ялтироқ бўртиб чиққанлигини кўрсатди.

Саноатда сут оқсиллини парчаловчи протеолитик ферментларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Каланхое дегремона ўсимлигидан ажратиб олинган KD - L7 эндофит бактерия изолятининг фермент ҳосил қилиш қобилиятига кўра,  $\alpha$ -



амилаза фаоллиги 14,2 бир./млн ташкил қилган бўлса, протеаза фаоллиғни эса 28,6 бир./млн кўрсатди.

Скрининг натижасида танлаб олинган *KD - L7* изоляти MALDI TOF масс-спектрометрия усули ёрдамида идентификация қилинди. Тадқиқ қилинаётган *KD - L7* изоляти *Bacillus amyloliquefaciens* эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, дала ва уй шароитларида учрайдиган зубтурум, далачой, мойчечак, сачратқи, каланхое, лимонўт, ялпиз каби доривор ўсимликларни орасида каланхое дегремона ва сачратқиларда эндофит бактерияларнинг нисбатан кўпроқ учраши кузатилди. *Kalanchoe degremona* доривор ўсимлигининг баргидан ажратиб олинган *KD - L7* изоляти бошқа изолятларга қараганда 1% казеин ва 1%ли крахмалга нисбатан мойиллик даражаси ҳамда гидролиз зонаси катта эканлиги, қолаверса протеаза фермент фаоллиги ҳам нисбатан юқорилигини кўрсатди.

## **MIKROORGANIZMLAR TO'PLAMIDA UZOQ MUDDATDA SAQLANAYOTGAN CANDIDA AVLODIGA MANSUB ACHITQILARNING MORFOLOGIK-KUL'TURAL XUSUSIYATLARINI O'RGANISH**

Nizomova D.K., Juraeva R.N.

Mikrobiologiya instituti,  
info-microbio@academy.uz

Hozirgi kunda biotexnologik jihatdan mikroorganizmlarning faol va yuqori produsentga ega shtammlarni uzoq vaqt davomida o'z xususiyatlarini yo'qotmasdan saqlab turishi sanoatda va ishlab chiqarish uchun muhim omil hisoblanadi. Ma'lumki, achitqilardan aminokislotalar, vitaminlar, organik kislotalar, antibiotiklar, gormonlar va turli xil biologik faol moddalar olinadi. Shu sababli, to'plamlarda yuqori produsentga ega shtammlar doimiy ravishda faol, hayotchan va barqaror bo'lishi shart. So'ngi yillarda to'plamlarda mikroorganizm kul'turalarini saqlashning quyidagi



usullari keng tarqalgan – bu davriy qayta ekish, mineral moyi ostida va liofil qurutilgan usulda saqlash, shunindek, kriogen saqlash, adsorbentlarda saqlash, spora shaklida saqlash, distillangan suv yoki fiziologik eritmalarda saqlash usullari mavjud. Achitqi turlarining biologik xususiyatlarida farqi tufayli, turli xil achitqi kul'turalari uchun bir xil umumiy saqlash usulini qo'llash mumkin emas. Shu sababli, mikroorganizmlar to'plam fondining xavfsizligini oshirish uchun uzoq muddatli saqlash usullarini izlash, saqlash usullari kul'turalarning hayotchanligi, biokimyoviy xususiyatlari va fiziologik darajasini saqlanib turishiga ta'sirini o'rganish muxim ahamiyatga ega.

O'zR FA Mikrobiologiya instituti mikroorganizmlar to'plamida O'rta Osiyoda etishtiriladigan mevali va rezavor o'simliklardan ajratib olingan 150 dan ortiq achitqi shtammlari davriy qayta ekish, mineral moyi ostida va liofil qurutilgan usulda saqlanadi.

Adabiyotlarda keltirilishicha, achitqilarning turli sistematik guruhlarida orasida xalq xo'jaligida *Candida* muxim ahamiyatga ega bo'lib, qishloq xo'jaligida faol shtammlar asosida oqsilga boy ozuqa maxsulotlarini tayyorlanishi, aminokislotalar, shakar o'rnini bosuvchi ksilitol va boshqa biologik faol birikmalar olish mumkinligi keltirilgan. Shu sababli, to'plamda uzoq muddatda mineral moyi ostida saqlanayotgan *Candida* avlodiga mansub achitqi shtammlarining hayotchanligi va fiziologik faolligini aniqlash muxim hisoblanadi.

Tadqiqotlar davomida 5-10 yil davomida 4°C haroratda mineral moyi ostida saqlanayotgan quyidagi shtammlarda tajribalar olib borildi: *Candida tropicalis* 81, *Candida tropicalis* 83, *Candida mycoderma* 85, *Candida mycoderma* 87, *Candida mycoderma* 89, *Candida krusei* 99, *Candida melinii* 94.

Olingan natijalarga ko'ra o'rganilayotgan achitqi shtammlari o'z hayotchanligini saqlab qolganligi, morfologik va kul'tural xususiyatlari o'zgarmaganligi aniqlandi. Mineral moyi ostida uzoq muddatli saqlashdan so'ng, hujayralarning shakli va hajmini



tiklash uchun 2-3 marta qayta ekishni amalga oshirish kerak, shundan so'ng shtammlar o'zlarining morfologik va kul'tural xususiyatlarini to'liq tiklaydi.

Bundan tashqari, *Candida tropicalis* 83, *Candida mycoderma* 87, *Candida mycoderma* 89 achitqi shtammlari eng yuqori o'sish sur'ati va biomassaning maksimal to'planishi bilan o'rganildi, *Candida tropicalis* 83 shtammi 4 soat ichida hujayra titri  $6 \times 10^5$  KOE/ml, *Candida melinii* 94 va *Candida krusei* 99 mos ravishda  $6 \times 10^7$ ,  $9 \times 10^7$  KOE/ml ga yetganligi kuzatildi.

Biz o'rganayotgan *Candida* avlodiga mansub mahalliy shtammlari NaCl va glyukoza miqdori yuqori bo'lgan ozuqa muhitlarida yaxshi o'sishi bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan. Shu sababli, keyingi tajribalarimizda mahalliy shtammlarni 5% va 10% NaCl ozuqa muhitlarida o'sishi kuzatildi. *Candida mycoderma* 89 va *Candida melinii* 94 shtammlaridan tashqari barcha shtammlar 5-10% NaCl ozuqa muxitida yaxshi o'sdi. *Candida mycoderma* 89 va *Candida melinii* 94 shtammlari 5% NaCl da sust o'sishi, 10% NaCl ozuqa muhitida umuman o'sishdan to'xtagani aniqlandi. Shunday qilib, mineral moyi ostida uzoq muddatli saqlash, o'rganilayotgan achitqi shtammlarining morfologik, kul'tural va biokimyoviy xususiyatlarini saqlab qolishga ta'sir qilmasligi aniqlandi. Ushbu achitqi shtammlari 5-10 yil davomida mineral moyi ostida saqlanganda hujayra titri  $10^5 - 10^7$  KOE/ml qayd etildi.

## **G'O'ZADA QO'SHGAPLOIDLAR OLIHNING YANGI USULINI ISHLAB CHIQISH**

Mirzakhmedov M.Kh., Shermatov Sh.E., Ubaydullaeva H.A., Ayubov M.S.,  
Usmonov D.E., Buriev Z.T., Abdurakhmonov I.Y

O'zR FA, Genomika va bioinformatika markazi  
mirzakhmedov.m@gmail.com

Qo'shgaploidlar yoki ikkilangan gaploidlar (doubled haploid) fundamental hamda amaliy tadqiqotlarda keng qo'llaniladigan samarali vositaga aylandi.



qo'shgaploidlarning afzalliklaridan, ikki avlodda to'liq gomozigotali liniyalar olish bo'lib, ananaviy usulda olti-sakkiz avlod kerak bo'ladi shunda ham 99% gomozigotali liniyalarni olish mumkin. Seleksion kompaniyalar bu usuldan asosan gibrid urug' yetishtirish maqsadida ishlatiladigan sof gomozigota liniyalarni ishlab chiqarishda foydalanilsa, fundamental tadqiqotlarda esa genetik xaritalash uchun populatsiyalar yaratishda ishlatiladi. Shu kungacha gaploid liniyalar olishning turli usullari ishlab chiqildi, bular umumiy tarzda ikkiga bo'linadi: *in vivo* (tabiiy sharoitda) va *in vitro* (laboratoriya sharoitida). gaploid liniya olishning *in vitro* usuli changchi yoki urug'chidan foydalanishiga qarab ikkiga bo'linsa, *in vitro* usuli esa turlararo yoki tur ichidagi chatishtirishdan foydalanishiga qarab ikkiga bo'linadi. O'simliklardan gaploid liniya olishda eng ko'p o'zlashtirilgani changchilardan laboratoriya sharoitida o'simlik olish hisoblanadi. Ammo har bir o'simlik turidan gaploid liniya olish o'ziga xos bo'lib, ba'zilarida xususan makkajo'xorida tabiiy sharoitda tur ichidagi liniya bilan chatishtirish keng qo'llanilsa, arpa o'simligida changchilardan olish bilan bir qatorda turlararo chatishtirish ham keng qo'llaniladi. Bir urug'pallali o'simliklarga solishtirganda qo'shgaploid fenomeni ikki urug'pallalilarda xususan, O'zbekistonning asosiy iqtisodiy ekini hisoblangan go'zada juda oz o'rganilgan. Hozirda Genomika va bioinformatika markazida genom tahrirlash usullari orqali go'zada qo'shgaploid liniyalar olish ustida tajribalar o'tkazilyapti.

## **EURHORBIA FERGANENSIS ЎСИМЛИГИДАН ПОЛИФЕНОЛЛАР ЙИГИНДИСИ АЖРАТИБ ОЛИШНИНГ МАҚБУЛ ШАРОИТИ**

<sup>1</sup>Янгибоев Я. З, <sup>2</sup>Рахимов Р.Н.

<sup>1</sup>Тошкент давлат техника университети биотехнология кафедраси ассистенти.

<sup>2</sup>Биоорганик кимё институти ката илмий ходим

Ўсимликларнинг кимёвий таркибини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мақсадида уларни алоҳида компонентларга ажратиш, тузилишини физик-



кимёвий таҳлил қилиш, биологик фаолликларини аниқлаш ва улар асосида кенг таъсир кўрсатиш доирасига эга бўлган самарали дори воситаларини яратиш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

*Euphorbiaceae* (Сутламадошлар) оиласининг *Euphorbia* 2000 тур ўсимликдан иборат катта туркумни ташкил этади. Хитой ва Индонезия анъанавий табobatiда антидиаретик, антидиуретик, балғам кўчирувчи, астма, бронхит ва турли тери касалликларини даволашда дамлама кўринишида, Филиппин ва Малайзияда геморройда, яра касалликларида, суяк синганида оғриқ қолдирувчи сифатида боғлов кўринишида кенг қўлланилади. Кўп йиллар давомида ушбу оила турлари биологик фаол бирикмалар, жумладан, алкалоидлар, антрахинонлар, кумаринлар, терпеноидлар ва полифенолларнинг бой манбаи сифатида бутун дунё олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Айниқса, *Euphorbiaceae* оиласи ўсимликларининг флавонол ва таннинлари бирмунча чуқурроқ ўрганилган бўлиб, ўсимликлардан кверцетин, кемпферол, мирицетин, рамнетин, изорамнетин ва уларнинг гликозидлари, мономер, димер ва олигомер гидролизланувчи таннинларнинг бир қанча вакиллари ажратиб олинган ҳамда уларнинг биологик фаолликлари тадқиқ этилган.

*Euphorbiaceae* оиласига кирувчи *Euphorbia ferganensis* ўсимлиги Ўзбекистоннинг турли вилоятлари: Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийсининг яйлов минтақасидан тортиб, токи тоғ минтақасигача бўлган ҳудудларида учрайди.

*Euphorbia. ferganensis* ўсимлиги хом ашёсидан қуйи ҳароратда, кам вақт сарфлаб, юқори унум ва сифатга эга бўлган полифеноллар йиғиндиси ажратиб олишнинг мақбул усули излаб топилди. Ўсимлик хом ашёсидан табиий бирикмаларнинг ажралиб чиқиши, яъни экстрактив моддалар унуми кўп



жиҳатдан экстракциялаш жараёнига боғлиқ. Экстракциялаш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида қуйидагилар танланди: экстракция модули (хом ашё ва экстрагент ўртасидаги нисбат); экстракциялаш такрорийлиги; экстрагент таркиби; экстракция қилиш ҳарорати, хом ашёнинг майдаланганлик даражаси (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Полифенолларни экстракциялаш жараёнига таъсир этувчи омиллар кўрсаткичи

Омиллар	Бирлиги	Ўрганилган омиллари даражаси	Мақбул шароит
Майдаланганлик даражаси	мм	0,5-1; 1-3; 3-5; 5-7; 8-10	3-5
Экстрагент таркиби (этил спирт)	%	40,50, 60, 70	40
Ҳарорат	°С	25, 35, 45, 55, 65	45
Экстракция такрорийлиги		1, 2, 3, 4, 5	3
Экстракция вақти	соат	1, 2, 3, 4, 5	3
Экстракция модули		1:2, 1:4, 1:6, 1:8, 1:10	1:6

Жадвалда келтирилган натижалар асосида ўрганилган ўсимликдан полифеноллар йиғиндисини ажратиб олишнинг мақбул усули сифатида ўсимликнинг майдаланганлик даражаси 3-5 мм, экстракция ҳарорати 45<sup>0</sup>С ҳароратда, 3 соат давомида, 1:6 нисбатда, 40% этил спиртда, 3 мартаба такрорийликда экстракция қилиб, юқори унум ва сифатга эга бўлган полифеноллар йиғиндиси ажратиб олинди. Қуйи ва юқори ҳароратларда полифеноллар тўлиқ ажралиб чиқмаслиги аниқланди.

Ўсимлик хом ашёсидан 250 данг 4 та наъмуна олиб, Этанол сув аралашмасида (8-10 мм майдаланганлик даражаси), (1:6 нисбатда, v/v) 45<sup>0</sup>С да, 3 соат давомида, қайтарма совуткичли сув ҳаммомида 3 мартаба такрорийликда, экстракция қилинди. Экстрактларни филтрлаб, Этил спиртни вакуум остида, 50-55<sup>0</sup>С да ҳайдаб сувли қисм ажратиб олинди. Сувли қисмни этилацетат билан (1:4





нисбатда, v/v) экстракция қилиб, этилацетатли фракция ажратиб олинди. Ушбу фракция сувсиз Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> тузи ёрдамида қуритилди ва филтрланди ҳамда роторли буғлаткич ёрдамида ҳайдаб, этилацетатли концентрат ажратиб олинди. Концентратни 1:4 нисбатда хлороформ билан чўктириб, ўсимликнинг курук массасига нисбатан 2 % миқдорида полифеноллар йиғиндиси ажратиб олинди.

## **МАҲАЛЛИЙ САРА УЗУМ НАВЛАРИНИ *IN VITRO* УСУЛИДА МИКРОКЛОНЛИ КЎПАЙТИРИШ**

Дарманов М.М., Убайдуллаева Х.А., Абдуллаев А.Н., Болқиев А.А.

Геномика ва биоинформатика маркази  
muxtordarmanov@gmail.com

Дунё бўйича қишлоқ хўжалик экинлари орасида, хусусан мевалар орасида узум (ток) олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Узумнинг юқори ҳосилдор, касаллик ва зараркунадаларга чидамли навларга бўлган эҳтиёж ўсиб бораётганлиги сабабли биотехнологик усуллардан фойдаланиб, навлар генофондини бойитиш, улардан селекцияда самарали фойдаланиш ва кўчатчилик учун илмий асосланган технологияларни яратиш долзарб ҳисобланади.

Узум етиштиришни кўпайтириш нафақат майдонларни кенгайтириш, балки истиқболли навларни жадал кўпайтириш ва ток плантациялари ҳосилдорлигини оширишни таъминлайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни ҳам талаб этади. Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида узумнинг юқори сифатли экиш материални ишлаб чиқаришнинг интенсив усуллари жорий этиш катта аҳамият берилмоқда.

*In vitro* усули ёрдамида генетик хилма-хиллигини сақлаган ва кўпайтиришнинг максимал коэффиценти – йилига 10<sup>5</sup>-10<sup>6</sup> мериклон бўлган узум кўчатларини олиш ва кўпайтириш имкониятини беради. Ток ўсимлигини *in*



*in vitro* усулида микроклонли кўпайтириш юқори сифатли, соғлом ток ўсимликларини олиш ва сақлаш учун муҳим биотехнологик воситадир.

Тадқиқотлар учун узумнинг (*Vitis vinifera.*) Ризамат, Тойфи, Кишмиш оқ дум, Келин бармоқ, Хусайни, Кишмиш Ботир, Кишмиш суғдиёна, Ркацители ва Рислинг каби маҳаллий навлари танлаб олинди.

Тадқиқотда *in vitro* шароитида кўпайтириш учун MS (Мурасиге ва Скуг), MS<sub>так</sub> (Мурасиге ва Скуга такомиллашган) DKW (Драйвер ва Куниюки) ва WPM (Woody Plant Medium) каби бир нечта озуқалар танлаб олинди ва улар таҳлили амалга оширилди. Ўтказилган таҳлил ва хулосаларга асосланиб узум эксплантларини *in vitro* шароитида кўпайтириш учун MS ва WPM озуқа мухитлари танлаб олинди ва тажрибалар олиб борилди.

MS озуқа мухитида етиштирилган узумнинг Тойфи, Ризамат ва Оқ дум-кишмиш навларида куртаклар ҳосил бўлиш даражаси БАП нинг турли концентрацияларида назоратга нисбатан сезиларли даражада ортганлиги кузатилди. Аммо фитогармонлар концентрацияси 0.4 мг/Л дан ортиб борганда куртаклар сони ва узунлиги камайиб борди. Куртаклар сони тажриба навларининг барчасида назоратга нисбатан ўртача 2.0-3.0 марта ортиқ эканлиги кузатилди.

WPM озуқа мухитида етиштирилган тажриба навларининг барчасида куртаклар сони ва узунлиги MS озуқа мухитида етиштирилган эксплантларга нисбатан паст кўрсаткичларни намоён қилди. WPM озуқа мухитида етиштирилган эксплантларнинг энг юқори куртаклар сони тажрибанинг учинчи вариантида (0.4 мг/Л) кузатилди. Куртакларнинг ўртача сони Тойфи нави эксплантларида 3.5 тани, Ризамат нави эксплантларида 4.1 тани ва Оқдум-кишмиш нави эксплантларида эса 3.3 тани ташкил қилиб, назоратга нисбатан 2.0-3.0 марта кўп эканлиги аниқланди.



Ток (*Vitis vinifera*) нинг микроклонларини *in vivo* (ностерил) шароитига мослаштириш (адаптация), соғлом ва иқлимлаштирилган босқич бўлиб, айнан шу босқич *in vitro* технологиясида кўчат етиштириш самарадорлигини белгилайди. Тажрибада биогумус+вермикулит+кокос қипиғи (2:1:1) нисбатдаги субстрат, назорат тупроқ+қум (1:1) вариантыга нисбатан ғоваклик ва намлик даражаси юқорилиги ва натижада тупроқ аэрациясини яхшилаши ҳисобига иқлимлашган кўчатлар сони ортишига эришилди.

Тадқиқот натижасида Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманида *in vitro* шароитида олинган, вируслардан ҳоли бўлган узумнинг бошланғич оналик ўсимлик боғлари ташкил этилди. Ушбу ташкил этилган *in vitro* узум оналик боғларида келгусида узум плантацияларини кенгайтириш ва янгилаш учун узум кўчатлари кўпайтирилади.

## **ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИДА ЯРАТИЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИГА НИСБАТАН ВИЛТ КАСАЛЛИГИНИ ҚЎЗГАТУВЧИ ЗАМБУРУҒЛАРНИНГ ПАТОГЕНЛИГИ**

Зупарова Д.М., Аблазова М.М., Раджапов Ф.С., Салахутдинов И.Б.,  
Буриев З.Т.

Ўз Р ФА Геномика ва биоинформатика маркази.  
Тошкент Давлат аграр университети  
d.zuparova@mail.ru

Ғўзанинг трахемикоз касалликлари орасида энг кўп тарқалган қўзгатувчилари *Fusarium oxysporum f. vasinfectum* бўлган фузариоз ва *Verticillium dahliae* бўлган вертициллёз инфекцияси сўлиш ёки вилт касалликлар ҳисобланади. Бу касалликлар ғўзага катта зарар келтириб, ҳосилнинг сезиларли қисмини йўқолишига сабабчи бўлади.



Вўзада вилт касаллигини кўзғатувчи юқорида келтирилган патоген замбуруғ турларининг ҳаётий циклини бир қисми ўсимликда қолгани эса зарарланган ўсимлик қолдиқларида, тупроқда ўтиши маълум. Бу касаллик кўзғатувчи замбуруғлар ўзани илдиз тизими орқали унинг ичига кириб боради ва ўтказувчи тўқима найларини вегетатив таналари бўлган мицелийлари билан тўлдириб, токсин ажратади, натижада ўсимлик сўлийди.

Вўзада фузариоз вилт касаллигини кўзғатувчи замбуруғнинг штамmlарини патогенлик хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибаларни ўтказиш мақсадида Бухоро вилоятининг Бухоро тумани ҳудудидаги “Яшил диёр”, Пешку туманидаги “Мансур бобо” фермер хўжаликларининг ўза экилган далаларидан келтирилган касал ўсимлик намуналаридан ажратилган *F.oxysporum f.vasinfectum* соф ҳолда 15 та штамmlаридан ҳамда Ўзбекистоннинг пахта етиштирадиган бир қатор фермер хўжаликлари далаларидан ажратилган *V.dahliae* замбуруғининг штамmlаридан фойдаланилди. Бу штамmlарнинг патогенлиги ЎзРФА Геномика ва биоинформатика марказидаги ўза навларига нисбатан синаб кўрилди.

Тажрибаларни амалга оширишда энг аввал вилт касаллигини кўзғатувчи замбуруғларнинг штамmlари лаборатория шароитида инфекцион фон ҳосил қилиш учун сули донида кўпайтириб олинди. Бунинг учун аввалдан қайнатиб олинган сули 200 г дан қилиб тортилиб, 500 мл ҳажмли колбаларга солинди ва оғзини тиқин билан маҳкам беркитиб стериллаш учун автоклавка жойлаштирилди. Сўнгра сули солинган колбалар 1 атм босимда 121°C ҳароратда бир соат давомида стерилланди. Автоклавдан олинган сули солинган колбалар 25°C ҳароратгача совитилди ва уларга ўзанинги вилт касаллигини кўзғатувчи замбуруғ штамmlари ламинар боксда экилди. Патогенлар экилган колбалар замбуруғларни ўсиши учун энг қулай бўлган 24-26°C ҳарорат 70-75% намлик ҳосил қилинган шароитда 10 кун давомида термостатда ўстирилди. Колбалардаги



сулилар замбуруғлар билан тўлиқ қоплангандан сўнг уларни инфекция фон ҳосил қилиш учун тупроққа солишда ишлатилди.

Инфекцион фон ҳосил қилиш учун 1 кг тупроқ солинган тувакларнинг ҳар бирига 50 г дан қилиб сулида ўстирилган патоген замбуруғ инфекцияси солинди ва туваклар замбуруғ инфекциясини ўсиши ва тарқалиши учун 24-26°C ҳароратда 7 сутка давомида ушлаб турилди. Сўнгра тувакларга синаш учун олинган ғўза навларининг чигитлари экилди. Ғўзада вилт касаллигининг биринчи белгиларини намоён бўлиши ғўза чигити униб чиққандан бошлаб назорат сифатида олинган “108-Ф” ғўза навининг баргларида касалликнинг биринчи аломатлари кузатилди ва аксинча R-4 ҳамда R-1 ғўза линияларда бундай белгилар қайд этилмади ва улар фитопатогенга нисбатан чидамлилики намоён қилдилар.

Ғўзада касаллик қўзғатувчи патогенларни расаларини аниқлаш мақсадида замбуруғлар геномидан ДНК ажратилди ҳамда ПЗР ва секвенс таҳлилини амалга ошириш учун бошлангич материал сифатида танлаб олинди.

### **ОПРЕДЕЛЕНИЕ УРОВНЯ ПАТОГЕННОСТИ ИЗОЛЯТОВ *FUSARIUM SOLANI* И РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ ИДЕНТИФИКАЦИИ**

Раджапов Ф.С., Маматкулова Г.Ф., Зупарова Д.М., Усмонов Д.Э., Хуршут Э.Э.,  
Базаров Д.К., Салахутдинов И.Б.

Центр геномики и биоинформатики АН РУз.  
f.radjarov@yahoo.com

*Fusarium solani* (Mart.), возбудитель, вызывающий корневую гниль хлопчатника, является одним из наиболее распространенных почвенных грибов, способных уничтожить до сотни растений. *F. solani* считается долгоживущим почвенным фитопатогеном и способен образовывать большие колонии в присутствии восприимчивого хозяина. Симптомы болезни включают гниение



семян в почве до и после появления всходов, гниение всходов и задержку роста, а также созревания растения.

В Узбекистане степень потерь хлопка от *F. solani* в некоторых регионах очень высока. Например, в период 2012-2013 гг. в Бухарской области были отмечены растения, сильно пораженные корневой гнилью, возбудителем которой обычно является *F. solani*. Несколько изолятов, которые были получены нами из растений на зараженных полях, которые после микологического анализа были идентифицированы как *F. solani*. Каким образом может обстоять ситуация в других регионах неясна, в связи с чем этот аспект требует дальнейшего изучения.

В нашем Центре проведены эксперименты по изучению влияния *F. solani* по отношению к средневолокнистому хлопчатнику и выявлению агрессивных изолятов *F. solani*, с целью оценки их потенциала в нанесении больших потерь широко культивируемым сортам хлопчатника. В результате нами выявлены три изолята *F. solani*, которые в условиях фитотрона проявили высокую патогенность по отношению к нескольким локальным сортам хлопчатника. Наши исследования показали, что *F. solani* может быть опасен для средневолокнистого хлопчатника, который выращивается в нашей стране, что при планировании севооборота и других агротехнических мероприятий необходимо обратить внимание на этот вид фитопатогена, а не только на типичный патоген *F. oxysporum* f. sp. *vasinfectum* вызывающий вилт хлопчатника.

Эти исследования также имеют актуальное значение, по причине того, что традиционные методы борьбы с фитопатогенами, как биологические, так и химические, не всегда эффективны и ресурсоемки. Однако полученные данные позволяют их использование в области молекулярной биологии. Так, например, с появлением полных последовательностей геномов различных видов *Fusarium* позволяет нам провести сравнительный анализ патогенов на геномном уровне.



Это позволит проводить мониторинг посевных площадей и точную идентификация как *F. solani*, в частности, так и других фитопатогенов рода *Fusarium* в целом на новом уровне. В настоящий момент начаты работы по сравнительному анализу геномных последовательностей различных видов *Fusarium*.

Кроме того, данные о взаимодействии между *F. solani* и хлопчатника на уровне "патоген-хозяин", позволяет выявлять не только агрессивные изоляты патогена, но и выявлять чувствительные и устойчивые сорта, что может быть в дальнейшем успешно реализовано при создании новых устойчивых сортов, с использованием методов молекулярной биологии и генной инженерии.

### **RNAI TEXNOLOGIYASINI QO'LLAB G'O'ZANING VILT (*Verticillum dahliae*) GA CHIDAMLILIGINI OSHIRISH.**

Bozorov I.E., Darmanov M.M., Norov T.M., Ayubov M.S., Narmatov S.E.,  
Nurmirezayev I.A., Mamajonov A.B., Kucharov I.A., Buriev Z.T.,

Genomika va bioinformatika markazi  
muhammadayyubegamberdiyev21@gmail.com

G'o'za qishloq xo'jaligining asosiy ekini bo'lib, tola, ozuqa, oziq-ovqat, neft va bioyoqilg'i mahsulotlarining muhim manbai hisoblanadi. Molekulyar seleksiya va genetik muhandislik yo'li bilan g'o'zaning qimmatli xo'jalik belgilarga ega barqaror yangi navlari yaratilishiga qaramay, xavfli fitopotogen (zamburug', bakteriya va virus)lar bilan kasallanish ko'rsatkichi yildan yilga ortib bormoqda. Hozirgi kunda ko'plab qishloq xo'jalik ekin(g'o'za)lariga katta xavf tug'dirayotgan fitopatogenlardan biri *Verticillum dahlia*dir. Vertitsillium vilti (VW), Verticillium turiga mansub tuproqdagi zamburug'lar keltirib chiqaradigan xavfli kasallik bo'lib, o'simliklarning barg, poya va ildiz organidagi o'tkazuvchi sistemasiga ta'sir qiladi va butun dunyo bo'ylab qishloq xo'jaligi uchun jiddiy va katta iqtisodiy yo'qotishlarga sabab



bo'lmoqda. Fitopatogen zamburug'lar o'simlikning ildizidagi kortikal hujayralarga kiradi. Keyin u ildiz po'stlog'i bo'ylab tarqaladi va ksilema naylariga kirib boradi, u erda o'tkazuvchi to'qimaning funktsional buzilishiga sabab bo'luvchi konidiya hosil qiladi. Natijada patogenning sporalari va mitseliysi o'simlikning o'tkazuvchi sistemasini to'sib qo'yadi. Shuningdek patogenlar tomonidan ishlab chiqarilgan toksinlar va kislotali glikoproteinlar o'simlikning tez so'lishiga olib keladigan muhim patogen omillardan biridir. Bundan tashqari *Verticillium vilti* ta'siri natijasida o'simlikning tashqi ko'rinishida ham bir qancha o'zgarish (hosilni sarg'ayishi, so'lishi va tushishi) sodir bo'ladi. Ushbu kasallik oxir-oqibat o'simliklarni o'limiga olib kelishi mumkin. Vilt kasalligi g'o'zaning chidamlilik genetikasi, seleksiya va o'simliklar patologiyasi bo'yicha tadqiqotlarning asosiy predmetiga aylanib bormoqda. *Verticillium viltiga* sabab bo'luvchi *V. dahliae* fitopatogeni natijasida paxtaning tola sifati va yillik hosildorligi pasaymoqda. Buning natijasida ushbu kasallik tufayli hosildorlik 30% ga qisqarishi kuzatilmoqda. Xitoyda 200 million gektardan ortiq paxta maydoni *verticillium vilti* bilan kasallanadi va iqtisodiy yo'qotish har yili katta bo'ladi. Zamburug' tuproqda uzoq vaqt davomida hatto xo'jayin organizmsiz ham yashashi mumkin, bu esa *Verticillium dahliae* ni amaliy kimyoviy davolash usullaridan foydalangan holda nazorat qilish imkonini bermaydi. Shuningdek, *Verticillium viltiga* qarshi kurashish uchun g'o'za o'simliklarida fitopatogenga nisbatan chidamlilikni oshirish va an'anaviy (erga ishlov berish, tuproqni o'zgartirish va biologik nazorat) boshqarish usullaridan foydalanish bo'yicha uzoq muddatli urinishlarga qaramay, so'nggi 20 yil davomida vilt bilan zararlanish doimiy bo'lib qolmoqda. *Verticillium dahliae* ko'payishini oldini olishning eng samarali usuli bo'lgan tuproqni fumigatsiya qilish qimmatga tushadi va inson salomatligi va atrof-muhitga halokatli ta'sir ko'rsatishi mumkin. Hozirda g'o'zaning to'liq genom ketma-ketligi mavjudligini hisobga olib, gen funksiyalarini keng ko'lamlı genom darajasida tahlil qilish uchun molekulyar





vositalar va resurslarni ishlab chiqish muhimdir. *Verticillium* vilti bilan kurashish uchun molekulyar mexanizmni aniqlash va genetik seleksiya tajribalarini o'tkazish zarurati dolzarbdir. Hozirgi kunda o'simliklarni fitopatogenlardan himoya qilishda RNK interferensiya texnologiyasi rivojlanib bormoqda. Eukariot organizmlarda axborot RNKlarni ingibirlash orqali genlar faolyatini boshqarish muhim biologik jarayon bo'lib, u turli biologik jarayonlarda hal qiluvchi rol o'ynaydi, shu jumladan endogen gen ekspressiyasini tartibga solishda, genom barqarorligi, transpozonlarni o'zlashtirishda, geteroxromatin hosil bo'lishi va viruslardan himoya qilishda katta ahamiyatga ega. Genomika va bioinformatika markazi olimlari tomonidan *Verticillium* vilti kasalligi tufayli g'o'zaning hosildorligining yo'qotilishini kamaytirish maqsadida *Verticillum dahliae* ga chidamli navlarni yaratish imkonini beruvchi RNK interferensiya usulini qo'lladi. Shunday qilib, RNK interferentsiyasi texnologiyasidan foydalangan holda olingan biotexnologik g'o'za o'simliklari *Verticillum dahliae* bilan zararlanganda zamburug'dagi zarur genlar faolyatini ingibir qilish orqali chidamlilik xususiyatini namoyon etishi mumkin.

### **G'O'ZA TUNLAMI (*HELICOVERPA ARMIGERA*) GA QARSHI KURASHISHDA MAQSADLI VA FUNKSIYANAL GENLARDAN FOYDALANISH**

Erkaboeva D.O, Usmonov D.E, Bo'riyev Z.T

O'z RFA Genomika va bioinformatika markazi, e-mail:  
dilraboerkaboeva@gmail.com

Mamlakatimizning va g'o'za yetishtiruvchi ko'plab yirik davlatlarning diqqat markazidagi asosiy muamalardan biri, g'o'zaning turli abiotik va biotik omillarga chidamli, hosildor va tola sifati yuqori bo'lgan yangi navlarni yaratishdir. Texnik o'simlik - paxta daromadli o'simlig bo'lishi bilan bir qatorda chorva uchun ham toyimli ozuqa manbai hisoblanadi. Mamlakatimizning 1440,8 mln gektar yer maydonlarida



paxta yetishtiriladi. Bu yer maydaonlaridan olinadigan hosilning ko'p qismi biotik omillar sababli yo'qotiladi. Bu esa hosilning sifat va miqdor ko'rsatkichlariga sezilarli ta'sir ko'rsatmoqda.

So'ngi yillardagi statistika tahlillarga qaraganda zararkunanda hashoratlar bilan kasallanishi keng miqyosda avj olmoqda. Shu o'rinda, mamlaktimizda keng tarqalgan zararkunanda hashorat - g'o'za tunlami (*Helicoverpa armigera*) bilan zararlangan maydonlar soni yildan yilga ortib bormoqda. So'ngi o'n yil ichida O'zbekistonda sabzavot maydonlarida mazkur tunlamning zarari o'rtacha 15-20% ni ba'zi yillari esa 50-60% ni tashkil etadi.

Zamonaviy texnologiyalarning rivojlanishi natijasida gen muhandisligi sohasida sezilarli darajada yutuqlarga erishilmoqda. Funktsional genomikani tadbiq qilish va zararkunanda hashoratlarga kurashishda RNKi interferensiya texnologiyasi asosida ham ko'plab tatqiqotlar olib borilmoqda. Ushbu texnologiya asosida g'o'za tunlami *HMGR* (3-gidroksi-3-metilglutaril koenzim A reduktaza), *HaHR3* (*Helicoverpa armigera* *HR3*), *CYP6AE14* (*Cytochrome P-450*) genlari agrobakteriya orqali o'simlikka transfarmatsiyasi amalga oshirilib, transgen o'simliklar olingan. Ushbu transgen g'o'za barglarini istemol qilgan ko'sak qurtlari lichinkalarining soni va o'sish tezligini sezilarli darajada pasayganligi aniqlangan. Transgen o'simlik to'qimlari bilan oziqlangan hashoratlar tekshirilganda, ularda *vitellogenin* (*Vg*, emrion rivojlanishi uchun muhim oziqlanish manbai) genining ekspressiyasi 76,86% ga kamayganligi malum bo'lgan. Ishlab chiqilgan transgen o'simlik nafaqat vazn ortishiga to'sqinlik qiladi, balki ko'sak qurti lichinkalarni o'sishini ham kechiktiradi.

Biz yuqoridagi keltirilgan ma'lumotlar asosida g'o'za tunlami (*Helicoverpa armigera*) hashoratiga chidamli navlarni genetik vektorlar asosida olishga qaror qildik. Bu borada dunyo olimlari tomonidan olib borilgan tadqiqotlar bilan tanishish va aniqlangan genlarni bioinformatik taxlil qilish ishlari olib borilmoqda.



## ОСОБЕННОСТИ ПОЛУЧЕНИЯ ВТОРИЧНЫХ МЕТАБОЛИТОВ В КАЛЛУСНЫХ КУЛЬТУР *FERULA TADSHIKORUM* PIMENOV В КУЛЬТУРЕ *IN VITRO*

Жамалова Д.Н., Мустафина Ф.У.

Институт Ботаники Академии Наук Республики Узбекистан  
dilafruz.bel.91@mail.ru

Получены стабильно растущие каллусные культуры *Ferula tadshikorum*. Подобраны и оптимизированы среды для культивирования различных типов эксплантов. Проведен биохимический анализ образцов на содержание фенольных соединений и флавоноидов для разных популяций.

Культуры клеток, тканей и органов растений являются все более востребованными альтернативными источниками ценных вторичных метаболитов. Растительные клетки тотипотентны, т. е. в них экспрессируется вся генетическая информация, и, следовательно, любое вещество, находящееся в интактном растении, можно получить, культивируя клетки данного растения. За последнее десятилетие в этой области достигнуты значительные успехи. В Институте ботаники Академии наук Республики Узбекистан проводятся диссертационная работа по теме: «Биология *F. tadshikorum* Pimenov и *F. sumbul* (Kauffm.) Hook. f. в условиях *in vitro*» в рамках проекта А-ФА-2021-146 «Создание технологии организации и размножения лекарственных растений методом *in vitro*». Цель настоящей работы – получение каллусной культуры *F. tadshikorum* корневого происхождения и характеристика ее продукционного потенциала в отношении вторичных метаболитов фенольной природы.

*Ferula* L. - включает около 200 видов цветковых растений семейства *Ariaceae* Lindl. в мире, многие из этих видов являются лекарственными, питательными, кормовыми, медовыми, эфирно-масляными и смолистыми



растениями. В Средней Азии насчитывается 114 видов, а в Узбекистане - около 60, из которых 5 являются эндемиками (Амооаghаie, 2006, рахмонов, мирович, хамраева, tojibayev 2020.).

В целях оптимизации состава питательной среды для полученной каллусной ткани корневого происхождения в первой серии экспериментов протестировано 27 комбинаций синтетических ауксинов (2,4-Д, 1-нафтилуксусная кислота (НУК)) и цитокининов (кинетин, 6-бензиламинопурин (БАП)) в среде МС, включающей 30 г/л сахарозы. Среда Мурасиге и Скуга (МС) с 2 мг/л НУК и 0,5 мг/л Кин; 0,5 мг/л 2,4-Д и 0,5 мг/л Кин; 2,0 мг/л 2,4-Д и 1,0 мг/л Кин; 1,0 мг/л НУК и 2,0 мг/л БАП составляла наиболее эффективен (90%) для пролиферации каллуса у корневых эксплантов. В результате проращивания простерилизованных семян получали асептические проростки, которые в 2-недельном возрасте использовали в качестве источника корневых эксплантов. Появление первых признаков каллусогенеза на отрезках изолированных корней наблюдалось в среднем через 10–15 суток после их переноса на агаризованные среды МС, включающие фитогормоны. Наиболее активное образование первичной каллусной ткани *Ferula tadshikorum* корневого происхождения происходило на варианте питательной среды, который включал 0,5 мг/л 2,4-Д и мг/л кинетина. В результате культивирования каллусов на средах с разными концентрациями 2,4-Д и кинетина суммарное содержание ФС, а также содержание ФЛ изменялись в узких пределах. Наиболее высоким содержанием ФС характеризовались каллусы, выращенные в присутствии 0,5 мг/л 2,4-Д и 0,5 мг/л кинетина.

Однако для промышленного использования растительных клеток с целью получения биологически активных веществ необходимо решить ряд проблем, одной из которых является низкое их внутриклеточное содержание.



## **ОПРЕДЕЛЕНИЕ ЭНДОГЕННОЙ САЛИЦИЛОВОЙ КИСЛОТЫ В ЛИСТЯХ БИОТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ГЕНОТИПОВ ХЛОПЧАТНИКА ПРИ ИСКУССТВЕННО СОЗДАНЫМ УСЛОВИЯМ ЗАСОЛЕНИЯ**

Рахматова Н.Р., Имамходжаева А.С., Буриев З.Т.

Центр Геномики и биоинформатики АН РУз  
